

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**НИЗОМИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ
ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ**

ТАРИХИЙ ЎЛКАШУНОСЛИК

Методик қўлланма

ТОШКЕНТ – 2009

Ушбу методик қўлланмада ўлкамизнинг бой тарихий ўтмишга эга эканлиги, халқнинг келиб чиқиши, ривожланиши, урф-одатлари шунингдек, жой номлари, уларни ўрганиш билан боглиқ тафсилотлар қисқача қайд этилган. Бунда ўлкашуносликнинг археология, этнография, топонимика, архившунослик ва музей материаллари каби манбалари асосида ўлкамизнинг тарихий тавсифи акс эттирилган. Тадқиқот даври - ўлкамизнинг қадимдан то ҳозиргача бўлган тарихини ва ҳаётини ўз ичига олган.

Талабаларга ўқув машғулотлари ўтиш жараёнида улардан фойдаланиш бўйича услубий кўрсатмалар берилган. Ундан Тарих факультети талабалари ва барча тарихга қизиқувчилар фойдаланишлари мумкин.

Тузувчи: Катта ўқитувчи М.Э.Хўжамов

**Такризчилар: ТТЕСИ “Ўзбекистон тарихи” кафедраси доценти,
т.ф.н. И.С.Ҳайитов,
Низомий номидаги ТДПУ Ватан тарихи кафедраси
доценти, т.ф.н. Э.Қосимов**

**Методик қўлланма Низомий номидаги ТДПУ Илмий Кенгаш
йиғилишининг 2008 йил “----” ----- даги----- сонли қарори билан
нашрга тавсия этилди.**

Кириш

Бугунги кунда Ватан ва халқ ўтмишини, бугунги ҳаётини яқиндан ўрганишга бўлган еътиборининг ҳар қачонгидан муҳимроқ аҳамият касб этаётганлиги қувонарлидир.

Халқимизнинг орзуси – қарор топган истиқлол туфайли янгиланиш, ислохотлар жараёни юртимизда катта кўламда амалга оширилмоқда. Шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонуни, “Кадрлар таёрлаш Миллий дастури” асосида таълим тизимида ҳам амалий фаолиятга киришилди. Илм-маърифатга интилиб яшаган аجدодларимиздан қолган илмий-маданий меросни ўрганиш ҳамда таълимни жаҳон илғор тажрибаларидан фойдаланиш асосида ривожланишини йўлга қўйиш Республика таълим ислохотларининг бош мақсадидир. Бу борада Республикамиз Президенти, ҳукуматнинг тарихимизни, халқ миллий кадриятлари ва анъаналарини ўрганиш, уни кенг тарғиб этишга қаратилган қатор фармонлари ва қарорлари чиқарилди. Уларда ўлкамизни, халқимизнинг бой тарихини яхши ўрганмасдан туриб, бугунги мустақил даврнинг қадрига етмоқ ҳамда юртимиз истиқболини яратиб бўлмаслиги алоҳида қайд этилган.

Ўзбек халқининг тарихий, маданий ва меъморчилик ёдгорликлари маданий меъросимизнинг таркибий қисми бўлиб, жаҳон тараққиётига қўшилган ғоят катта улушдир. Улар билан яқиндан танишиб бориш кишиларга, айниқса, ёш авлод учун Ватан ва халқни севишга, улар олдидаги ўз бурчларини англашга хизмат қилади, шунингдек, миллий ғурур ва ифтихор туйғуларини шакллантиради.

Тарих факультетида ўқитиладиган “Тарихий ўлкашунослик” фани ўлка ва халқ ҳаётига доир археологик, этнографик материалларни, топонимик маълумотларни ўрганиш асосида улардан ўқув, тарбиявий ишларда ўринли ва самарали фойдаланиб, ёш авлодни ватанпарварлик руҳида тарбиялашни кўзда тутди.

Тарихчи ва тилшунос олимларнинг қадимги Сўғд, Бактрия, Хоразм, Оромий ва бошқа ёзма ёдгорликларни аниқлаши ҳам фанимиз ривожига йирик воқеадир. Олиб борилган илмий тадқиқотлар натижасида ўлкамизнинг тарихий, жуғрофий, антропологик, топонимик, халқ оғзаки ижоди, ёзма адабиёт, шунингдек, моддий ва маънавий маданиятнинг турли соҳалари бўйича қимматли маълумотга эга бўлинди. Шу каби тарихий-илмий, маданий ва моддий ёдгорликлар, манбалар билан талабаларни таништириш долзарб масала ҳисобланади.

“Тарихий ўлкашунослик” фанига кириш. Ўлкашуносликнинг турлари ва унинг ривожланиш босқичлари.

“Тарихий ўлкашунослик” фани ҳақида тушунча. Унинг мақсад ва вазифалари, предмети, ўрганиш объекти.

Фаннинг предмети – ўлка ва халқимизнинг энг қадимги даврлардан то ҳозирга қадар ривожланиб боришининг энг муҳим жиҳатларини, яъни: илк

одам зотининг пайдо бўлиши ва маконлари, уруғ, қабила, элат, халқ ва миллатнинг шаклланишини, қишлоқ, шаҳар, давлатларнинг ривожланишини, тарихий обидаларни, буюк тарихий сиймолар ва халқ қаҳрамонларини, мустақилликка эришув ва дастлабки даврдаги бунёдкорлик ишларини, жой номлари билан боғлиқ ўлка топонимикасини ва шу кабиларни тадқиқ этишдан иборат.

Фаннинг мақсади - Ўлка ва халқ ўтмишини энг қадимги даврдан то ҳозирга қадар бўлган вақт давомида ҳар томонлама ривожланиб боришини тадқиқ этиш ва уларни ёшларга тушунтириш орқали уларда мозийга ҳурмат, халқ ва ватанга муҳаббат, бугунги мустақил кунларни кадрлаш, келажаги буюк юртимизнинг истиқболига ишонч каби туйғуларни шакллантиришдан иборат.

Фаннинг вазифаси - ўлка ва халқ ўтмишини, уни энг қадимги даврлардан то ҳозирга қадар ижтимоий, иқтисодий, сиёсий ва маданий жиҳатдан ривожланиб боришининг энг муҳим жиҳатларини ўлкашуносликнинг 5 та асосий манбалари: археология, этнография, топонимика, архившунослик, музей экспонатлари орқали тадқиқ этишдан иборат.

Ўлкашуносликнинг ўлкамизни тадқиқ этувчи тарих, жуғрофия, археология, этнография, антропология, топонимика, архившунослик каби фанлар, музей экспонатлари билан ўзаро боғлиқ эканлиги. Мамлакатмиз, халқимиз тарихини ўрганишда “Тарихий ўлкашунослик” фанининг шаклланиш ва ривожланиш босқичларини ўрганишнинг муҳимлиги.

Қўлланма ўзида тарихий, жуғрофий, антропологик, археологик, этнографик, топонимик, моддий ва маънавий билимларга таянган ҳолда тарихий ўлкашунослик ҳақида қисқа маълумотларни мужасамлаштирган. Шубҳасизки, ушбу фан олдида маъсулият жуда катта. Чунки ёш авлодни инсонпарвар, халқимизнинг асрлар мобайнида яратган маданий-илмий меросдан ғурурланиш, истиқлол ғояларига садоқат руҳида тарбиялаш асосида маънавий баркамоллигини таъминлашда “Тарихий ўлкашунослик” фанининг ривожига эҳтиёж тобора ортиб бормоқда.

Тарихга назар ташласак, ўз ўлкасини севмаган ва унинг тупроғини ардоқламаган бирон зотни учрата олмаймиз. Шунинг учун ҳам Ватанни севоқ иймондандир, деймиз. Зотан, она юрт фарзандлари учун Ватанни севиш, унинг тарихини ўрганиш, дилга жо этиш муқаддас бурчидир.

Тарихий ўлкашуносликнинг турлари:

Тарихий ўлкашунослик уч турга бўлинади: 1) илмий ёки давлат ўлкашунослиги; 2) жамоат ўлкашунослиги; 3) мактаб ўлкашунослиги. Ўлкашуносликнинг ҳар учала тури ўзаро бир-бирига алоқадор бўлиб, бири иккинчисини тўлдиради.

Давлат ўлкашунослиги билан Республика тарихий ва маданий ёдгорликларни муҳофаза қилиш ҳамда улардан фойдаланиш қўмитаси, музейлар, Республика Фанлар Академияси қошидаги Тарих, Археология илмий-тадқиқот институтлари шуғулланади.

Жамоат ўлкашунослиги қишлоқ, овул, қўрғон, туман, шаҳар ва вилоят

худудидаги тарихий обидаларни сақлаш ва асраш ишларига бошчилик қилиш билан бирга жойларда истиқомат қилиб турган халқларнинг келиб чиқиши (этногенези), урф-одатларини ўрганади ҳамда илғор меҳнаткашлар, Меҳнат Қаҳрамонлари хотирасини абадийлаштириш учун ҳайкаллар, мангу оловлар, ҳурмат тахталари ташкил қилади. Бундан ташқари, жамоат ўлкашунослигига мустақил равишда танга-пулларни ўрганувчи мутахассислар - нумизматлар, муҳрларни ўрганувчилар - сафрагистлар, тамға(герб)ларни ўрганувчилар - гералдистлар, тош, металл, сопол ва ёғочдаги ёзувларни ўрганадиган олимлар - эпиграфистлар, эски асбоб-ускуналар ва қурол-аслаҳа ҳамда шу қабиларни тўпловчилар ҳам уюшади.

Мактаб ўлкашунослиги эса мактабларда тарих, инсон ва ҷамият фани ўқитувчиларининг бевосита раҳбарлигида ташкил қилинади. Мактаб ўлкашунослигининг аъзолари V синфдан юқори бўлган энг интизомли ва аълочи ўқувчилардан тузилиб, улар ўлка материалларини тўрт гуруҳга бўлинган ҳолда тўплайдилар. Тўплаган археологик, этнографик, топонимик ва архив ҳужжатлари мактаб ўлкашунослик ва тарих музейларида намоиш қилинади.

Мактаб ўлкашунослиги таълим - тарбияни турмуш, ишлаб чиқариш, янги ҷамият қуриш тажрибаси билан узвий боғлиқ ҳолда ўрганади. Ўқитиш жараёнида ўлка материалларидан ўринли фойдаланиш ўқувчиларнинг ўз ўлкаси тарихини билиб олишга, чуқур билим олишга ,мустақил ижод қилишга бўлган қизиқишини орттиради ва келгуси ҳаёт йўлини танлаб олишига ёрдам беради.

Мактаб ўлкашунослиги иккига бўлиниб, ўқув жараёнида (ўқув дастури асосида) ва ва дастурдан ташқари (мактабнинг тарбиявий ишлар режасига асосланган ҳолда) амалга оширилади. Ўқув жараёнида (синфда) олиб бориладиган ўлкашунослик ишлари ҳам икки мақсадни кўзлайди. Бири – ўз ўлкасининг ўтмишини археологик, этнографик материаллар, топонимик маълумотлар, қўлёзма асарлар ва архив ҳужжатлари асосида ўрганиш ва ўлкашунослик материалларини бир тизимга солиш: иккинчиси - тўпланган ўлкашунослик материалларидан тарих ҳамда инсон ва ҷамият дарсларида фойдаланиш. Синфда олиб бориладиган ўлкашунослик ишларида барча ўқувчиларнинг иштирок этиши мажбурийдир. Мактабдан ташқари олиб бориладиган ўлкашунослик ишларида, яъни саёҳатлар, археологик илмий сафарларда Ўзбекистон Фанлар Академияси Тарих ҳамда Археология институтларининг тавсиялари билангина шу ишга лаёқатли ўқувчилар ихтиёрий равишда иштирок этадилар. Мактаб ўлкашунослиги асосида ўқувчиларнинг тарих ҳамда инсон ва ҷамият фанларидан олган билимлари ойдинлашади, шунингдек, турли фанларнинг ўзаро алоқаси таъминланади.

Мактаб ўлкашунослиги ўлкамиздаги тарихий обидаларни сақлаш ва ҳимоя қилишда, шунингдек, қадимий манзилгоҳларни топишда ҳам катта рол ўйнайди. У ҷамоа бўлиб яшаш ва ишлаш, ижод қилишга ўргатади. Шу тарзда ўқувчиларда синчковлик, тиришқоқлик, теvarак-атрофга ҳавас билан боқиш, илмий татқиқотларга қизиқиш, Ватанни севиш ва уни ардоқлаш

ҳислари шаклланиб боради.

Дарҳақиқат, мактаб ўлкашунослиги ўқувчиларда ўз Ватанига меҳр уйғотиш билан бирга, уларни эстетик руҳда тарбиялашга ҳам муносиб ҳисса қўшади.

Ватанга бўлган меҳр туйғуси ўз ўлкасини ўрганишдан бошланади. Мактаб ўлкашунослигида ана шундай туйғу шаклланади.

Тарихий ўлкашуносликнинг ривожланиши. 1917 йилга қадар ўлкани ўрганиш масаласи.

Рус олими М.В.Ломоносов ўз ўлкасини мукамал ўрганиш мақсадида 1761 йили 30 саволдан иборат савол-жавоб варақаси тузиб, уни Россияда аҳоли ўртасида тарқатган эди. Айни вақтда шу тариқа Россияда ўлкашунослик фанига ҳам асос солинганди. Ўлкани ўрганиш масаласи кенг равишда Ўрта Осиё, шу жумладан Ўзбекистон ҳудудида Россиядан анчагина кейинроқ, яъни XX асрнинг иккинчи ярмидан бошланган эди.

Рус олимлари Ўрта Осиёнинг Чоризм тарафидан тарафидан босиб олинishiдан анча илгари бу ўлкани ўрганиш бўйича бир қанча ишлар қилган эдилар. Бироқ, XIX асрнинг биринчи ярмида ўлкани ўрганиш, яъни маҳаллий тарихчилик ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маданий ҳаётдаги биқикликка мос бўлиб, феодал табақалар манфаатлари учун хизмат қилар эди. Тарих фанидан феодал синфнинг манфаатлари, хонлар ва улар сулоласининг тахтга эгаллиги ва “одиллиги” ни мафкуравий жиҳатдан асослаш учун фойдаланиб келинди. Сарой тарихчилари ўзларининг асосий эътиборларини сиёсий воқеликларни, хонларнинг фаолияти ва ўз рақиблари устидан қозонган ғалабаларини кўкларга кўтариб мақташ, саройдаги анъаналарни тасвирлашга қаратдилар. Чунки замон ўзи шунақа эди

Натижада бу давр тарихчилигининг мавзуи жаҳон тарихчилик мавзусидан бир қадар ажралиб қолди. X-XV асрлардаги маҳаллий тарихчилар Муҳаммад Наршахий, Табарий, Рашидиддин, Низомиддин Жомий, Абулғозихон ва бошқаларнинг асарлари ўзининг мазмундорлиги, далилий материалга бойлиги билан бу даврда ёзилган тарихий асарлардан сезиларни даражада ажралиб туради. Шарқшунос А.А.Ромаскевич Рашидиддиннинг “Жоме ут таворих” номли асари устида сўз юритар экан, ҳақли равишда бу асар ўзининг мазмуни ва ҳажми жиҳатидан муҳимлигини кўрсатиб, биз бу асардан кейин Эрон тарихчилигида воқеаларни бу хилда баён қилиш учун бўлган интилишни кўрмаймиз, деб ёзган эди. Бундай ҳол Ўрта Осиё тарихчилигига ҳам хос нарса эди. Шундай қилиб, XIX асрнинг биринчи ярмида тарих фани ҳам, бошқа фанлар сингари, асосан ҳукмрон синфларнинг манфаати учун хизмат қилади.

XIX асрнинг 30-йилларида Бухоро сарой тарихчиси Муҳаммад Ёқуб ёзган “Гулшан ул-мулук” номли асар ўша давр тарихий манбаларидан бири ҳисобланади. Бу асар форс-тожик тилида ёзилган бўлиб, унда қадимги замонлардан то XIX асрнинг 30-йилларигача бўлган Бухоро амирлигидаги сиёсий воқеалар баёни берилган.

Асарда сарой воқеликлари, ҳукмрон синфлар тарихи, ўзаро урушлар, унда эришилган ғалабалар, хонликнинг кейинги сулоласининг генеологияси (насабномаси) ифодаланиб, жамиятнинг ривожланишида асосий куч бўлган халқ оммасининг аҳволи, унинг тилак-орзулари, халқ ҳаракатлари ва бу ҳаракатларнинг туб моҳиятини ёритишга бўлган интилишни деярли кўрмаймиз.

Яна ўша даврда форс-тожик тилида ёзилган иккинчи манба Бухоро сарой тарихчиси Муҳаммад Мир Олимнинг “Тарихи Амир Насрулло” номли асаридир. Бу асар Бухоро амири Насруллонинг (1826-1860) топшириғи билан ёзилган. Асар XVIII асрнинг иккинчи ярмида Бухоро амирлигида юз берган сиёсий воқеаларни тасвирлаш билан бошланиб, амир Насруллонинг ҳокимиятга келиши, унинг дастлабки йиллардаги давлатни бошқаришда тутган сиёсати ҳақидаги воқеалар билан тугалланади. Асарда Бухоро амирлигидаги 1821-1825 йилларда бўлиб ўтган хитой-кипчоқлар қўзағлони ва унинг бостирилиши ҳақида сўзланади. Аммо унда қўзғалоннинг асосий сабаблари ва моҳияти очиб берилмаган. Бу табиий ҳол бўлиб, сарой тарихчисидан бошқа нарсани кутиш мумкин эмас эди.

Яна шу йўналишда ёзилган тарихий манбалардан бири - Мулла Ибодулла ва Мулла Муҳаммад Шарифлар томонидан форс-тожик тилида яратилган “Тарихи амир Ҳайдар” номли асардир. Асарда аштархонийлар билан манғитлар сулоласи тарихи, Бухоро амирлигида бўлиб ўтган сиёсий, ижтимоий-иқтисодий воқеаларга тўхталиб ўтилган. Шу билан бирга, асарда 1820 йилда А.Ф.Негри бошлиқ Россиядан Бухорога юборилган элчилик ташрифи тўғрисида ҳам маълумотлар берилган.

Муҳаммад Шарифнинг худди ўша даврни акс эттирувчи “Тожд ут-таворих” (“Тарихлар тожи”) номли асарида манғитлар насабномаси, туркий ва мўғул қабилалари, Чингизхон, унинг авлод-аждодлари, шайбонийлар, аштархонийлар сулоласининг тарихи берилади. Умуман, асар аштархонийлар, айниқса манғитлар сулоласи вақтида Бухоро амирлигидаги сиёсий, ижтимоий - иқтисодий воқеликларни ўрганишда муҳим рол ўйнайди.

XIX асрнинг 40-йилларида ёзилган йирик тарихий манбалардан бири Муҳаммад Ҳакимжон Тўранинг “Мунтахаб ут-таворих” номли асаридир. Асарда XVIII асарнинг 70-йиллардан то Қўқон хони Умархоннинг вафоти (1822), ундан сўнг тахтга ўтирган Мадалихонгача бўлган давридаги Қўқон хонлиги сиёсий воқеалари тасвирланган.

Ҳакимхон Тўра хон билан бирга юриб, XIX асрнинг биринчи чорагидаги воқеаларга аралашади. У саройдаги фиска-фужур, вилоятлардаги сиёсий тортишувлар, хонликнинг ташқи ва ички сиёсатини, Бухоро амирлигидаги сиёсий ҳодисаларни ўз кўзи билан кўриб, уларни ўз асарида акс эттирган. Аштархонийлардан сўнг тахтга ўтирган ўзбекларнинг минг сулоласи ҳақидаги маълумотлар ҳам изчиллик билан ифодаланган. Асарнинг қиммати шундаки, унда Россиянинг Ўрта Осиёга нисбатан тутган сиёсати борасида муҳим фикрлар баён қилган.

Муаллиф ўз асарида 1821-1825 йилларда Бухорода бўлиб ўтган Хитой-

кипчоқлар кўзғалонида қатнашганларга ҳам ўз муносабатини билдириб ўтган эди.

Қўқон хонлиги тарихига оид манбалардан бири Мулла Аваз Муҳаммаднинг форс-тожик тилида ёзилган “Тарих жаҳоннумаи” асари бўлиб, ўз кўзи билан кўрганларининг баёни ҳамда тарихий манбалар асосида ёзилган икки китоб ва географик қўшимчадан иборат. Асарнинг биринчи қисмида инсоннинг пайдо бўлишидан бошлаб, то XVI асргача бўлган ҳукмдорлар тарихи берилган.

Асарнинг иккинчи қисмида Қўқон хони Олимхон (1798-1810) ва Умархон (1810-1822) ҳукмронлиги даври сиёсати тўлиқ берилган.

Асарда Бухоро амирининг хитой-кипчоқлар ва қорақалпоқ халқларига нисбатан тутган сиёсати, Қўқон хонлиги билан Бухоро амирлиги ўртасидаги муносабатлар рус аскарлари томонидан Самарқанд ва Каттақўрғон ерларнинг босиб олиниши йўл ва иморатларлар қурилиши, айрим воқеаларнинг саналари ва ҳоказолар берилган. Шу билан бирга, асарда 1842 йили Қўқонда кўтарилган хўжа Қаландар бошчилигидаги кўзғолон, 1847 йилда Тошкент ҳокимига қарши кўтарилган ҳаракат каби муҳим воқеалар ҳақида ҳам сўз боради. Асарда келтирилган бу далиллар тарихни ўрганиш учун муҳимдир. Бироқ бу хилдаги асарлар ўша давр ҳукмрон синф мафкураси руҳида ёзилган бўлиб, унга танқидий кўз билан қараш талаб қилинади.

Қўқон хонлиги тарихчилигида Мулла Ниёз Муҳаммаднинг “Тарихи Шохруҳий” деган асари ҳам диққатга сазовордир. Муаллифнинг бу асари Қўқон хонлигининг XVIII ва XIX асрнинг 70-йилларигача бўлган тарихига оид муҳим маълумотлар шу давр тадқиқотчилари учун жуда қимматлидир.

Тошкентдаги Қорёғди маҳалласидан Муҳаммад Солиҳ Қорахўжа ўғлининг 1880-1885 йиллар орасида ёзган “Тарихи жадидаи Тошканд” (Тошкентнинг янги тарихи) номли 1200 бетдан иборат асари ҳам жуда муҳим аҳамиятга эга бўлиб, у Ўрта Осиёда ўтган уч хонликда ёзилган тарихий асарлардан бир мунча фарқ қилади. Асар форс-тожик тилида ёзилган. У асосан ҳукмдорлар ўртасидаги учрашувлар тарихидан иборат бўлиб, иккинчи қисми Қўқон хонлиги ва Тошкент тарихига бағишланган. Бунда муаллифнинг тарихни янгича ёзиш ниятида иш бошлагани ва А. Кундан маслаҳатлар олганлиги сезилади. Шунингдек, асарда Қўқоннинг сиёсий ҳаётида устунлик ролини ўйнаган гуруҳлар ва шахслар, Тошкентда бўлиб ўтган халқ кўзғолонлари, шу кўзғолонларнинг йўналиши ва сабаблари ҳақида муфассал маълумотлар берилган. Бу асар Шарқшунослик институтда нодир асарлар қаторида сақланмоқда.

XIX асрнинг биринчи ярмида Хива хонлигида ёзилган тарихий манбалардан энг муҳими Мунис ва Огаҳийларнинг асарлари ҳисобланади.

Шермуҳаммад Мунис [1778-1829] Элтузар хонлиги вақтида сарой хизматида қиради ва хоннинг топширғи билан ўзининг “Фирдавс ул - иқбол” номли машҳур тарихий асарини ёзди. Элтузархон Шермуҳаммад Мунисга бу асарни Фирдавсийнинг “Шохнома” асарида устун қилиб яратишини ҳам уқтирган эди.

Мунис асари ўзбек тилида ёзилган. Уни ёзишда Хива хонлиги

тарихигага доир бўлган кўпгина асарлардан фойдаланади. Хива хонлигининг XVIII аср тарихига оид воқеяларни эса ўз кўзи билан кўрган кишилар ва айниқса, отаси берган маълумотлар асосида ёритади. XVIII асрнинг иккинчи ярмидаги энг муҳим воқеяларни - 1812 йилгача бўлган тарихий воқеаларни тасвирлаш пайтида унга хон томонидан бошқа вазифа, яъни Мирхонднинг машҳур асари “Равзат ус сафо” ни форс тилидан ўзбек тилига таржима қилиш топширилади. Мунис бу асарнинг биринчи китобини тамомлаб, иккинчисини ёзаётган вақтида тўсатдан вафот этади. Шундай қилиб, ўз асарини тамомлай олмайди.

Муҳаммад Ризо Огаҳий [1809-1864] Хива хони Оллоқули [1825-1842] нинг топшириғи билан асарни давом эттириб, якунлайди. Шунингдек, у 1826-1842 йиллардаги воқеалар ёритилган “Риёз уд-давла”, 1856-1865 йиллардаги воқеаларга бағишланган “Шоҳиди иқбол” номли бешинчи асарларини ёзади. Огаҳий “Шоҳиди иқбол” номли бешинчи асарларини Хива хони Муҳаммад Раҳимхон даври [1865-1910]га бағишлайди. Аммо бу асар тамомланмай, 1872 йилги воқеалар билан тугайди.

Мунис ва Огаҳийлар сарой тарихчилари бўлсаларда, уларнинг асарлари ўзининг даллиларига бойлиги, хронологик изчиллиги, ўзида акс эттирилган сиёсий воқеаларнинг тўлиқ баёни жиҳатидан ўша даврдаги Бухоро ва Қўқон сарой тарихчиларидан бирмунча юқори туради. Хива тарихчилиги ва хусусан Мунис, Огаҳий асарларидаги бу хусусиятларни ўз вақтида В.В.Бартольд ҳам “История культурный жизни Туркестана” деган асарида алоҳида таъкидлаб “Мунис ва Огаҳийларнинг китоблари адабий ва тарихий асар сифатида камчиликларига қарамай, баён қилишининг тўлиқлиги ва далилий маълумотларининг сони жиҳатидан бизгача етиб келган Бухоро ва Қўқон хонликлари тарихи бўйича битилган асарларни орқада қолдиради”, - деб ёзган эди.

Хулоса қилиб айтилганда XIX асрнинг биринчи ярмида маҳаллий тарихчилар томонидан яратилган тарихий асарлар мамлакатнинг ҳўжалиги, иқтисодий муносабатлар, синфий кураш, халқ ҳаракатлари ва сиёсий воқеаларнинг ижтимоий-иқтисодий илдизларини очиб бера олмаган бўлса ҳам, тарихчиларимиз ўлкани ўрганишда, солномалар тузишда, этиографик ва топономик материаллар топишда бу нодир асарлардан танқидий нуқтаи назардан қараб фойдаланишлари мумкин. Бу асарлар шунинг учун ҳам 1917 йилга қадар ўлка тарихини ўрганишда жуда қўл келади. Чунки уларнинг муалифлари ўша даврда яшаган, рўй бераётган воқеалар ва ҳодисаларни ўз кўзлари билан кўрган, шунингдек уларни олдинги давр воқеалари билан қиёслаган. Шу нуқтаи назардан бу асарлар ўлкани ўрганишда ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Ўрта Осиё тарихини ўрганишда рус шарқшуносларининг роли.

XIX асрнинг иккинчи ярмида Ўрта Осиё чор аскарлари тарафидан босиб олинган. бу ерга рус олимлари келиб, кўплаб тадқиқот ишларини олиб

бордилар. Ўрта Осиёга келган олимлар ўлкадаги илғор маҳаллий зиёлиларнинг намоёндалари билан яқин алоқада бўлардилар.

Мустамлака маъмурияти Ўрта Осиё халқ оммасининг миллий онгини ўстиришга ёрдамлашишини алсо маъқул иш деб билмасди, аксинча, маҳаллий халқ оммаси ўртасида тарихий билимларни биров даражада кенг тарғиб этиш, улар диққатини қадимги замон ёдгорликларини ўрганишга тортиш чоризмнинг мустамлакачилик сиёсатига фақат зарар етказиши мумкин, деб кўрқарди.

Ҳолбуки, Ўрта Осиёнинг янги-янги ҳудудларида Россия ҳукмронлигининг ўрнатилиши, уларнинг Умумроссия иқтисодий тараққиёти йўлига кўшиб юборилганлиги муносабати билан турмушнинг ўзи илмий тадқиқотлар ўтказиш зарурлигини тақозо қилиб бормоқда эди. Ўрта Осиёнинг дурустроқ ўрганилмаганлиги мустамлака маъмуриятининг ўлкада олиб борадиган ишларини қийинлаштирди. Илмий тадқиқотлардан баъзи бирлари ўзларининг кўп йиллик тарихига, ўз урф-одатлари, турмуш тарзига эга бўлган миллион -миллион Ўрта Осиё халқлари оммасини эксплуатация қилиш тизимини тўғридан-тўғри уюштиришда ёрдам бериши лозим эди.

Табиий бойликлари, маданий мероси ғоят бой бўлган ва кам текширилган бу ўлка рус зиёлиларнинг тараққийпарвар қисмини жуда кизиқтирарди. Машҳур рус зоологи, географи ва сайёҳи, дарвинизмнинг эътиқодли тарафдорларидан бўлган Н.А.Северцов [1827-1886] Туркистоннинг кўп жойларини физик-географик жиҳатдан ўрганишда, жумладан, Помир тизма тоғларининг орографиясини ўрганишда кўп меҳнат ва куч сарф қилди.

Рус табиатшуноси ва сайёҳи А.П.Федченко [1844-1873] Туркистон табиатини ўрганишда катта рол ўйнади. У Фарғона водийси билан Олойни биринчи марта текшириб чиқди; Олой орқасидаги тизма тоғлар ва унинг энг баланд чўққисини очиш шарафи ҳам насиб бўлган, у Зарафшон водийси билан Қизилқумни ҳам текшириб чиққан.

Геолог ва географ И.В.Мушкетовнинг [1850-1902] ҳам илмий хизматлари жуда катта. Шимолий Тяньшан тузилишини кўрсатиб берган. У Туркистондаги кўпгина фойдали қазилма конларини таърифлаб, Туркистон менералларининг дастлабки рўйхатини тузиб чиқди. 1877-1879 йилларда Мушкетов геологик текшириш мақсадида Олой, Помир, Бухоро, Ҳисорга, Амударё бўйлаб ва Қизилқумга саёҳат қилди. 1880 йилда эса Зарафшон музлигига илмий сафар уюштирди. Мушкетов 1881 йилда [Г.Д.Романовский билан биргаликда] Туркистоннинг биринчи геологик харитасини тузди. Ўрта Осиё геология тузилишининг биринчи намуналарини таклиф қилди, уни ўрганиш босқичларини кўрсатиб берди. И.В.Мушкетов ўз тадқиқотларини ва Туркистонни ўрганган бошқа олимларнинг илмий ишларини ўзининг машҳур “Туркистоннинг геология ва орография таърифи” монографиясида умумлаштирган. Бу монографияга ёзилган катта муқаддимага тарихшунослик нуқтаи назардан ёндашган.

Ўрта Осиё тупроғини ўрганишда ҳам рус тадқиқотчилари кўп меҳнат сарф қилганлар. Машҳур рус олими, ҳозирги замон илмий

тупроқшунослигига асос солган В.В.Докучаев [1846-1903] ўзининг кўпгина асарларида бу соҳада дастлабки [1898 йилда] маълумотларни берган.

Ҳарбий топографлар ҳам кунт билан унумли ишлар қилганлар, Туркистон ҳарбий топография бўлими тузилгунга қадар [1867-йил] ўлка топография жихатидан қарийб бутунлай ўрганилмаган эди. Бўлим ” хизмат юзасидан лозим бўлган” баъзи бир зарур хўжалик ва ҳарбий эҳтиёжларни таъминлаш билан чекланиб қолмасдан, Ўрта Осиёнинг бош харитасини тузиш ишига киришиб кетди. Туркистон босиб олингандан кейин ўлкани харитага тушириш ва иқлимини ўрганиш учун илмий база яратиш масаласи туғилди. Шу тариқа 1867 йилда Тошкент метерологик маркази тузилди, бир оз вақтдан кейин шундай марказлардан бир қанчаси бошқа ерларда ҳам вужудга келди.

Тошкентда фалакиётшунослик расадхонасини яратиш юзасидан таёргарлик ишлари олиб борилди ва 1874 йилда россиядаги энг қадимги Пулково расадхонаси ходимларининг ёрдами билан шундай расадхона очилди. Шарт-шароитнинг қийинлигига қарамай, бу соҳада катта ютуқлар кўлга киритилди. Расадхона ходимлари ҳозирги Ўрта Осиё республикалари ҳудудида қарийб 870 фалакиёт манзилларини аниқладилар. Расадхона ходимлари ўз ташаббуслари билан илмий-текшириш ишлари олиб бордилар. Ўлкани ўрганишда статистика қўмиталари ҳам муҳим рол ўйнади.

1868 йил январда Туркистон Статистика Қўмитаси тузилди. Унинг ташаббуси билан 1872 йилдан “Туркистон ўлкаси статистикаси учун материаллар” номли тўплам чиқарила бошланди [1872-1876 йиллар ичида ҳаммаси бўлиб 5та тўплам чиқарилди]. 1887 йил биринчи январдан бошлаб Сирдарё [Тошкентда], Самарқанд [Самарқандда], Фарғона /Янги Марғилонда/ вилоятлари Статистика Қўмиталари тузилди. Қўмиталар вилоятларга мос шарҳлар(обзор) нашр қилиб, уларда “табиий ва ишлаб чиқариш ишлари”, халқ хўжалиги, суғориш тизимлари, йўллар, аҳоли ва унинг машғулоти, ўлпон ва солиқлар, маъмурий тузилиш, соғлиқни сақлаш ва маориф, жамоат ободончилиги, об-ҳаво кузатишлари ва ҳоказолар ҳақидаги муфассал маълумотлар берилди. 1886-1913 йилларга оид “Сирдарё вилояти бозорлари” [Тошкент, 1887-1916 йиллар], 1884-1913 йилларга оид “Фарғона вилояти бозорлари” [Янги Марғилон - Скобелев, 1889-1916 йиллар] ҳақида ҳисоботлар ва бошқа китобларни нашр қилдилар.

Ўрта Осиё халқларининг турмушига бағишланган, илмий ва ўлкашуносликка доир турли хабарлар ва мақолалар 1870 йилдан нашр этила бошлаган русча “Туркестанские ведомости” ҳамда ўзбекча “Туркистон вилоятининг газети” ва бошқа маҳаллий матбуотда мунтазам босилиб турди (Тошкент 1870-1917 йиллар).

1870 йилда Тошкентда очилган Туркистон Халқ кутубхонаси (ҳозирги Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси) ўлкани ўрганиш билан шуғулланувчи барча татқиқотчилар, айниқса, маҳаллий ходимлар учун катта аҳамиятга эга бўлди. Кутубхона ташаббускор библиофиллар (китоб муҳбирлари) ва библиографларнинг кўрсатган фаолияти асосида ўлкани ўранишга доир қимматли асар ва материал билан бойиб борди. Кутубхона очилиши вақтида фақат 1700 жилд китоб бор эди,

1917 йилга ундаги китоблар сони 80000 жилдга етди. Кутубхона фондида сақланаётган адабиёт ва манба мажмуаларидан Ўрта Осиёга, айниқса, Туркистон ўлкасига тааллуқли “Туркистон асарлар ва мақолалар тўплами” жуда ҳам қимматли асар бўлиб, шу кунларда ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаган. Бу тўпламни тузишда кўзга кўринган рус библиографи В.И.Межов Петербургда 1868 йилдан бошлаб 20 йил давомида иш олиб борган эди.

1888 йилдан “Туркистон тўплами”га кирган катта-кичик жилдларнинг сони 416 га етганида (булар 1868-1888 йилларда тўпланган материаллар эди) ўлкада чор маъмуриятининг буйруғи билан “маблағ йўқлиги сабабли” бу ишлар тўхтатилган эди. В.И. Межов “Туркистон тўплами”га уч китобдан иборат систематик ва алфавит кўрсаткич тузган. А. Кун ва бошқа шарқшунослар машҳур “Туркистон альбоми” (Туркистон ўлкасининг этнография, археология, касб-хунар ва тарихга доир суратли альбом)ни тузиб тамомладилар.

Альбом 1262 дона рангли ва рангсиз фотосуратлар ёпиштирилган 447 картондан иборат бўлиб, Россияда фақат уч кутубхона - император кутубхонаси, Фанлар Академияси кутубхонаси ва Туркистон кутубхонасигина фахрлана оладиган, бадиий жиҳатдан ғоят ноёб асар эди.

Ўзбекистоннинг ва умуман бутун Туркистоннинг ёдгорликлари кўпдан буён олимларнинг диққатини ўзига жалб қилиб келарди. XIX - XX аср бўсағаларида осори атиқалар устида археологик кузатишлар, қидирув ишлари олиб борилди. Бу соҳадаги тадқиқотлар кўпроқ П.И.Лерх, Н.И.Веселовский, В.А.Жуковский, В.В.Бартольд ва маҳаллий туркийшунослардан М.С.Андреев, В.Л.Вяткин, А.Л.Кун, А.А.Семёнов ва бошқаларнинг номлари билан боғлиқдир.

Собиқ Туркистоннинг қадимий ёдгорликларини ҳисобга олиш ва текширишга Марказдаги илмий муассасалар; Император археология комиссияси, айниқса рус археология жамиятининг Шарқ бўлими, шунингдек, 1903 йил апрелда ташкил қилинган Ўрта ва Шарқий Осиёни тарихий, археологик, лингвистик ва этнографик жиҳатдан ўрганиш қўмитаси ҳам алоҳида эътиборни қаратди.

Археология йиғмалари 1876, 1889 йилларда Тошкент, Самарқанд ва Фарғонада очилган музейларда сақлана бошлади.

Ўрта Осиё тарихига оид энг муҳим манбаларидан бири Муҳаммад Наршахийнинг “Бухоро тарихи”[X аср] асари Н.С.Ликошин томонидан рус тилига таржима қилиниб, 1897 йилда нашр этилиши [В.В.Бартольд таҳрири остида] катта аҳамиятга эга бўлди.

Қадимги меъморчилик ёдгорликлардан асосан Самарқанд ёдгорликлари ўрганилди. 1895 йилда Н.И.Веселовский раҳбарлиги остида ва меъмор А.В.Шчусев ва бошқа мутахассислар иштирокида император археология комиссияси Амир Темур макбарасини меъморчилик ва декорация нуқтаи назаридан ўрганиш учун илмий сафар уюштирди. Бу илмий ишларнинг натижалари 1905 йилда ажойиб альбом ҳолида нашр этилди.

Ўрта Осиё Чор Россияси тарафидан босиб олингандан кейин

Ўбекистоннинг тарихи ва археологиясини ўрганиш билан бирга, бутун ўлкани этнографик жиҳатдан ўрганиш ишлари ҳам бир мунча кенгайтирилди. Бу ишларда шарқшунос мутахассислар билан бирга, хаваскор ўлкашунослар ва мансабдорлар, кўпроқ ҳарбийлар орасидан чиққанлар қатнашдилар. Улар Туркистон ўлка идора органлари томонидан берилган имкониятлардан фойдаланиб, халқ турмушини ўргандилар, турли жойларга бориб маҳаллий аҳоли билан алоқа боғладилар. В.В.Бартольд, Н.И.Веселовский, В.Радлов, А.Н. Самойлович сингари машҳур шарқшуносларнинг айрим асарлари этнографик нуқтаи назардан катта аҳамиятга эга.

XIX аср охири ва XX аср бошларида Ўрта Осиё гиламларига Россия ва Европа мамлакатлари жуда қизиқиб қолишди. 1908-1909 йилларда А.А. Боголюбов томонидан шунга доир тузилган альбом чиқарилди. Бу альбомда жуда кўп хил гилам нусхалари кўрсатилган эди. Боголюбов бу альбомда биринчи марта уларни илмий асосда таснифлашга уриниб кўрганди. Боголюбов албомидан сўнг А.Фалкерзам, С.М. Дудин ва бошлақаларнинг Ўрта Осиё гиламларини муфассал таърифлаган китоблари чоп этилди.

Ўлкани ўрганишга бўлган зарур талаблар олимлар олдига янгидан-янги вазифаларни кўндаланг қилиб қўйди. Бу вазифаларни ҳал қилиш учун катта-катта маблағ керак эди. Бироқ ўлкада илмий-текшириш муассасалари деярли йўқ эди. Бу эса ўлкадаги олимларни, умуман рус зиёлилари намоёндаларини Москва ва Петербургдаги йирик олимларнинг қўллаб-қувватлаши билан ўлкада илмий жамиятларни тузишга ундади. .

Қисқа муддат ичида Туркистонда илмий жамиятлар ташкил этилиб, ўлка тарихида мустаҳкам ўрин олдилар. Булардан баъзи бирлари фақат маҳаллий аҳамиятга эга бўлган жамиятлар бўлса, бошқалари Умумроссия илмий жамиятларининг бўлимлари жамияти, рус техника жамиятининг ҳамда тиббиёт, археология, антропология ва этнография хаваскорлари жамиятнинг Туркистон бўлимлари эди.

1870 йилда Ўрта Осиё олимлари жамияти пайдо бўлди. Бу жамият ўз олдига Ўрта Осиё тарихи, география, этнография, статистика, иқтисодиётга оид маълумотларни тўплаш, ишлаш ва тарқатишни мақсад қилиб қўйган эди. Унинг биринчи очиқ мажлиси 1871 йил 28 январда бўлди.

Шу билан бир вақтда А.П.Федченконинг фаол иштироки билан тиббиёт, археология ва этнография хаваскорлари жамиятнинг Туркистон бўлими очилди. Бўлим аъзолари орасида Н.А.Северцов, И.В. Мушкетов, В.Ф.Ошанин каби рус олимлари бор эди. Бўлим 1879 йилда “Табиёт, археология, антропология ва этнография хаваскорлари жамияти Туркистон бўлимининг хотиралари” деган ўзининг биринчи ва сўнгги асарини босиб чиқарди. Бу тўпламга кирган мақолалар орасида Н.А.Северцовнинг “Помир умуртқали фаунасидан маълумотлар” мақоласи, Н.Б.Тейхнинг ўлкани илмий таърифига бағишланган ишлари ва бошқалар диққатига сазовордир.

Бўлим бу жамиятнинг Москвада 1872 йилда ташкил қилинган иккинчи политехника кўرғазмасида Туркистон бўлимининг иштирок этишига таёргарлик кўриш юзасидан катта ишлар олиб борилди. Ўрта Осиё олимлари жамиятида бўлгани сингари, бу бўлим мажлисларида ҳам қимматли илмий

ахборотлар ва маърузалар тингланди. Жамиятнинг 1878 йилда В.Ф.Ошанин раҳбарлиги остида ташкил қилинган илмий сафари натижасида Буюк Пётр тизма тоғлари очилди. Муғсув дарёсининг манбаларидаги музлик топилиб, унга/чўққига/ А.П.Федченко номи берилди. Маблағ йўқлиги туфайли бўлим жуда катта қийинчиликларни бошдан кечирди ва тахминан 1893 йилда ўз фаолиятини тўхтатишга мажбур бўлди.

Ўлкада ишлаб турган ҳаваскор археологлар 1895 йилда Туркистон археология ҳаваскорлари тўғарагига бирлашди. Туркистон археология ҳаваскорлари тўғараги аъзолари томонидан Фарғона тоғ тизмаларидаги Соймайлитош деган жойда тошга ўйиб солинган жуда кўп суратларнинг топилиши, машҳур Бия-найман оссуарийлари ва ҳоказоларнинг очилиши фан солномаларига жуда ҳам муҳим илмий кашфиётлар бўлиб кирди.

Маҳаллий илмий ходимлардан бир гуруҳи В.Ф.Ошанин, С.И.Жилинский ва бошқаларнинг ташаббуси билан 1897 йил бошида рус география жамиятининг Туркистон бўлими ташкил қилинган эди. Бу жамият бўлими орқали Орол денгизи ва Балхаш кўли, Туркистон музликлари ва ҳайвонот дунёсини ўрганиш сингари жуда муҳим ишлар олиб борди. Фойдали қазилмалар қидириб топилиб, текширилди, Ўрта Осиёда зилзила сабаблари ва оқибатларини аниқлаш ишлари олиб борилди ва ҳоказо.

XX аср бошларида ўлкада ҳаммаси бўлиб 15 га яқин илмий жамиятлар иш олиб борди. Улар геология, география, зоология, ботаника, иқтисодиёт, тарих, шарқшунослик, археология, этнография, антропология, илмий тиббиёт ва шу каби билим тармоқлари ва ёрдамчи илмий фанлар соҳасида тадқиқот ишларини олиб борганлар.

Мустамлака Туркистон шароитида илмий жамиятларнинг фаолияти маҳаллий аҳоли ўртасига ёйилмади. Илмий тиббиёт жамиятлари бундан бир қадар мустаснодир. Ўлкада Фарғона тиббиёт жамияти [1892-1910 йиллар], Туркистон шифокорлар жамияти [1899-1909 йиллар], Туркистон тиббиёт жамияти [1900-1908 йиллар] Туркистон ўлка тиббиёт, табиатшунослар ва шифокорлар ишларини ташкил этиш ва яхшилаш масаласини, кишиларнинг соғлиғи ва ҳаётига зарарли бўлган ўрта асрчилик қолдиқларига қарши кураш олиб бориш масаларини ўртага қўйиб, уларни муҳокама қилди.

Туркистон ўлкасида туғлиб ўсган кишилардан анча-мунчалари фойдали қазилмалар топиш ва уларни тавсифлаш, қадимги замон ёдгорликларни қидириб топиш ва шу каби ишларда қатнашдилар.

XX аср бошларида Туркистондаги илмий жамиятлар ўз фаолиятини давом эттирди. В.Ошанин ўлка ҳайвонот дунёсини ўрганди. Н.А.Зарудний эса Туркистон паррандаларини ўрганди; Б.А.Федченко ва унинг онаси О.А.Федченко ўлканинг ўсимлик дунёсини тадқиқ қилди. Бу ишлар натижасида жамият бўлимининг асарларида ўсимлик ва ҳайвонот дунёсининг 80 хил янги уруғ, тур ва кичик турларини таърифловчи маълумотлар эълон қилинди.

Б.А.Федченконинг 1915 йилда эълон қилинган “Туркистон ўсимликлари” деган асарида Ўрта Осиёда маълум бўлган 5030 дан кўпроқ ўсимлик хиллари кўрсатиб ўтилган.

Туркистондаги зилзилаларни ёхуд тектоник ҳудудларни Б.Я.Короленко, Г.Б.Леонов каби тадқиқотчилар ўргандилар.

Шарқшунослик жамияти Тошкент бўлимининг фаолияти [1901-1913] ҳам диққатга сазовордир. Бу бўлим ташуббуси билан ўлкада туб жой аҳолининг рус тилини ўрганиши учун бепул кечки курслар ташкил қилинган. Бу курсларда ҳунарманд-қосиблар ва шаҳар аҳолисининг қуйи табақасидан бўлган бошқа кишилар ўқиганлар. 1906 йилда жамият бўлими С. М. Словьёвнинг “Бошланғич ўқиш учун рус солномаси”ни нашр қилди, бунини ўзбек тилига Н.С. Ликошин таржима қилганди. Бу асар 2700 нусхада бўлиб, рус-тузем мактабларига бепул тарқатилган. Бунда албатта умумий таълим мақсадигина эмас, шу билан бирга, сиёсий мақсадлар ҳам кўзда тутилган эди. Тошкентда шарқшунослик ўқув юрти очиш йўлида қилинган ҳаракатлардан натижа чиқмади.

1907 йилда библиограф И.В.Дмитровский раҳбарлиги остида “Туркистон тўпламини тузиш ишлари” янгидан бошланди. 1917 йилга қадар тўплам жилдларининг сони 394 га етказилган эди. Юқорида кўрсатиб ўтилганидек бу тўплам жуда ҳам қимматли ва нодир ёдгорликлар ҳисобланади. Унда Ўрта Осиё ва унга қўшни бўлган Шарқ мамлакатларининг тарихи, археологияси, этнографияси, адабиёти, иқтисодиёти, маданияти ва бошқа масалаларига оид кенг маълумотлар бор.

Ўрта Осиё тарихи ва археологияси XX аср бошидан чуқурроқ текширила бошланди. Бундай изланишларни муваффақиятли олиб боришда биринчи ўринда, шубҳасиз, ғоят билимдон олим, машҳур шарқшунос, академик В.В Бартольд (1869-1930) турган эди. У талай шарқ тилларини яхши билганидан ҳамиша унинг илмий фаолияти марказида турган Ўрта Осиё тарихигина эмас, шу билан бирга, бутун “Мусулмонлар Шарқи” тарихига оид жуда кўп биринчи манбаларни пухта ўрганиш имкониятига эга бўлди. Унинг “Туркистон мўғуллар хуружи даврида” (1898-1900 йиллар), “Улуғбек ва унинг замони” сингари асарлари пухта олиб борилган тадқиқотларнинг самарасидир. Улар далилий маълумотларга бойлиги жиҳатидан Ўрта Осиёнинг ўрта асрлар даврига доир ўтмишини ўрганишда фанга илк маротаба қўшилган ғоят катта ҳиссадир. В.В Бартольднинг “Улуғбек ва унинг замони”, “Туркистоннинг суғориш тарихига доир” номли асарлари ва бошқа тадқиқотлари бугунги кунда ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаган. В.В Бартольдда катта ташкилотчилик қобилияти ҳам бор эди. Дарҳақиқат, Ўрта Осиёнинг тарихи ва археологиясини ўрганиш соҳадаги бирон каттароқ тадбир В.В Бартольд иштирокисиз бўлмаган.

Полковник А.Г.Серебрянников тўплаган Ўрта Осиё истилоси тарихига оид 70дан ортиқ катта жилдлардан иборат маълумотлар ўлкамизнинг 1839-1876 йилгача ўтган давр тарихини ўрганишда маълум даражада қизиқарли манбадир. Булар Петербург, Москва, Оренбург ва Тифлис архив маълумотлари асосида танлаб олинган. Булардан фақат 14 жилди нашр қилинган холос.

Маҳаллий археологлардан В.Л Вяткиннинг (1869-1932) ҳам тадқиқот ишлари диққатга сазовордир. Бу олим 1908-1909 йилларда Самарқанддаги

машҳур Улуғбек расадхонасининг қолдиқларини очди, Самарқанд ёдгорлиқларини ўрганиш ва сақлаш билан шуғулланди, қадимги Афросиёб қўрғони ва унинг атрофларини татқиқ этди.

В.В.Бартольд ўзининг 1894 йилда босилиб чиққан “Туркистонда археологик татқиқотлар масаласига доир” китобида ўлкани жиддий равишда ўрганиш ҳали олдимизда турибди, бу ишда бош ролни маҳаллий илмий кучлар ўйнамоғи лозим, деган эди. Унинг таклифи билан 1895 йили октябр ойида Туркистон археология хаваскорлари тўғараги ва унинг низоми тасдиқланди. Тўғаракка Туркистон генерал-губернатори барон Б.А.Вревский фахрий раис этиб сайланганди. Тўғаракнинг 108 аъзоси бўлиб, булар ичидан В.В Бартольд, Д.В.Ошанин ва бошқа машҳур кишилар ҳам бор эди.

Ўрта Осиё, шу жумладан Қўқон хонлигида Наманган ва Тошкентда яшаган, ўзбек халқининг тарихи, тилини ва урф- одатларини ўрганишда Владимир Петрович Наливкиннинг (1852-1918) ҳам қўшган ҳиссаси каттадир.

Унинг илмий фаолияти Ўрта Осиё халқлари тарихи, тилини ва этнографиясини ўрганишдан бошланди. У рафиқаси М.В.Наливкина билан ҳамкорликда “Фарғона маҳаллий аҳолиси аёлларининг турмуш тарзи ҳақида очерк” деган китоб ёзди. В.П.Наливкин рус олимлари ичида биринчи бўлиб маҳаллий тилларни ўрганиб, маҳаллий тарихчилар қўлёзма асарларини ўрганган ва шулар асосида “Қўқон хонлигининг қисқача тарихи” ва “Русча-сартча ва сартча-русча луғат” ҳамда “Интиқоб ут-таворих мамлакати Россия” китобларини ва қирқдан ортиқ илмий асарлар, мақолалар ёзган. Маҳаллий халқ тилини жуда мукаммал билганлиги сабабли уни ерли халқлар “ Жаҳонгир тўра” деб атаганлар, унинг ўзи ҳам бир неча асарини “Жаҳонгир тўра” номи билан чоп этган.

XX асрнинг 20 йилларига қадар олимлар ва туркшунос хаваскорларнинг кучлари билан Ўзбекистон ўлкасини ўрганишга доир анчагина материаллар тўпланган. Бироқ буларнинг орасида узук - юлуқ ва тасодиқий материаллар анчагина бўлиб, кенг илмий асосида умумлаштирилмаган эди.

Қадриятларимиз ўз ўлкамиз тарихини ўрганишдан бошланиши ҳеч кимга сир эмас. 70 йилдан ортиқ давом этган советлар даврида ёш авлодга ўтмишимиз тарихини ўргатишда катта чалкашлик ва хатоликларга ҳам йўл қўйилди.

1917 йилгача яшаган шарқшунос олимлар ва маҳаллий тарихчиларнинг ўлкани ўрганишга бағишланган асарлари унутилди. Ўлка тарихи билан бевосита шуғулланганлар миллатчилик тамғасига дучор бўлдилар.

Масалан, ўлкамиздан минерал бойлиқлар кидирган, қўрғошин ва феруза конларини топган хўжандлик Мулла Сангин, Чимкентда ўлкадаги биринчи рус-тузем мактабини очишда фаоллик кўрсатган, Қўқон шаҳар мактабида ишлаган ҳамда “Туркистон вилоятининг газети”да масъул муҳаррирлик қилган, Туркистон муаллимлар семинариясида ўзбек ва форс тилларида дарс берган, 1876 йилда Петербургда ориенталистлар 3 - халқаро конгрессида маъруза қилган, ўлкадаги туб жой аҳоли орасида дунёвий билимларнинг тарқалишига катта ҳисса қўшган Сатторхон Абдуғаффоров,

Ўзбек археологияси ривожига катта ҳисса қўшган, нумизматик коллекциялар тўплаган Самарқандлик Мирзо Бухорий, Мирзо Абдуллоларнинг номлари унутилди. Ваҳоланки, шундай истеъдодлардан бири - ажойиб санъаткор-хаттот Мирзо Барот Мулла Косимов Самарқанд ва унинг атрофларидаги кўпдан-кўп қадимги замон ёдгорликларининг расмини чизган, Улуғбек мадрасасининг ғоят аниқ чизмасини тайёрлаган эди.

Тарихий ўлкашунослик фанининг содиқ ташкилотчиларидан бири Ақром полвон Асқаров жуда ажойиб ёдгорликлар -Ўрта Осиёда энг қадимда зарб этилган танга-чақалардан /15 мингдан кўп/ коллекция тўплаган.

Бухорода қадимги гиламлар, қўлёзмалар, нодир сопол идишлар тўплаган Муҳаммад Вафо жуда машҳур бўлган. Хаваскор-географлардан Олимхўжа Юнусов, Мирза Ҳаким ва бошқалар Рус география жамиятга Туркистон бўлимининг жонкуяр ходимлари эди.

Республикамиз ҳудудидан топилган қадимги ва ўрта асрга оид танга пуллар кўпгина номалум қадимги шаҳарлар “ёши” ни аниқлаб олишда катта ёрдам беради. Масалан, Бухоро, Термиз, Кат, Қува ва бошқа жойларда зарб этилган олтин, кумуш ва мис танга пуллар шу ҳудудда ташкил топган Хоразм, Қанха, Фарғона, Кушон, Сўғд, Сомонийлар, Қорахонийлар, Темурийлар ва бошқа подшолик - давлатларнинг иқтисодий ҳамда сиёсий тарихини, айниқса, бу давлатлардаги пул ҳамда ташқи ва ички савдо муносабатларини ўрганишда жуда қимматли ашёвий далил бўлиб хизмат қилади. Шуниси ачинарлики, 1917 йилдан сўнг мустақиллик давргача ўлкашунослик фани ўлкамиз тарихини даврма-давр ўрганишдан иборат ўз вазифасини бажармай, кўпроқ Россиянинг Европа қисмидаги ўлкаларни ўрганиш билан машғул бўлиб келаверди. Биз эса рус князларини, рус давлатини, Москванинг ташкил топиши ва унинг биринчи князи Юрий Долгорукий 1147 йилда Москвага асос солганини билдиг-у, аммо, ўз она-диёримизда милoddан олдинги III асрда Грек-Бактрия давлатига асос солиб, биринчи танга зарб этган Диодот ҳақида етарли билимга эга бўлмаган эдик.

Ўзбек мактабларида ўқувчилага Дмитрий Донской ва унинг қаҳрамонлиги, рус давлати, унинг иқтисодиёти, ички ва ташқи сиёсати атрофлича тушунтирилган бўлса-да, IX-X асрларда дунёга машҳур бўлган Сомонийлар давлатида етишиб чиққан илм-фан дарғалари-ю, ўз шеърляти билан жаҳон афғор оммасини ҳайратга солган Рудакий, Фирдавсий, Саъдий, Ҳофиз каби забардаст даҳолар ҳақида деярли ҳеч нарса айтилмади. Чунки советлар давридаги маъмурий буйруқбозлик туфайли ўзлигимизни намоён қилишга хизмат қиладиган ҳаққоний тарихимизни тўлалигича акс эттириш, кишиларда миллий ғурурни пайдо қиладиган кўпдан-кўп маълумотларни ўрганиш ва улурни тарғиб-ташвиқ этиш асло мумкин эмас эди.

Ўз даври илм-фанини жаҳонга таратган Муҳаммад ибн Мусо Хоразмий, Аҳмад Фарғоний, Абу Али ибн Сино ва Абу Райҳон Беруний каби мутафаккир олимлар ҳаёти ҳамда ижоди тараққийпарвар инсоният томонидан ўрганиб келинди-ю, бизнинг юртимизда уларни атрофлича ўрганишнинг имкониятлари чекланган эди.

Ўзбекистонда мустақиллик қарор топиши билан таълим дастурларига

алломалар ва қаҳрамонларимизнинг ҳаёти ва ижодий фаолиятларига доир бўлган муҳим маълумотлар киритилмоқда.

Ҳозирги кунда ўлкашунослик фани олдида қуйидаги энг маъсулиятли вазифалар турибди; кўҳна Самарқанд, Бухоро, Хива, Қўқон, Андижон, Наманган, Шаҳрисабз каби шаҳарлардаги саёҳат мазмунини тушунтирувчиларига тўғри илмий йўналиш бериш; вилоят, воҳа ва водийлардаги ўлкашунослик музейларига маълумотнома ва йўл кўрсаткичлар таёрлаш; жойлардаги ҳамда Республика Марказий архивидаги ҳужжатларни ўрганиш; Шарқшунослик институти ва Қўлёзмалар институтида сақланиб турган 50000 дан ортиқ нодир қўлёзма асарларини ўрганиб, уларни аҳоли, кенг кенг халқ оммасига етказишдан иборат.

Тарихий ўлкашуносликнинг асосий манбалари. Ўлкашуносликда археологиянинг роли.

Тарихий ўлкашуносликнинг 5 та асосий манбаси бўлиб, улар: археология, этнография, топономика, архившунослик ва музей экспонатларидир. Улар ўзаро алоқадор бўлиб, бири-бирисиз ўлкани ўрганиб бўлмайди. Даставвал археология ҳақида тўхталамиз.

“Археология” сўзи латин тилидан олинган бўлиб, “архайос” - қадимги, “логос” - фан, яъни қадимги даврни ўрганувчи фан, деган маънони билдиради. Археология - ўлкашунослик ва тарих фанларининг асосий манбаларидан биридир.

Дунё халқларининг бир неча юз минг йиллардан бери давом этиб келаётган тарихи бор. Лекин шу узоқ тарихий тараққиётининг энг кейинги 5-6 мингинчи йилларидан бошлабгина ёзма асарлар пайдо бўлиб, ундан аввал халқларда ёзув ва ёзма тарих бўлмаган.

Ёзув пайдо бўлгандан кейин ҳам кўпгина воқеалар ёзилмай қолган. Подшоларнинг буйруқлари, руҳонийларнинг диний таълимотлари, хазиналарнинг ҳисоб-китоблари ҳамда турли урушлар ҳақидаги ёзма асарлар эса ўз замонасининг ишлаб чиқариш усуллари ва воситаларини, халқнинг маиший ҳаётини етарлич акс эттирмаган.

Демак, қадимги қишлоқ ва шаҳарлар қазиб кўрилганда, у ерлардан қадимги халқларнинг уй-жой қолдиқлари, уй-рўзғор, зеб-зийнат буюмлари, эътиқот ёдгорликлари топилади; бу нарсалар эса ёзма тарихдаги маълумотларга қараганда ўша даврдаг одамлар турмушини ҳар тарафлама ва аниқроқ ёритиб беришга ярайди. Ёзма тарих пайдо бўлгунгача бир неча юз минг йиллик давр тарихи ҳамда ёзма тарих пайдо бўлгандан кейинги давр ҳаётини тўла ўрганиш зарурияти ўша давр халқларидан қолган буюмларни текшириб кўришни тақозо этади. Бундай ёдгорлик буюмларни текширувчи фан археологиядир. Археология ибтидоий одамлар яшаган маконларни, синфий даврдан қолган шаҳар, қишлоқ ва мозорларни қазиб кўриб, тарихни аниқлайди.

Археологлар қазишма усули билан иш кўрадилар. Айниқса ёзувлар

пайдо бўлмасдан бурунги давр тарихини археология казишмаларида топилган буюмлар тўлдиради, археология казишмасининг натижалари матбуотда кенг ёритиб борилади.

Тарихий маълумотларга қараганда тарихий тадқиқотчилик Ўрта Осиёда жуда ҳам қадимдан бошланган. Хоразмлик машҳур олим Берунийнинг ёзишига кўра араб истилочилари Ўрта Осиёдаги маҳаллий олимларни юқотибгина қолмай, маҳаллий тил ва маҳаллий ёзувдаги асарларни ҳам йўқ қилиб, ёндириб юборганлар. Шу сабабли энг қадимги замонларда ёзилган асарлар сақланмаган. Минг йил давомида ёзилиб келган тарихий асарлар жуда кўп. Муҳаммад Наршахийнинг “Бухоро тарихи”асари, Балъамийнинг “Тарихи Табарий»нинг таржимаси кабилар ёзилганига минг йилдан ошди.

Лекин Ўрта Осиёда археология, юқорида айтилганидек жуда ёш фан. Россияда бу фан XVIII асрнинг ўрталарида пайдо бўлиб, XIX асрда анча ривожланган. Ўша вақтда олимлар Россия ерларида кўплаб топилган Ўрта Осиё қадимги танга-пуллари тўплаб, уларни текшириб Россия билан Ўрта Осиё халқларининг қадимдан иқтисодий алоқада бўлиб келганини исбот этдилар. XIX асрнинг иккинчи ярмида, Ўрта Осиё Россия томонидан босиб олингандан кейин бу ерга келган ҳар бир мутахассис ва саводхон киши қалъалар харобасини, сунъий тепаликларни, шаҳарлар харобаларини, қадимдан қолган бино харобаларини кўриб, уларнинг тарихини суриштира бошладилар. Натижада 1870 йилларда Тошкентда чиқа бошлаган газета ва журналларда бу тарихий ёдгорликлар ҳақида турли маълумотлар эълон қилина бошланди. Бундай харобаларни текшириш жараёнида, ҳатто “ҳазина” излаб баъзи тепаликларни бузиб юборишгача бордилар.

1876 йилда бир гуруҳ тараққийпарвар рус зиёлилари археология ҳаваскорлари ҳозирги Ўзбекистон тарихи давлат музейини асосини ташкил этиб, ҳар жойда топилган археологияга оид ёдгорликларни бу ерга тўплашга киришдилар. Рус шарқшунослари Н.И. Веселовский, В.В.Григорьев, И. Каллаур, В.В. Бартольд, В.Л.Вяткин шунингдек, ўзбек археологлардан Ақром полвон Асқаров ва бошқалар бу ёдгорликларни тарихшунослик нуқтаи назардан ўрганиш ишида ташаббусчи бўлдилар. Ўрта Осиёнинг чўллари, тоғлар ва қишлоқ ерларидаги баъзи ёдгорликлар ҳақидаги турли афсона ва хабарларни матбуотда эълон қилиш одат бўла борди. Бу ишга қозоқ, ўзбек, тожик, туркман, ҳаваскорлари ҳам тортилди.

Ҳозир Тошкентдаги тарих, санаъат ва табиат музейларида тўпланган бой археология оид ашёлар тўпламининг катта қисми ўша ҳаваскорлар томонидан XIX асрда йиғилган эди.

Бундан ташқари, улар бир қанча бошқа муҳим ёдгорликларда ҳам казишма ишлари олиб бордилар. Бу борада, айниқса, археолог - шарқшунос В.Л.Вяткиннинг хизматари алоҳида таҳсинга лойиқдир. Рус шарқшунослари ўтмишда бузиб ташланган Улуғбек расадхонасининг изларини топиш учун кўп уриндилар, ниҳоят, Самарқандда истиқомат қилувчи В.Л.Вяткин қадимги васиқаларни ўрганиш асосида расадхонани ўрнини аниқлади. 1908-1909 йилларда бу жой археологик йўл билан қазилди ва расадхонанинг ғилдирак шаклдаги биносининг курсиси, бинонинг бузилган ғишт ва нақшлари ҳамда

расадхонанинг 8/1 қисми топилди. Бу иш тарих фани учун катта кашфиёт бўлди. Шу билан бирга, археология хаваскорлари қадимги Самарқанддаги “Афросиёб” тепалигида бир неча қазилмалар ўтказдилар.

XX асрнинг 20-йилларигача Ўрта Осиёда Археология мустақил фан даражасига кўтарилмади. Археологлар археологик ёдгорликларни маълум тарихий босқичдаги ишлаб чиқарувчи кучларнинг тараққиёт натижасида деб баҳолай олмадилар, ишлаб чиқариш муносабатлари қандай бўлганини пайқай олмадилар, маданиятни ишлаб чиқариш тараққиёти ва ижтимоий муносабатлар махсули деб тушуна олмадилар, балки уни биронта дин бирорта “алоҳида иқтидорли шахслар” билан боғладилар. Сўнгра археологик йўл билан топилган буюмларга фақат ёзма тарихни тасдиқловчи материаллар сифатидагина қараб, археологиянинг имкониятларини чеклаб қўйдилар. Шунинг учун ҳам улар тарихнинг узок ўтмиш даврларини ўрганишга кириша олмадилар.

Тарих соҳасида олиб бориладиган тадқиқотлардаги катта ютуқларидан бири археологияга катта эътибор берганлиги билан белгиланади.

Ҳозирги фаннинг аниқлашига кўра, кишилиқ жамияти тарихи тахминан бир миллион йилга яқинлаша боради. Шу узок даврнинг охиригича минг йилларидагина синфий жамият, яъни қулчилик муносабатлари вужудга келган бўлиб, унга қадар, биринчидан, тарихни ишлаб чиқариш усулларига қараб даврлаштириш йўқ эди. Ўзбекистонда, умуман Ўрта Осиёда ибтидоий жамоа даври бўлганлигига шубҳа билан қаралган эди. Иккинчидан, Ўрта Осиёга аҳоли Эрон ва Шимолий Ҳиндистон томонидан кўчириб келтирилган, деб тахмин қилинар эди. Қулдорлик даври ҳам гўё бўлмаган, энг қадимги замондан тортиб, сўнгги Бухоро амирлари замониғача Ўрта Осиё халқларининг ҳаётида ўзгариш бўлмаган, деб ўқитилар эди.

Тарихни даврлаштириш масаласининг қўйилиши тарихчилар ва археологларни ишга солиб юборди. Биринчи беш йиллик охиридаёқ собиқ СССР тарихини шу жумладан, Ўзбекистон тарихини даврлаштириш масаласи юзасидан ёзма манбаларни ўрганишга киришиш билан бирга, археология ёдгорликларини қазиб топишга ҳам жиддий эътибор берилди бошланди. Бу ишнинг бошида Москва, Санкт-Петербург ва Ўзбекистон археологлари: А. Якубовский, Г.В.Григорьев, С.П.Толстов, М.Е.Массон, В.А.Шишкин, Я.Ф.Ғуломов ва бошқалар турдилар. Биринчи иш Ўзбекистоннинг алоҳида туманларида археологияга оид изланишлар ўтказишдан бошланди.

Масалан, 1925-1930 йилларда Самарқандда В.Л.Вяткин, 1926-1928 йилларда Термизда Б.П.Денике, 1929-1930 йилларда А.А.Потаповлар Фарғона водийсида ҳамда 1932-1933 йилларда Наманган вилоятининг Учқўрғон тумани Норин дарёси бўйида электростанция қуриш тайёргарлиги муносабати билан Санкт - Петербург археологларидан Б.А.Латинин Фарғона водийсининг шимоли-шарқий туманларида; 1934 йили Санкт-Петербург археологи Г.В.Григорьев Янгийўл туманида; ўша йили профессор А. Якубовский бошлиқ Санкт-Петербург ва Ўзбекистон археологлари Бухоро вилоятининг шарқий қисмида, археолог М.Е.Массон бошлиқ археологлар

Охангарон водийсида жиддий археологик қидирув ишларини ўтказдилар.

1936-37 йилларда бу иш кенгайиб, қадимги Термиз шаҳрини қазиб юзасидан илмий ишлар кучайтирилиши билан бирга проф. С.П.Толстов бошчилигида Хоразмда, В.А.Шишкин бошчилигида Бухоро вилоятининг ғарбий қисмида янгидан текширишлар бошланди. Бу илмий сафарлар катта миқёсида уюштирилиб, буларнинг ҳаммасида Москва, Санкт-Петербург ва Ўзбекистон археологлари ҳамкорлик қилдилар. Бу илмий сафарлар 1939-1940 йилларда Ўзбекистонда суғориш соҳасида халқ қуришлари бошланиши муносабати билан археология кузатишлари ўтказди, бу борада Фарғона водийсида катта натижаларга эришилди.

Мамлакатимиз энг қадимги даврнинг ўрганилиши.

Тарихда ибтидоий жамоа даври илк одам зотининг пайдо бўлишидан то жамиятининг синфларга ажралишигача бўлган узоқ даврни ўз ичига олади.

Дастлаб одамлар уруғ-аймоқ ва оила деган нарсани билмасдан ибтидоий {тўда} ҳолда яшаганлар. Бу давр одамлари тошдан қурол ясаб, уни ишлатиб ва қуролларни такомиллаштира борган сари, ўзлари ҳам ривожланиб борганлар. Бу қуроллар қўлда қўпол қилиб, кертиб ишланган, бир-икки хилдан ошмаган тош қуроллар бўлган. Ишлаб чиқариш техникаси жиҳатидан бу давр палеолит [қадимги тош] даври деб аталиб, қуроллар тараққиёт босқичи жиҳатидан шёлл, ашел ва мустье даври деб аталади; бу уч давр палеолит даврининг қуйи ва ўрта босқичини ташкил қилади. Бу даврларда яшаган питекантроп [маймун одам], синантроп[хитой одами], гейделберг[германия одами], неандертал типдаги одамлар тузилиши жиҳатидан одам билан маймун ўртасидаги ҳолатда бўлганлар. Улар тўда-тўда бўлиб яшаб, майда ҳайвон, ҳашорат, турли мева ва ўсимлик илдизларини еб кун кечирганлар. Улар сўзлашишни билмаганлар. Синантроп ашел техникасидан фойдаланган бўлса, неандертал одами ўзининг меҳнат қуроллари асосида мустье даври маданиятига мансубдир.

Жанубий Туркманистонда, Тошкент вилоятининг Бўстонлиқ туманида ва Фарғонада, Қорақум чўлида ҳам ашел даврининг баъзи меҳнат қуроллари топилган. Демак, бундан тахминан 400-500 минг йиллар илгари Ўтра Осиё, шунингденк, Ўзбекистонда ашел қуролларини ишлатган ибтидоий, тўда ҳолатидаги одамлар яшаган.

Бундан кейин ер юзида узоқ давом этган муз даври бошланади. Хаво исиб, табиат ўзгариб, кўп ҳайвонлар ўзини тоғлар орасига олади. Одамлар совуқ иқлимга чидашга ўрганади, ёғочни-ёғочга ишқалаб олов ҳосил қилиш йўлини топади. Олов кашф этилгач, одам унинг ёрдамида йиртқич ҳайвонларни тоғлардаги ғорлардан қувиб чиқариб, у ерларда макон тутайди. Очiq ерларда эса ертўлаларга, жарлар остига кириб яшайдилар. Оловда исиниб пода-пода бўлиб ов қилиб кун кўрадилар.

Бу даврда тош қуролларнинг тури ва ишланиши техникаси анча яхшиланганлиги сабабли, одамлар ёғочнинг учини сих қилиб ишлаш ҳамда суякдан асбоб ясашни ўрганадилар. Бу хил юқори техника даври ўрта

палеолитда “мустье маданияти “ даври деб аталади. Бу ашел давридан кейин келади. Бу даврда неандерталь одам яшаган. Булар ибтидоий тўда ҳолидан уруғ-аймоқ муносабатларига ўтишга яқинлашиб, бир оз сўзлашишни ҳам ўргана бўшлаганлар. Бу давр кишилари жамоа бўлиб, катта-катта ҳайвонларни овлаш, бир жойда кўплаб яшаш орқасидан тўда ҳолда уруғ тартибига кўча бўшлаганлар.

1938 йили А.Окладников томонидан Сурхондарёдаги Бойсун тоғида жойлашган Тешиктош ғори текширилганда бу жой мустье даврида яшаган одамларнинг макони бўлиб чиқди. Ғорнинг қатламларидан тошдан қилинган ўчоқнинг ўрни, кул қатламлари, кўмир, турли ҳайвон ва қушларнинг суяклари, мустье даврига хос меҳнат қуроллари кўплаб топилади. Булардан у давр одамлари кўпинча ов билан кун кўргани маълум бўлди. Ғорнинг бир ерида 8-9 ёшли бир боланинг тошга айланиб қолган калла суяги ҳам топилган. Бу ҳозирги замонимиздан тахминан 100-60 минг йил илгари яшаган неандерталь одамнинг калла суягидир. Уни антрополог олим Г.Герасимов асл қиёфага тиклаган.

1946 йилда Самарқанд вилояти Ургут туманидаги Омонқўтон ғорида ўша давр одамнинг макони ва тош қуроллари топилди. 1954 йилда Фарғона водийсининг Қайроққум чўлида ҳам бир неча ерда мустье даври қуроллари топилган эди.

Кейинги йилларда бир қанча янги-янги ёдгорликлар топилиб текширилиши туфайли Ўзбекистонда палеолит - мустье даври кенгрок тарзда ўрганилди. Мустье маконлари Сурхондарё вилояти Бойсун туманидаги Тешиктошда, Самарқанд вилоятидаги Омонқўтон ғорида, Тошкент вилоятининг Чирчиқ водийсидаги Хўжакент ва Обираҳмат ғорларида, Оҳангарон водийсидаги Кўлбулоқда, Бухоро вилоятидаги Учтутда, Фарғона водийсида, Қалъача ва Сўх атрофларида топиб текширилди.

Мустье даврининг охирларига келиб ов қилинадиган қуролларнинг бир мунча яхшиланиши, оловдан фойдаланиш имкониятининг кенгайиши, узок атрофдаги аҳоли билан алоқа боғланиши натижасида маълум бир жойда ўтроқ ҳолда яшаган бир гуруҳ кишилар ўртасида қон-қариндошлик муносабатлари бошланади. Болалар фақат онани таниб, уруғ тепасида она туради. Шунинг учун бола ўзини она уруғининг боласи деб ҳисоблайди.

Ишлаб чиқариш имкониярларининг ривожига жихатидан бу давр мустье даврининг охиридан бошланади. Питекантропдан то неандерталь одамигача ярим миллион йилдан ортиқроқ вақт ичида ўзгариб келган одам типи бу даврда ҳозирги одам ҳолатига айланади. Олимларнинг ҳисоблаб чиқишига қараганда, бу даврнинг бошланганига 40 минг йилча бўлган, энди қуйи ва ўрта палеолит тамом бўлиб, юқори палеолит бошланади.

Юқори палеолитда уруғчилик шароитида ов ва балиқчилик маҳсулотлари кўпайиб броман, дев, пари, жин ва худолар ҳақида турли афсоналар туғила бошлаган. Ўзбекистонда юқори палеолит даврининг деярли барча босқичлари маданиятидан дарак берувчи маконлар Тошкент

яқинидаги Шоимкўприкда, Бойсун тоғларидаги Мачай ғорида, Амир темур ғорида топилган. Шунингдек, Сурхондарё вилоятида 15 га яқин макон, Тошкент атрофида 3-4та, Самарқанд вилоятида эса 5-6 та макон топилган.

Булар ичида Шоимкўприк ва Мачай ғори ёдгорликлари ўтмиш ҳаёти ҳақида яхши маълумотларни бера олади. Юқори палеолитда яшаган одамларнинг меҳнат қуроллари ва маконлари кўплаб топилган бўлсада, яхши ўрганилгани Самарқанд маконидир. 1939 йилда очилган бу ёдгорликларда Ўзбекистон Фанлар Академияси ва Самарқанд Давлат университетининг Д.Н.Лев бошлиқ археологик илмий сафарлари 1958 йилда казишмаларни давом эттирди. Самарқанд макони учта маданий қатламдан иборат бўлиб, ундан бир неча ўчоқ қолдиқлари ва тош қуроллари: пичоқсимон пластинкалар, кескичлар, ёй, тигли қирғичлар, ботиқ тигли тош қуроллар ҳамда ҳайвонлар: ёввойи от, кийик, туя, қўй, қорамол суяклари топилди. Булардан ташқари, Самарқанд маконида юқори палеолит одамнинг иккита пастки жағи топилди. Бу тешиктошдан топилган неандерталь бола қолдиғидан кейинги иккинчи нодир топилма бўлиб, гарчи у сўнгги палеолитга мансуб бўлсада генетик жиҳатдан Тешиктош одами билан боғлиқдир.

Юқори палеолит даврига оид тош қуроллар Бухоро вилоятида Учтут кишлоғи атрофида, Тошкент яқинидаги Бўзсув 1, Бўзсув 2 маконларида, Оҳангарон водийсидаги Кўлбулоқ маконида ва бошқа жойлардан топилди.

Палеолит тамом бўлгач, мезолит даври бўшланади. Мезолит ўрта тош даври бўлиб, қадимги тош даври [палеолит] билан янги тош даври [неолит] нинг орасида ўтган давр бўлгани учун шундай аталади (милоддан аввалги 12-7 минг йилликларда). Бу даврда кишилар ўқ -ёйни кашф қилади, овчилик бир мунча осонлашади, биринчи марта ит уй ҳайвони сифатида хонакилаштирилади.

Ўрта тош асри, яъни мезолит даври яхши ўрганилган бўлиб, бу даврда яшаган аجدодларимиз ибтидоий санъат мўжизаларини ярата бошлаганлар. Булар эса асосан ғорларга ва қоя тошларга қизил бўёқ ёрдамида ёки ўймакорлик усулида тасвирланган ов манзараларидир. Бундай ёдгорликлар Сурхондарё вилоятидаги Заравутсой дарасида, Жиззах вилоятининг Такатош мавзесида, Навоий вилоятидаги Сармиш ва Қораунгурсойда, Тошкент вилоятининг Паркент, Чотқол тоғ тизмаларида, Хўжакент яқинида ҳамда Андижон вилоятининг Хўжаобод тумани ҳудудидаги Имомота тоғ тизмаларида топиб ўрганилган. Улар орасида Заравутсой, Такатош ва Имомотадаги суратлар айниқса диққатга сазовордир.

Заравутсой дарасидаги суратларда ёввойи букаларни ов қилиш манзараси қизил бўёқлар ёрдамида гавдалантирилган. Расмларда итлар ҳам чизилган. Бу, шубҳасиз, одам қўлига ўрганган дастлабки ҳайвоннинг тасвиридир.

Мезолит даврида яратилган тасвирий санъат асарлари орасида Хўжаобод тумани ҳудудидаги Имомота ғори ичида топиб ўрганилган асарлар алоҳида ажралиб туради. Шулардан бири қоя тошга ўйиб ишланган жигарранг кўринишдаги тасвир бўлиб, унда шохлари бир неча бор қайрилиб

кетган, бир-биридан улкан архарлар ва уларнинг ўртасида янада кўзга ташланарли қилиб ишланган дулдул от тасвиридир. Бу мезолит даврига оид топилган биринчи нодир сурат саналади. Худудимизда мезолит даврида чизилган қоя тошлардаги суратлар - қадимги тасвирий санъатнинг бу каби ёдгорликлари мустақилликка эришган Ўзбекистоннинг ибтидоий жамоа тарихини чинакамига ўрганишда ғоят қимматли тарихий ҳужжат бўлиб хизмат қилади.

Неолит [янги тош] даврига ўтиш, асосан тошни силлиқлаш ва тешиш усуллариини ўрганишишдан бошланади. Бу даврда одамларнинг катта ютуқларидан бири сопол идишлар яшаш бўлди. Кўпчилик одамлар бу даврда дарё, кўл ва денгизлар бўйида, аксарияти қум устида чайла қуриб яшаган. Булар асосан ўтроқ бўлиб, фақат овчилик ва балиқчилик билан кун кечирганлар. Шунинг учун сопол идишларнинг таги текис эмас, юмалоқ ёки тухум учига ўхшаш бўлган.

Ўзбекистонда Бойсун тоғларидаги Мачай, Амир Темур ғорларида, Узбой атрофида ва Қораполғистондаги Ёнбош қалъа атрофларида неолит даври маданиятининг қолдиқлари топилган. Бу маконлар ичида энг диққатга сазовори Қорақолпоғистондаги калтаминораликлар чайласидир.

Профессор С.П.Толстов бўшлиқ Хоразм археологияси илмий сафари 1937 йилда қидириш ишлари олиб бориб, Жанубий Қорақолпоғистондаги Қизилқум ичида қолиб кетган қадимги обод ерларда ғоятда кўп ва аҳамиятли ёдгорликларни топиб текширди. Бу ёдгорликлар орасида энг қадимгиси калтаминораликлар чайласи бўлиб, унда сўнгги даврларнинг ёдгорликлари ҳам яқини сақланган.

Қизилқум саҳросидаги қум тепаликлар орасида Ёнбош қалъа номли қир устида эрамиздан 300-400 йиллар илгари солинган қалъа бор. Ўша қирнинг жануб томон этагида шамолда бузилиб нураётган тақирлар тагида кул, сопол синиқлари, майда тош қуроллар ва бошқа нарсалар кўриниб қолган.

1940 йили ўша жой қазилганда, қум тепаси текисланиб, ходалар ва қамишдан жуда катта чайла қурилгани аниқланади.

Профессор С.П.Толстовнинг тахминига кўра, деб ёзади марҳум академик Я.Ғ.Ғуломов, бу чайлада 100-120 одам она уруғи оиласи тартибида яшаган. Чайлада 20 дан ортиқ ўчоқ бўлган. Ҳар бир ўчоқ атрофида балиқ суяклари, кийик, ёввойи чўчка суяклари, қирғовул, сув қушларининг, ўрдак, ғоз тухумларининг пўчоқлари, ёввойи жийда данаклари, чакмоқтошдан ясалган майда пичоқсимон асбоблар, тишни силлиқлаб ишланган бурғусимон асбоб, сопол идиш синиқлари ва шунга ўхшаш нарсалар кўп бўлган. Бу жойда ҳали металл, уй ҳайвонлари, қўлда экиладиган экин қолдиқлари йўқ эди.

Металлнинг йўқлиги, уй ҳайвонлари ва деҳқончилик аломатларининг йўқлиги бу ерда яшаган одамлар лар ҳали она уруғи босқичида яшаганлигидан дарак беради. Бу чайла аҳли бундан 5000 йилларча муқаддам янги тош [неолит] даврининг охирида яшаган. Бу Ўзбекистонда она уруғи тартибининг охири ҳисобланади.

Ўлкамиз қадимги, ўрта асрлар ва янги даврининг ўрганилиши.

Ўлкамизда энеолит охири, бронза даври бошларига келиб одамлар турмушида, ижтимоий-сиёсий ҳаётда айрим ўзгаришлар рўй бера бошлади.

Бу давргача бўлган одамлар ҳаёти асосан ўзлаштирувчи хўжалик асосида бўлиб, табиатдаги бор нарсаларни тутиб ва териб еб, тирикчилик қилиб келганлар. Улар чорва боқишни ҳам, экин экишни ҳам билмаганлар.

Овчилик ва балиқчиликнинг ривожланиб бориши натижасида кишилар аввал мисни ва кейинроқ мисга қалайини қўшишдан ҳосил бўлган жез [бронза] ни ишлата бошлаганлар.

Туркисронда Копедтоғ этакларидаги сойлар қуйи оқимида Анов, Чача, Намозгоҳ каби тепалар металл янги тарқалган замонда пайдо бўлган энг қадимги ўтроқ деҳқон аҳоли яшаган қишлоқлар харобалардан иборат эди. Бу вақтда Хоразмда Калтаминор чайласидаги каби катта-катта тўда бўлиб яшаш даври ўтиб, аҳоли майда гуруҳларга бўлиниб, сув тошқинлари чегарасида жуда ибтидоий деҳқончилик ва бир оз чорвачилик билан кун кўрган. Улар Туркменистондаги сингари сойнинг қуйи оқимида бўлмасада, балки дарё тошқинлари кетидан тентираб юргани учун уларнинг турмуши анча қолоқ, уйлар омонат чайлалардан иборат бўлган. Бу хил ҳали мустахкам ўрнашмаган деҳқон ва чорвадорлар маданияти биринчи марта Хоразмда ўша Калтаминор чайласи яқинларида аниқлангани учун “Тозабоғёп маданияти” деб аталган. Қарийиб шу хил маданият Мохондарё хавзасида топилди. Мохондарё Зарафшон дарёсининг қуриб қолган бир ирмоғи бўлиб, Қорақум районинг шимолидаги чўлда унинг излари хали йўқолиб кетмаган ва унинг бўларида ўша ибтидоий давр қишлоқлари ва мазорлари мавжуд. Бу жой профессор Я.Ғ.Ғуломов томонидан 1950 йилдан бошлаб текширилган.

Қорақўл шаҳарчасидан қарийиб 15 км. шимолий-ғарбда Замонбобо қўли бўйида ўша давр аҳолисининг каттагина қабристони топиб текширилди. Бу ердаги мазорларда ўликларнинг оёқ-қўлини букиб, ғужанак қилиб, чап томонга ёнбошлатиб кўмганлар. Шу тахлитдаги 41 та мазор очилди, улардан баъзиларида эр-хотин бирга дафн этилган. У зомонда она уруғи даври битиб, ота уруғи ҳукмрон бўлган ва эркакнинг хўжаликдаги ва оиладаги роли ортган, хотин унга хусусий мулк қатори тобе бўлиб қолган давр эди. Шунинг учун эр ўлса(қабила бошлиқлари хонадонларида) хотини ҳам ўлдирилиб, бирга комиш одати расм бўлган. Мазорларда идишлар, ўқлар, зеб-зийнат буюмлари, баъзи қуроллар, ҳатто жез ойналар ўликнинг олдида қўйилган. Майитни лаҳатга қўйиб кўмиш одати ўша вақтда амалда бўлган. Шунга яқин бир жойда топилган иккинчи бир қабристонда ўликларни юқоридагидай ғужанак қилиб кўмганлар. Топилган суяклар ёнида жез исирғалар, қимматбаҳо тошлардан маржоналар, жез билакузуклар топилган.

Наманган вилоятининг Чуст шаҳарчаси ёнидаги “Бувана мазор” деган жойда ҳам шундай макон топилган. У ердаги аҳоли атрофдаги булоқ сувларидан фойдаланиб, деҳқончилик қилиб, ўтроқ ҳолда қишлоқ-қишлоқ бўлиб яшаганлар. Чустликларнинг сопол идишлари Туркистон ўтроқ

деҳқонлариники сингари бўёқли, хилма-хилдир. Жездан қуйма буюмлар кўп ишлатганлар. Хом ғиштлардан ертўла уйлар қуриб яшаганлар. Бу қишлоқ аҳолиси бундан қарийиб 3минг йил муқаддам, темир даврига кўчишда ҳам ўша жойда кун кечирганлар. Худди шундай қишлоқ Андижон вилояти Қўрғонтепа туманидаги Далварзинтепада ҳам топилган. Буларнинг ҳар иккиси ҳам бир хил бўлиб, бу аҳвол жез даврида Фарғона сойлари сувидан фойдаланиб деҳқончилик қилувчи ўтроқ деҳқонлар қишлоғи кўп бўлган, деган хулосага имкон беради.

Жез даврида бундай обод бўлган Хоразм, Моҳондарё ҳудудлари, Чуст, Далварзин ва Кучуктепада олиб борилган археологияга оид қазилмалардан шу маълум бўлдики, Чуст маданиятини яратган қадимги деҳқонлар атрофи деворлар билан ўралган мустаҳкам қишлоқларда пахса ёки хом ғиштлардан қурилган уйларда яшаганлар. Масалан, қадимги Чуст қишлоғи харобасида узунлиги 286 метр, эни 2-3 метр ва баландлиги 1,5 метрча келадиган ташқи девор қолдиқлари очилди. Шундай девор қолдиқлари Далварзинда ҳам 200 метр масофада топилиб, унинг эни 4,6 метр, баландлиги 2,5 метр келади. Далварзинтепада атрофи девор билан ўралган арк харобаси топилиб, деворининг узунлиги 130 метрга ва баландлиги 2,5 метрга тенгдир. Далварзинтепанинг шарқий қисмида ҳатто 80 метр масофада эни 4 метрли тош йўл очилди. Булардан ташқари, бу ерда бир неча тўрт бурчакли пахса деворли уйлар ҳам топилди.

Ҳозирги замон деҳқончилиги ва чорвачилигининг асоси ўша жез даврида, тахминан ҳозирги замонамиздан 4000 йиллар аввал вужудга келган. Миср, Ироқ, Туркменистон каби мамлакатларда ундан ҳам илгарироқ пайдо бўлган эди.

Бундан кейин жамият воҳаларда ўтроқ деҳқонларга, дашт ва тоғларда эса кўчманчи чорвадорларга ажралади. Чорваси кўпайганлар ўтлоқ излаб, молини ҳайдаб, жойдан-жойга кўчиб юришга мажбур бўлиб қолади.

Мамлакатимиз олимлари – қадимшуносларимизнинг муҳташам олиб борган тадқиқотлари натижасида ашель маданиятидан тортиб то синфлар ва давлатлар вужудга келгунча, аниқроғи, Ўрта Осиёда илк ёзма тарихий маълумотлар пайдо бўлгунча ўтган бир неча юз минг йилни ўз ичига олган даврда ўлкамиз халқлари дунёдаги ҳеч бир халқнинг ибтидоий давр тарихидан қолишмайдиган бой тарихга эга эканлиги аниқланди.

Бундан 3000 йилча илгари одамлар темирни оловда эритиш йўлини топиб, уни ишлата бошлаганлар. Бу даврда ишлаб чиқариш имконияти шу даражага етадики, бир кишининг меҳнатидан келадиган даромад унинг бир ўзинигина эмас, балки, бир неча кишини боқишга ҳам кифоя қила бошлайди.

Ўрта Осиёда қулчиликлик муносабатларининг айрим кўринишлари Бактрия ҳамда Кушон каби маҳаллий ҳукмронликлар фаолият қилган қадимги (антик) даврда пайдо бўлди. Бу давр қалъалар бино қилишда, суғориш каналлари қуришда, ҳунармандчилик, шаҳар ҳаёти, йўл ишлари, ички-ташқи савдо ҳамда санъатда жиддий кўтарилиш юз берганлигида, синфий муносабатларнинг шаклланганлигида кўринади. Бу ҳолат ёлғиз Хоразмда топилган археологияга оид ашёлардагина эмас, балки бутун Ўрта

Осиёда ўтказилган ва ўтказилаётган текширишлардан ҳам яққол кўриниб туради.

Оташпарастлик - зардўштлик [зароастризм] динининг илк ривожини Эронда эмас, Ўрта Осиёда бўлганлиги археологлари томонидан исботланди. Буни казишмадан топилган далилӣ маълумотлар тасдиқлади.

Милодимиздан бир неча аср бурунги ёдгорликларни текшириш муҳим янгиликларни очди. Чунончи, академик Я.Ғ.Ғуломов 1936 йили Хоразмнинг Манғит туманидаги Қубба тоғи остида зардўштийларнинг қабристонини топди. Унда катта хом ғиштлардан қурилган 60 метрли тор бино харобаси ичида ниҳоятда кўп одамлар суяклари топилди. Суякларнинг кўплари ғажилган, баъзи майда суяклар мутлақо йўқ. Суякларни аллақерлардан тўплаб, бинонинг ичига ташлай берганлар. Кейинчалик, алоҳида кишиларни суякларини сополдан ясалган махсус қутилар ёки остадонларга солиб, ўша бинода сақлайдиган бўлганлар.

Археологлар зардўштийларнинг муқаддас китоби саналган “Авесто” да ҳам қадимги юнон ёзувларида айтилган маросимга дуч келганлар. “Авесто” да айтилишича, қадимги зардўштийлар ўликни ерга кўмишни, сувга ташлашни, ўтда куйдиришни қаттиқ гуноҳ деб ҳисоблаганлар. Шунинг учун ўликни узоқдаги ялонғоч қоялар устига элтиб ташлаганлар. Уни йиртқич ҳайвонлар ва қушлар еб кетганидан кейин суяклар узоқ вақт қуёш таъсирида қолиб тозалангач, йиғиб олинган ва бояги бино - “Наус”да сақланган. Суякларни оссурийларда сақлаш одати кейинги замонларгача, яъни, Ўрта Осиёда ислом дини кенг тарқалгунгача давом этган. Бу хилдаги суяклар солинган спол қутилар ҳозирги Ўрта Осиёнинг кўплаб жойларидан топилмоқда.

II асрда Кушон давлати будда динини Ҳиндистондан Ўрта Осиё ва Шарқий Туркистонга тарқатиб, уни давлат дини даражасига кўтарган. Ўзбекистон, айниқса, унинг жанубий туманларида ва Шарқий Туркистонда топилган кўплаб буддизм ёдгорликлари ўша даврга қарашлидир.

III асрда Эронда моний дини вужудга келди, лекин у узоқ сақланмади, унинг тарафдорлари Ўрта Осиё ва Шарқий Туркистонга қочиб ўтиб, кўпроқ савдо йўли устидаги шаҳарларда бу динни тарқатдилар.

Бу даврда, бир томондан, қабилаларнинг ўтроқликка кўчиб, суғориладиган ерларда жойлашуви кучайган бўлса, иккинчидан, қулдор аристократия жамоалар ўз ичидан бузилиб, бутун-бутун қишлоқлар қулдор аристократ “деҳқон”ларга тобе бўлиб қолади. Бу ер эгаллигининг куртаклари эди.

Экин майдонларининг кўпайиб бориши, хусусан суғориладиган ерларнинг кенгайиши, қишлоқларнинг кўпайиши, ер ҳосилдорлигини орттирувчи сунъий ўғитларнинг яратилиши, сувни баланд ерларга кўтарадиган чархпалакларнинг ва сув тегирмонининг кашф қилиниши, пахта экинининг тарқалаши, мева навларининг яхшиланиши йўлидаги муваффақиятларнинг ҳаммаси замонанинг ишлаб чиқарувчи кучларини ўстириб юборган ва уни янги феодал муносабатларга олиб келган янги ижтимоий воқеа бўлди. Бу билан ерга эгалик муносабатлари билан боғлиқ

ўрта асрлар даврига асос солинишига замин тайёланди.

III асрдан бошлаб қадимги даврнинг шаҳарлари харобаликка юз тутиб, иқтисодий ҳаёт асосан алоҳида воҳаларга, қишлоқларга кўчади. Ер аристократияси - "деҳқон" лар қишлоқларга, ариқлар бошига келиб, кўшклар бино қиладилар. VI асрга келиб улар қуллардан қуролли йигитлар - чокарлар сақлаб, атрофдаги қишлоқ аҳолисини ўз фойдасига ишлатиб кун кечиради. Шу тахлитда милодий I асрнинг 25 йилидан то IV асрнинг 50 йилларига қадар ҳукм сурган кучли Кушон давлати тугаб, ҳар қайси шаҳар атрофидаги воҳада алоҳида-алоҳида мустақил ҳукмдорлар пайдо бўлади, уларнинг бошида эса "деҳқон" ларнинг вакили туради.

Ҳозирги Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Жиззах, Фарғона водийсидаги ва бошқа кўплаб шаҳарлар атрофидаги суғориладиган ерларда баланд-баланд "оқ-тепа"лар бор. Археологияга оид қазилмалар буларнинг ҳаммаси феодалларнинг хом ғиштдан солинган кўшикларининг харобасидан иборат бўлиб, "деҳқонлар" яшаб ўтган жойларнинг қолдиқлари эканлигини кўрсатди. Бундай кўшкларўлкамизнинг турли жойларида ҳозиргача сақланиб қолган.

Ерга эгалик муносабатлари даврида урушлар, халқ кўзғалонларини бостириш учун кескин чоралар кўриш натижасида анча вайронагарчилик, қиғинликларлар содир бўлиб, бутун-бутун ҳудудлар вақтинча бўшаб қолган. Шунга қарамай, ишлаб чиқарувчи кучлар ривожига маълум силжишлар бўлган. Шу силжишларни маданият соҳасида ҳам кўриш мумкин. Масалан, Хоразмда Тупроққалъа кўшкини қазилганда у ердан "Подшолар зали" деб аталган зал топилган. Залнинг атроф деворларига тахмон сингари равоқлар ишланиб, уларнинг ҳар бирига турли қиёфадаги кишиларнинг ҳайкаллари ўрнатилган. Ҳайкаллар ниҳоятда юқори дид билан ишланган. Профессор С.П.Толстов "Бу залда Хоразмда Африғ хонадонига мансуб подшоларнинг ҳайкали ота-боболар руҳига сиғиниши тариқасида акс эттирилган", деб айтади. Бу жойда ҳайкаллардан ташқари, турли бўёқли девор суратлари ҳам бўлиб, ундаги манзаралардан денгиз тўлқини, балиқлар, йиртқич ҳайвонлар, созанда қизлар сурати ва бошқа нарсалар тасвирланган, Бу саройдан Хоразм шоҳларнинг ёзма ҳисоб-китоб архиви ҳам топилган. Булар қадимги Хоразм ёзуви билан тахтага ва чармга битилган.

1938 йили VI-VIII асрларга оид Хоразм пулларидаги ёзувлар ёрдамида уларнинг кўпгина асарлари аниқланган. Умуман, Тупроққалъадан топилган архив ёзуви фанга жуда кўп янгиликларни берди.

1934 йили Самарқанд яқинидаги Муғтепадан Панжикент ҳокими Диваштичнинг VIII асрга оид бўлган архиви топилди. Архивдаги суғдийча ва арабча хатлар асосида суғд ёзувининг хусусиятлари аниқланди, бу эса масалага анча равшанлик киритди. Бунга Хоразм архивининг қўшилиши эса Ўрта Осиёдаги ўша замон ҳаёти ва маданиятига доир кўп масаларни аниқлаш имкониятини берди.

Кейинги йилларда Сурхондарё вилоятида "Болаликтепа" деган жойни қазилганда унинг бир зали деворлари одам суратлари билан безатилган ибодатхона эканлиги маълум бўлди. Унда зеб-зийнатли кийимлар кийиб,

кўлларида қимматли қадахлар тутган ва тавозе билан аллақандай бир ишорат кўрсатиб турган эркак ва аёл суратлари бўлиб, шубҳасиз, бу манзара монийлик динига мансуб ибодатхонада ўтказилаётган маросимдан дарак беради.

Қадимги Панжикент харобасида профессор А.Ю.Якубовский бошчилигида қазилма олиб борилганида ҳам ҲII-ҲIII асрларга доир шундай бино топилган. Девоҳларга бўёқли суратлар солиниб, уларда дафн маросими, базм ва аллақандай диний бир маросим тасвирланган.

Тупроққалаъа, Болаликтепа, Варахша, Фаёзтепа, Панжикентлардан топилган расмлар ҳамда тасвирларларга кўра илк ўрта асрларда маданиятнинг анча ривож топганлигини ва мулкдорлик даврида анъанавий равишда тараққий қилиб келган тасвирий санъатнинг бу даврга келиб авж олганлигини тасдиқлайди. Шунингдек, бу даврда ўлкадаги аҳоли ҳаётида савдо-сотиқ ва ҳунармандчилик, хусусан, идишларни сирлаш ва нозик шиша буюмлари ишлаш ҳам ривожланиб борди.

Шаҳарларнинг қадимги, ерга эгаликнинг илк давларидаги ва сўнгги ўрта асрлардаги тарихий топографияси, архитектура ёдгорликлари ва бошқа ўрта аср иншоотлари ҳозирги кунда анча яхши ўрганилган. Эски Урганч, Марв, Бухоро, Хива, Самарқанд ва бошқа бир қатор шаҳарларнинг тарихига бағишланган махсус асарлар майдонга келди. Булардан ташқари, Самарқандда Гўри Амир мақбарасидаги мазорларнинг очилиши, Улуғбек расадхонасининг қайта тикланиши [1941, 1948, 1967 й.], Шаҳрисабзда Амир Темур томонидан солдирилган бир даҳманинг 1933 йилда очилиши ва ҳоказолар кўпчиликланинг эътиборини ўзига жалб этди.

Гарчи Улуғбек расадхона [обсерватория] си 1908 йили топилиб, унинг ер остидаги секстант қисми қазиб очилган бўлсада, бу ёдгорликларнинг ер устидаги шакли қандай бўлганлиги номаълум эди. Расадхона 1948 йилда В.А.Шишкин бошчилигида қазилиб, унинг қандай бўлганлиги аниқланди. Уни Бобур Мирзо уч қаватли азамат бино деб таърифлаган эди. Шундай қилиб, республикамызда кенг кўламда олиб борилган археологияга оид тадқиқотлар туфайли халқимизнинг узок ўтмиши, суғориш соҳасида асрлар давомида орттирган тажрибалари очиб берилди.

Кенг кўламда республикамызда олиб борилаётган археологияга оид тадқиқотлар туфайли Ўзбекистон археологиясининг деярли ҳамма давларига: палеолит, мезолит, неолит, энеолит, бронза ва темир давлари ҳамда антик дунё ва ўрта асрларга оид жуда кўп хилма-хил ажойиб моддий маданият ёдгорликлари топиб текширилди. Археологияга оид текширишлар натижасида тўпланган бой ва қимматли моддий манба Ўзбекистон халқларининг қадимги тарихини ёритиш имконини берибгина қолмай, балки ўрта асрлар тарихи, шунингдек, шаҳарлар “ёшини” аниқлашга ҳам катта ёрдам берди.

Академик Яхё Ғуломов фаолияти ҳақида.

Ўзбекистонда археология фанининг ривожланишида йирик рус олимлари А.Ю.Якубовский, С.П.Толстов, М.Е.Массон, А.П.Окладников, В.А.Шишкин каби олимлар қатори биринчи ўзбек археологи, академик Яхё Ғуломовнинг хизматлари бениҳоя каттадир. Атоқли олим ўзининг қисқа ва мазмундор ҳаётида тарих фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон ФА академиги даражасига кўтарилди. Истеъдодли олимнинг фан соҳасидаги фаолиятлари учун унга “Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби”, деган юксак унвон берилган.

Олимнинг ижодий фаолияти ҳам ўзига хосдир. У 1926 йилда Тошкентдаги Ўзбекистон эрлар билим юртини, 1930 йили Самарқанддаги Педагогика академиясини тугатди. 1931-1932 йилларда Тошкент педагогика техникумида ўқитувчи бўлиб ишлади. Ёшлик чоғидаёқ кенг илмий жамоатчиликнинг эътиборини қозонди. Илмга, тарихга чанқоқлигини сезган машҳур ўлкашунос археолог В.Л.Вияткин уни ўзи раҳбарлик қилаётган кўҳна Афросиёбда олиб борилаётган қазилмаларда иштирок этишга таклиф этди. Я.Ғуломов мустақил археологик тадқиқотларни илк бор 1936 йили қадимги Хоразм ерларида бошлаган эди. 1933-1940 йилларда Ўзбекистон қадимги давр ва санъат ёдгорликларни муҳофаза қилиш қўмитасида илмий ходим, сўнгра илмий котиб бўлиб ишлади. Я.Ғуломов 1940-1943 йилларда собиқ СССР Фанлар Академияси Ўзбекистон бўлими Тарих, тил ва адабиёт институти археология бўлимининг мудирини ва 1943 йилда Ўзбекистон ФА Тарих ва археология институтининг қадимги ва ўрта асрлар тарихи сектори мудирини, институт директори вазифасини бажарувчи лавозимларида ишлади.

”Хоразмни суғорилиши тарихи. Қадимги замонлардан ҳозиргача” мавзусида докторлик диссертациясини ёқлаган. Яхё Ғуломов 1936 йилдан то умрининг охиригача бир қанча археологияга оид [Тошкент, Фарғона, Бухоро, Хоразм, ва бошқа] отрядларга раҳбарлик қилди. У ажойиб ташкилотчи ва педагог ҳам эди. Халқлар Дўстлиги орденли Тошкент Давлат педагогика институтида Ўзбекистон тарихи ва археологиясидан маърузалар ўқиб, кўплаб педагог ёшларни, тарих фанининг жонкуярларини тайёрлашга ўзининг муносиб ҳиссасини қўша олди.

Я.Ғуломов 4 томлик “Ўзбекистон ирригацияси” тарихига оид тадқиқотда иштирок этган ва унда муҳим масалаларни ёритган. Шунингдек, Ўзбек Совет Энциклопедияси бош таҳрир ҳайъати аъзоси сифатида ҳам фаолият олиб борган.

Ўлкашуносликда этнографиянинг аҳамияти.

Этнография [этнос-халқ, грапхио-ёзиш] халқ ҳақидаги фан бўлиб, у халқни ўрганувчи, таърифловчи фан ёки халқшунослик фани деб ҳам юритилади. Бу фанни айрим вақтларда “этнология” [лотин тилида “этнос”-халқ, “логос” - сўз, тушунча, фикрлаш] деб ҳам аташган. Баъзи олимлар этнография билан этнология ўртасида маълум даражада чегара борлигини

таъкидлайдилар. Айрим олимлар эса буни инкор этадилар. Аксинча, бу икки фан ўртасида ҳеч қандай чегара йўқ, балки уларнинг бири иккинчисини тўлдиради, изоҳлайди.

Этнография тарихий фанлар, айниқса, археология, антропология, география ва тилшунослик билан бевосита боғлиқдир. Бундан ташқари, у ёзма манбалар, географик ҳужжатлар, моддий ва маиший материаллардан ҳам фойдаланади. Мана шу хусусиятлари билан этнография бошқа тарихий фанлардан фарқ қилади.

Инсон ақл-заковати ва қўли билан яратилган ҳамма нарса маданият этнографиясидир. Маданият ҳам ўз навбатида иккига бўлинади. Транспорт, архитектура иншоотлари, кийим-кечак, зеб-зийнат, курул-яроғ, меҳнат куруллари ва шу қабилар моддий маданиятни ташкил этади. Инсоннинг илмий фаолияти билан яратилган санъат, адабиёт, ёзма манбалар, фан, фалсафа, оилавий ҳаёт, диний маросимлар, диний эътиқодлар ва шу қабилар маънавий маданиятга киради.

Этнография фақат моддий маданият ўртасидаги асосий фарқларнигагина ўрганиб қолмай, балки улар орасидаги ўхшашлик ва умумий қонуниятларни ҳам ўрганади.

Этнографияларнинг марказий вазифаларидан бири барча халқларга хос янги турмуш тарзининг умумий хусусиятларини ўрганишдан иборат. Ижтимоий ва оилавий турмушдаги янги анъана ларни тадқиқ қилиш ёш авлодни ватанпарварлик руҳида тарбиялашга катта ёрдам беради.

Ўзбекистон ўз мустақиллигини эълон қилиб, уни мустаҳкамлаётган ҳозирги шароитда халқимизнинг ўтмиш анъаналарини, Наврўз сингари қадимий байрамларни нишонлаш жонажон ўлкамиз янги фуқорасини камол топтириш имконони беради.

Бундай мураккаб жараёнини илмий жиҳатдан аниқлаш ва ўрганиш этнографларнинг муҳим вазифаларидан биридир. Шунингдек, ўзбек халқининг келиб чиқиши билан боғлиқ бўлган тадқиқотлар ҳам шу соҳа олимлари олдидаги асосий масалалардан бири ҳисобланади. Қўплаб тадқиқотчилар бу мураккаб ва чалкаш масаласини ечиш устида иш олиб бормоқдалар.

Маълумки, "ўзбек" этник номининг келиб чиқиши Дашти Қипчоқда ташкил топган Оқ Ўрда ва Шайбон улусида, яъни, Сирдарё, Орол денгизи, Волга бўйлари оралиғидаги кенг ҳудудда кўчиб юрган, XIV асрдан бошлаб ўзбеклар деб юритилган турк-муғул қабилалари билан боғлиқдир. Бу қабилалар XV аср давомида ниҳоятда зўр ҳарбий - сиёсий кучга эга бўлган давлат ташкил қилиб, XV асрнинг бошларидан Муҳаммад Шайбонийхон бошчилигида Ўрта Осиёга, шу жумладан, ҳозирги Ўзбекистон ҳудудига бостириб киради ва ўрнаша бошлайди.

Айрим тадқиқотчилар ўзбек халқининг келиб чиқиши тарихини мазкур истило даври билан боғлаб, ўзбек халқининг шаклланиши XV-XVI асрлардан бошланади, деган мутлақо нотўғри фикр юритиб келган эдилар. Йирик олимлар, чунончи, С.П.Толстов, А.Ю.Якубовский, Я. Ғ.Ғуломов, А.Асқаров, Б.Аҳмедов, И.Жабборов ва бошқалар ўзбек халқининг

бошланғич ядорси Ўрта Осиёда қадимги (антик) даврда яшаган сўғдийлар, хоразмийлар, сак қабилалари ва уруғ - аймақчиликдан ўтроқ деҳқончиликка ўтиб сарт номини олган, туркий тилда сўзлашувини чигил, қарлуқ, яғмо, тухси, арғу каби қавмлардан иборат эканлигини, Ўзбек элатининг шаклланиши асосан XI - XII асрларда тугаганлигини ва XVI аср бошларида пайдо бўлган кўчманчи Шайбоний ўзбекларининг ўлкамизда яшаб келаётган ўзбек халқининг қадимги ядросига араллашиб кетиб, унга фақат ўз номинигина берганлигини асосли далиллар билан исботлаб берганлар.

Ўрта Осиё, шу жумладан, Ўзбекистон ҳудудида Россия Фанлар академиясининг ва Ўзбекистон Фанлар академиясининг Тарих ва археология институтлари томонидан уюштирилган кўп йиллик самарали ишлар натижасида ўзбекларнинг авлод-аждодлари қадимдан ўтроқлашиб, йирик суғориш иншоотларига асосланган деҳқончиликка, мустақил, ўзига хос мустақил маданиятга эга бўлганлиги исбот қилинди. Бу ҳолат баъзи тадқиқотчиларнинг Ўрта Осиё халқлари гўё тарихий халқ эмас, уларнинг маданияти Эрон ва бошқа мамлакатларнинг маданиятига тобе, бу гўзал ўлкада узок ўтмишда фақат кўчманчи, ёввойи қабилалар яшаган, деган ҳар хил даъволарни фош қилди ва пучга чиқарди. Ҳолбуки, ирқий “назарияни” тарғиб қилувчи баъзи олимларнинг узок аجدодлари ибтидоий маданиятга энди эришган бир пайтда қадимги Хоразмда Чирикработ, Бобишмулла, Қўйқирилган қалъа, Тупроққалъа каби ёдгорликлардан қазиб топилган ажойиб архитектура, санъат ҳамда ёзув дурдоналари, Болаликтепа ва Панжикентда топилган ҳар хил маросимларни тасвирловчи ранг-баранг рамлар, Варахшанинг гўзал ганч ҳайкал ва безаклари, илк ўрта асрлардەк қурилган ҳашаматли шаҳар ва қалъалар, дабдабали суғориш иншоотлари, бепоён экинзорлар ўзбек ва бошқа Ўрта Осиё халқларининг узок ўтмишда ўзига хос иқтисодий ва маданий тараққиётга эга бўлганлигини яққол кўрсатиб турибди.

Узоқ асрлар давомида шаклланиб келган юқори даражадаги маданий замин бўлмаганида, ўрта асрлар даврида, яъни, IX-XII асрларда бутун Ўрта Осиё, шу жумладан, Ўзбекистонда фан ва маданият гуркираб ўсиб, жаҳонга Абу Али ибн Сино, Абу Райҳон Беруний, Муҳаммад ибн Мусо Хоразмий, Абунаср Форобий каби фаннинг кўп соҳаларини мукамал эгаллаган улуғ сиймоларни етказиб бериши мумкин эмас эди.

Ўрта асрнинг энг йирик олимларидан истеъдодли тилшунос Маҳмуд Қошғарий ўзининг “Девони луғатит турк” номли ноёб асарида ўзбек халқининг энг қадимги туркий тилда гапирувчи аждодларидан бўлган чигил қабилалари Искандар Зулқарнайин юриш қилган даврдаёқ кўп нуфузли этнографик гуруҳлардан ҳисоблангани ҳақида маълумот беради.

IX асрнинг етук шоири ва олими Юсуф Хос Ҳожиб томонидан яратилган, ўз даврининг зўр бадиий асари ҳисобланган “Қутадғу билик” асарининг ана шу чигил қабилалари тили асосида ёзилгани ва бундай ажойиб асар агар узок асрлар давомида ўлкамизда иқтисодий, маданий бирлик негизида дунёга келган умумий бир тил бўлмагани ҳолда пайдо бўла олмаслиги ҳам эътиборга олсак, у вақтда ўзбек халқининг тили ниҳоятда

узоқ тарихга эга эканлигига амин бўламиз. Маҳмуд Қошғарий ўз асарида илк ўрта асрларда ҳам туркча, ҳам сўғдийча сўзлайдиган, яъни икки тилли бўлган ва фақат туркча гапирадиган кишиларнинг жуда кўпчиликлари ташкил қилганлигини, лекин фақат сўғдийча сўзлайдиган кишиларнинг мутлақо йўқлигини ҳамда туркий тиллар эски тилларни сиқиб чиқарганлигини айтади. Демак, ўзбек халқи милодимиздан аввалоқ муайян бир ҳудудда ўзига хос моддий ва маънавий бирлик ярата бошлаб, аста-секин тил жиҳатидан ҳам умумийликка ўта бошлайди. Натижада, юқорида айтилганидек, XI-XII асрларга келиб ўзбек халқи асосан шаклланиб бўлган эди.

Қадимги хоразмийлар ҳақидаги маълумотлар антик давр муаллифлари - милетлик Гекатей, Страбон, Герадот, Арриан ва Птоломей асарларида, қадимий форсий ёзувлар ва бутун Ўрта Шарқда тарқалган муқаддас китоб - “Авесто” да мавжуд.

Милодимиздан аввалги II асрдаги Хитой элчиси ва сайёҳи Чжан Цзяннинг Даван ва Кангуй (Хоразм) давлатлари ҳақида қолдирган баъзи маълумотлари ҳам этнографик жиҳатидан диққатга сазовордир. Афсуски, ислом дини тарқалгунча, яъни, VII-VIII асрларгача бўлган даврни ёритиш учун маҳаллий ёзма манбалар учрамайди.

Араблар истилоси даврида ўлкамиздаги тарихий асарлар ва уларнинг муаллифлари ваҳшийларча йўқ қилиб танланганлиги ҳақида Беруний хабар қилади.

Истило арафасидаги ўлкамиз моддий ёдгорликлари эса жуда бой бўлиб, деворга ишланган расмлар, ҳар хил ҳайкал ва ўймакор безаклар ажойиб санъат дурдоналари бўлибгина қолмай, ўша даврда яшаган халқнинг ҳўжалик фаолияти, этник тузилиши, моддий ва маиший турмуши, урф-одатларини ўрганишда муҳим ва биринчи даражали тарихий этнографик манба бўлиб хизмат қилади.

Араблар истилосидан кейинги даврларга оид этнографик маълумотлар маҳаллий ва араб ёзуви асосида ёзилган сайёҳларнинг асарларида келтирилган. Айниқса IX-XII аср муаллифларидан Ибн Хурдадбеҳ ал-Балхий, ал-Истахрий, Ибн Ҳавқал, Масъудий Ёкут сингари йирик географ ва саёҳатчилар, маҳаллий муалифлардан файласуф, мусикашунос Абу Наср Форобий, машҳур қомусий олим Абу Райҳон Беруний ва буюк табиб Абу Али Ибн Сино, этнограф, тарихчи олим Абу Саъд Абдулкарим ибн Муҳаммад асарларида муҳим этнографик маълумотлар мавжуд. Номалум муаллиф яратган “Ҳудуд ул-олам” асарида Ўзбекистон ҳудудидаги ўша даврда яшаган аҳоли тўғрисида баъзи этнографик лавҳалар бор.

Маълумки, Чингизхон ҳукмронлиги даврида мўғуллар салтанати мисли кўрилмаган даражада кенгайиб кетди. Улар ўзлари босиб олган ўлкаларни ваҳшийларча талади ва қишлоқларнинг кулини кўкка совурди.

Қўл остидаги ўлкаларга оғир зулм ўтказди. Шунга қарамай Европа монахлари ва Рим папаси даҳшатли, дунёни ларзага солган Чингизхон билан савдо, сиёсий ва дипломатик муносабатлар ўрнатишга қизиқди. Биринчи бўлиб, Татарлар ўлкасига папа Иннокентий 4-чи франциялик Иоанна Плано Карпини бошчилигида монархлардан иборат элчиларни юборади.

Худди шу мақсад ва шу йўл билан 1249-1251 йилларда сафар қилган Плано Карпини ватандоши Вильгельм Рубрук асарида ва венециялик Марко Поло [Рим папасининг топшириғи билан келган – XIII аср] асарларида ҳам [улар Хитойга Ўрта Осиё орқали ўтишган] ўлкалар ҳақида этнографияга оид маълумотлар келтирганлар.

XVI аср бошларида Ўрта Осиёни босиб олган кўчмачи қабилалар, ўзбекларнинг этник таркиби, жойлашган ҳудуди, турмуш ва урф-одатлари ҳақида Маъсуд ибн Усмон Кўхистонийнинг “Тарихи Абулхайрхоний”, Камолиддин Биноийнинг “Шайбонийнома” ва Абулхайр Фазлуллох Рузбехонинг “Меҳмонномаи Бухоро” номли асарларида этнографияга оид қимматли маълумотлар келтирилган.

Ўрта Осиёда ўзбек хонликлари пайдо бўлганидан кейин марказлашган рус давлати билан мунтазам равишда савдо ва дипломатик муносабатлар ўрнатила бошланади. XVI асрнинг фақатгина иккинчи ярмидаёқ Ўрта Осиёдан Россияга 8 марта элчилар юборилган бўлса, XVII асрда Хива хонлигидан 12 марта, Бухородан эса 13 марта элчилар жўнатилган. Бунга жавобан рус давлати ҳам ўз элчиларини ўзбек хонликларига юборади ва уларга дипломатик вазифалардан ташқари, мазкур ўлкалар тўрисида ар хил маълумотлар тўплаш вазифаси ҳам топширилади. Рус элчиларининг тўплаган маълумотлари ҳозир ҳам илмий жиҳатдан ўз қимматини йўқотмаган.

Бу соҳадаги ташабусни дастлаб 1558 йилда Хитойга Ўрта Осиё орқали савдо йўлини аниқлаш мақсададида Москвага келган Англия савдо компаниясининг вакили Антоний Женкинсон бошлаб берди. У Москва ҳукумати ёрдамида Астрахань ва Каспий денгизи орқали Хива ва Бухорага боради. Қишни ўша ерда ўтказиб, 1558 йилда Москвага кетаётган Бухоро ва Хива элчиларига Англия савдо компанияси ўз вакили А. Женкинсонни кўшиб юборади. У ўз мақсидига эриша олмаган бўлсада, Ўрта Осиё ҳақида анчагина маълумотларни тўплади.

Россия билан Ўрта Осиё ўртасидаги муносабатлар айниқса XVIII асрда, Буюк Пётр даврида кучаяди. Россия иқтисодий жиҳатдан ривожланиб, хом ашё манбаи ва саноат маҳсулотлари сотиладиган янги бозорларга муҳтож бўлиб қолди. Шу муносабат билан Ўрта Осиёга ҳар хил дипломатик ва савдо вакиллари юбора бошлайди. Пётр 1 Ўрта Осиёни ўз таъсирига олиш мақсадида иккита илмий сафар уюштирди. Илмий сафарнинг биттасига князь Александр Бекович Черкасскийни, иккинчисига Иван Бухгольцни бошлиқ қилиб тайинлайди.

Бу илмий сафарлар мағлубиятга учраган бўлса-да, Пётр 1 то умрининг охиригача ўз мақсадидан воз кечмади. Унинг буйруғи билан 1718 йилда Каспий денгизини текшириш учун янги илмий сафар тузилади ва 1720 йили Каспий денгизининг биринчи харитаси яратилади. Келаси йили Бухорага рус элчиси бўлиб келган Флорио Беневени Хивага ҳам бориб, фақат 1725 йилда Пётр 1 ўлиmidан сўнг Россияга қайтган ва бу мамлакатлар тўғрисида географияга ҳамда этнографияга оид муҳим маълумотларни олиб келган.

Кўхна Хоразм аолисининг XVIII аср ўрталаридаги турмуши тўрисидаги этнографияга оид муҳим маълумотларни 1740-1743 йилларда Дмитрий

Гладишев ва Иван Муравин бошчилигидаги Орол денгизи ва Хива илмий сафари ҳамда 1753 йилда Самара савдогари Даниил Рукавиннинг Хивага қилган саёҳати даврида тўплаган маълумотларидан олиш мумкин. 1774 йилда Оренбург чўлларида қозоқлар томонидан асир олинган рус унтер-офицери Филипп Эфремов асрликдан қочиб, Қўқон, Марғилон, Қашқар, Ёркент, Тибет, Ҳинд орқали қочиб, кўрган-битганларини ёзиб қолдиради. 1781 йилда Бухорага элчи бўлиб келган Мендиёр Бекчури ва 1974-1976 йилларда Бухорага саёҳат қилган Т.Бурнашевнинг ҳикоялари ҳам бор. Шу даврдаги Хива хонлигига оид тарихий ва этнографик маълумотлар хоннинг таклифи билан Хоразмга келган кўз шифокори, майёр Бланкеннагелнинг ёзиб қолдирган хотираларида ҳам мавжуд.

Ўзбек халқи этнографиясига оид маълумотларни тўплаш XIX асрнинг биринчи ярмида Н.Н.Муравьев, А.Ф.Негри олиб борган кузатишлар Ўрта Осиё халқлари, шу жумладан, ўзбекларнинг этнографиясини ўрганишдаги дастлабки илмий қадамлар бўлди.

1819-1820 йилларда Хива хонлигига саёҳат қилган капитан Н.Н.Муравьев асарининг баъзи бобларида бевосита ўзбекларининг табиати, диний эътиқотлари, урф-одатлари, маданияти, кийим-кечаги, уй-рўзғори, уруғ-аймоқлари тўғрисида этнографик маълумотларни айтган. Унингча ўзбеклар асосан тўрт тоифадан: қиёт-қўнғирот, уйғур-найман, қанғли-қипчоқ, манғитлардан иборат; ҳар битта тоифа мустақил ҳоким - иноқга эга, аммо уларнинг энг каттаси қиёт-қўнғирот иноқидир. Унинг кўрсатишича, Хива хонлигидаги қабилӣ ўзбеклар кўчманчи бўлган. Уларнинг кўпчилиги қора уйларда яшаганлар, аммо бой уруғдошлари ўтроқ сарт сингари катта пахса девор билан ўралган уйларга ўга бўлган.

1820 йили Бухорага жўнатилган А.Ф.Негри бошчилигидаги дипломатик миссия қатнашчиларидан Е.А.Эверсман, Х.П.Яковлев, Будрин ва полковник Г. Мейендорфларнинг китоб ва хотиралари нихоятда бой тарихий этнографик маълумотларга эга. Г. Мейендорфнинг турли даврларда нашр қилинган “Оренбургдан Бухорага саёҳат” номли китобида Бухоро хонлигининг географик ўрни, ижтимоӣ-иқтисодӣ аҳволи, давлат тузилиши, аҳолиси ва унинг машғулоти, қишлоқ ҳўжалиги, суғориш тизими, хунарамандчилиги, ички ва ташқи савдо, оила ва хотин-қизларнинг турмуши ҳақида қимматбаҳо маълумотлар келтирилган. Бу борада айниқса 1833-1841 йилларда Оренбург губернаторининг махсус топшириғига биноан келган истеъдодли ёзувчи, фольклорчи, этнограф, врач, адабиётшунос, машхур лексикограф В.И.Даллнинг олиб броман илмий ишлари диққатга сазовордир.

Чет эл муаллифларидан бири - форс тилини яхши билган инглиз саёҳатчиси Александр Бёрнс 1831-1832 йилларда Бухорада туриб, муҳим сиёсий, иқтисодӣ, ҳарбий ва этнографик материалларни тўплайди. Унинг томонидан ёзиб қолдирилган саёҳатномада ўзбеклар ҳақида нихоятда кизиқарли маълумотлар мавжуд.

1840-1850 йиллар ичида Қозоғистон ва Ўрта Осиё халқларининг этнографиясини илмий жихатдан ўрганишда талантили ака-ука Николай ва Яков Ханиковларнинг хизмати катта. Яков Ханиковнинг 1851 йилда нашр

килинган” Орол денгизи ва Хива хонлиги харитасига изохнома” асарида ўлка этнографиясига алоҳида эътибор берилган.

Этнографияга оид муҳим маълумотлар 1843 йилда Хива хонигига дипломатик миссия аъзолари билан бирга келган полковник Г.И.Данилевский, Ф.Н.Базинер асарларида ҳам келтирилган.

Ўша даврларда атоқли шарқшунос олим В.В.Григорьев Оренбургда истиқомат қилган ва у Россияда биринчи бўлиб Шарқ халқлари тарихи курсини ўқита бошлади. Унинг 200 дан ортиқ илмий ишлари орасида Ўрта Осиё халқларига, жумладан, ўзбекларга тегишлилари ҳам мавжуд.

А.Вамбери [Венгр.] ўзбек уруғлари ҳақида гапириб, биринчи бўлиб “ўзбек” сўзининг келиб чиқиши тўғрисида мулоҳаза юритади. А.Вамбери 32 ўзбек қабилаларининг рўйхатини беради ва уларнинг кийим-кечаклари, таомлари, ўйинлари ва мусиқа асбоблари, урф-одатлари ва диний маросимлари тўғрисида ҳикоя қилади. Асар муаллифи айрим бўрттириш, хатоларга йўл қўйганлиги учун уни шарқшунос олимлар, жумладан, В.В.Бартольд анча танқид қилган.

XVI-XIX аср ўрталаригача бўлган давр ичида маҳаллий муаллифлар томонидан яратилган тарихий асарларда ҳам кўпгина муҳим этнографик маълумотлар бор. Бу борада истеъдодли тарихчи, шоир ва мусикашунос Ҳофиз Таниш Бухорийнинг “Абдулланомаси, тарих, тиббиёт ва адабиёт соҳасида танилган давлат арбоби Абулғозийнинг бир неча бор чет тилларга таржима қилинган “Шажараи турк ва мўғул” ҳамда “Шажараи тарокима” каби асарлари мавжуд. Машҳур ўзбек тарихчилари Шермуҳаммад Мунис, Муҳаммад Ризо Огаҳий ва Муҳаммад Юсуф Баёнийларининг “Фирдавс ул-икбол”, “Риёз уд-давлат”, “Зубда ут-таворих”, “Жомиъ ул-воқеоти Султоний”, “Гулшани давлат”, “Шоҳиди иқбол”, “Шажараи Хоразмшоҳий”, “Хоразм тарихи”, каби асарларида XVII асрнинг II ярмидан то XX аср бошларигача Хоразм ва қўшни юртларда рўй берган тарихий воқеалар юксак моҳорат билан тасвирланади. Ўзининг бой мазмуни, ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий маълумотларининг кўплиги ва ранг-баранглиги билан ажралиб турувчи бу тарихий асарлар ўша даврдаги ўбек халқи этнографиясини ўрганиш учун муҳим манба бўла олади.

Ўрта Осиё юришлари даврида В.В.Радлов, А.П.Федченко, А.Л. Кун, М.А.Миддендорф каби тадқиқотчилар катта ва самарали меҳнат қилдилар. В.В.Радлов Ўрта Осиё халқларининг тили географияси ҳақида маълумотлар тўплаган; Ўрта Зарафшон водийси бўйлаб саёҳат қилиб, қизиқ-қизиқ очрлар ёзган.

А.П.Федченко ўз рафиқаси билан ўзбек халқ этнографиясига оид жуда кўп маълумотлар тўплаган ва “Қўқон хонлигида” деган асарини ёзган.

Илмий жамиятлар ва тўғараклар ичида ўзбек этнографиясини ўрганишда Рус география жамияти ва унинг Туркистон бўлими, Туркистон археологияси ва этнография хаваскорлари жамияти Туркистон бўлимининг фаолияти алоҳида эътиборга сазовор.

Асримизнинг дастлабки йилларидаёқ фан ва маърифат органлари Туркистон Республикаси ҳудудида этнографик тадқиқотларни ўтказишга

катта эътибор берди. 1918 йилда очилган Туркистон халқ университетида ўзбек этнографиясидан махсус курс ўқитила бошланганлиги ва бу курс бўйича дастурнинг босилиб чиқиши мазкур фикрга далил бўла олади.

Ўрта Осиёда 1920-1924 йилларда ўтказилган аҳоли рўйхатининг ташкилотчиси ва фаол қатнашчиси И.П.Магидович диққатга сазовор иш қилди. У ўзининг аҳоли ўртасида тўплаган тарихий этнографияга оид маълумотларига асосланиб, ўзбек халқи қабилаларининг рўйхатини тузди. Аҳолини этник ўрганиш комиссияси аъзоси И.И.Зарубин ҳам ўзбек этнографияси ҳақида материаллар тўплаб, баъзи мақолалар чоп этган эди. Шу йиллари ажойиб географ ва этнограф профессор Н.Г.Маллицкий ўзининг маърузалари ва илмий географик асарларида ўзбекларнинг уруғ-аймоғи ва уларнинг этнографиясига оид тавсифларини берди.

Ўзбек халқининг этнографиясини ўрганиш билан шуғулланган Н.П.Остроумов, Н.С.Ликошин сингари татқиқотчиларнинг асарларида муҳим маълумотлар бўлсада, уларнинг мазмуни советлар мафкураси измидан чиқа олмаган эди.

Ўзбекистон ҳудудида урушдан олдинги йилларда катта этнографик ишларини амалга ошириш дастлаб Ўрта Осиё Давлат Университетида, Қадимги ёдгорликлар ва санъатни муҳофаза қилиш қўмитасида, шунингдек, Тошкент, Самарқанд, ва Бухоро музейларида марказлашган эди. Кейинчалик 1943 йилда ташкил топган Ўзбекистон Фанлар Академияси, чунончи, Тарих ва археология институтининг этнография бўлими ўлкамизда этнографияга оид тадқиқотларнинг маркази бўлиб қолди.

Ҳамдўстликда истиқомат қилувчи барча халқларнинг, шу жумладан, ўзбекларнинг моддий ва маънавий маданияти, халқ санъати ва фольклорининг хусусиятларини аниқлаш учун уларнинг этнографиясини ўрганиш 1917 йилдан кейинги даврларда жуда кенг авж олди.

Хоразмда чорак асрдан кўп вақтдан бери иш олиб бorgan С.П.Толстов раҳбарлигидаги этнографларнинг илмий сафари Ўзбекистон халқларининг турмуши ва маданиятини ўрганишда янги саҳифа очди. Бу илмий сафар аъзолари асосан қадимги Хоразм маданияти ёдгорликларини ўрганди ва этник тарихини текширди. Урушдан кейинги даврда илмий сафар таркибида Ўзбекистон этнография гуруҳлари тузилди. Бу гуруҳлар олдида воҳадаги ҳозирги ўзбек аҳолисининг моддий ва маънавий маданиятини муфассал ўрганиш қўйилди. Илмий сафарнинг кўп йиллар давомида олиб борган ишларининг ажойиб самаралари бир неча жилддан иборат китобларда ёритиб берилди.

Ўзбекистон тарихига оид кўп жилдлик йирик илмий асарнинг этнографияга бағишланган бўлимлари фаннинг сўнгги ютуқлари асосида мутахассис татқиқотчилар томонидан ёзилган. “Жаҳон халқлари” туркумида босилиб чиққан 2 жилдлик “Ўрта Осиё ва Қозоғистон халқлари” номли мукамал илмий асар деярли бутун этнографияга оид татқиқотларнинг ютуқларини ўзида мужассамлаштирган. Этнография соҳасида бундай йирик тарихий асарларни яратишда маҳаллий татқиқотчилар фаол иштирок қилган эдилар. Асарнинг “Ўзбеклар” номли бобини ёзиш ва таҳрир қилишда

махаллий этнографлардан О.А.Сухарева, М.А.Бекжанова, И.Жабборов ва бошқалар қатнашганлар.

Ўзбек халқи этнографиясини ўрганиш соҳасида эришилган ютуқлар маҳаллий татқиқотчиларни умумлаштирилган йирик илмий асар ёзишга ундади. Маҳаллий муаллифлар томонидан тайёрланган маълумотлар 1972 йилдан бошлаб, Ўзбекистон этнографларининг илмий тўпламида ёритила бошланди.

1917 йилдан илгари ва ундан кейин ўтказилган кўплаб илмий сафарлар этнографияга оид ҳар хил буюмларнинг тўпланишига имкон туғдирди. Ҳозирги кунгача тўпланган бу бой ашёлар Республиканинг музейларида, айниқса, Тошкент, Самарқанд, Хива, шунингдек, Москва ва Санкт-Петербург музейларида сақланиб келинмоқда.

Топонимика - ўлкашуносликнинг асосий манбаларидан бири.

Топонимика тушунчаси ва унинг моҳияти ҳақида. 1917 йилга қадар топонимика мусатқил фан сифатида ўрганилмай, унинг вазифасини тарихий география фани бажариб келарди.

Топонимика географик номлар, киши исмларини ўрганадиган фан сифатида майдонга келди. Топонимикани “Замин тили”, яъни ер тили ҳам деб аташади. Топонимика атамаси лотин тилидан олинган бўлиб, “топос” - жой, “онима” - ном, умуман жой номини ўрганадиган Фан, деган маънони билдиради. Географик номлар ва замин қаърида ўрганилмай ётган номлар, инсонларга қўйилган исмлар топонимиканинг ўрганиш манбаи ҳисобланади. Топонимика 2 объектдан: микро ва макро топонимлардан иборат бўлиб, **микротопонимика** - граматик жиҳатидан майда объектларни, **макротопонимика** эса атоқли отлар, яъни йирик объектларнинг номларини татқиқ қилади.

Ҳозирга вақтда топонимика фақат катта ва йирик ўбектларнинг: тоғлар, ўрмонлар, водийлар, воҳалар, шаҳарларнинг номларинигина эмас, балки кичик объектларнинг - маҳаллалар, даралар, жарликлар, анҳорлар ва кўлларнинг номларини ҳам ўрганмоқда.

Антропоним сўзи - лотин тилидан олинган бўлиб, “антрапо” - одам, “онома” - ном, киши исми, лақаби, фамилияси демакдир; антропонимика - киши исмларини ўрганадиган фан. **Гидроним** - грекча - “гидро”- сув, “онима” - ном, сув объектларининг, масалан, канал, ариқ, анҳор, дарё, сой, жилға, ирмоқ, булоқ, қудук, денгиз, кўл ва қўлтиқ, бўғоз, шаршара кабиларнинг номларини ўрганади.

Диминутив - лотин тилидан олинган сўз бўлиб, кичрайтирилган шаклдан топоним яшаш демакдир. Ўзбекистонда - ча ва -ак баъзан -ик аффикслари диминутив шаклидаги топонимларни ясайди; бундай топонимларга отлардан (Ҳисорак, Хумдонак, Рўдак) сифатлардан (Кўкча, Оқча, Қорача, Сарича), этнонимлардан (Дўрмонча, Найманча) ясалиши мумкин. Баъзи ҳолларда эса бирон топонимга тақлид қилиб ном қўйилганда зам диминутив шаклидаги топонимлар ясалади, чунончи Бухороча,

Самарқандак, Бағдодик, Регистонак ва бошқалар.

Метатеза - лотин тилидан “метатесис” - жой алмаштириш - сўздаги товушларнинг ўрин алмашиши (Бешоғоч - Бечогош, Сайрам - Сарём)га айтилади.

Метафара - грекча - “кўчириш”, сўзнинг кўчма маънода ишлатилиши (Туятош - каттақоя, Мингбулоқ - кўп булоқ, этак - дарёнинг, тоғнинг, сойнинг ёки одамнинг этаги, бурун - одамники, қайиқники ва бошқалар) га айтилади.

Метонимия - грекча - “қайта ном қўйиш”. Топонимикада жой номининг қўшни объект номига ўтиши, масалан, дарё номининг шаҳар номига айланиши (Зарафшон дарёси - Зарафшон шаҳри, Чирчиқ дарёси - Чирчиқ шаҳри), дарё номининг тоғ номига қўчиши (Кўксув дарёси - кўксув тизмаси, Вахш дарёси - Вахш тизмаси). Ўзбекистонда метонимия ҳодисаси жуда кенг тарқалган.

Микротопонимия - грекча “микро”- кичкина, “онима” - ном, кичик объектлар: булоқлар, қудуқлар, далалар, ўтлоқлар, жарлар, йўллар, тепалар, кўчалар ва ҳатто атоқли отга эга бўлган айрим дарахтларнинг номлари; микротопонимия орасида муайян чегара йўқ, масалан, баъзи бир татқиқотчилар кўчаларни микротопонимлар десалар, бошқа бировлар макротопоним деб ҳисоблайдилар.

Орономия грекча “полис” - шаҳар, “онима” - ном. Урбономия сўзи ҳам лотин тилидан олинган бўлиб, “урбс” - шаҳар, аҳоли пунктлари; хутор, овул, қишлоқ, шаҳарча, станция, шаҳарларнинг номларини ўргатадиган махсус фандир.

Ҳозирги вақтда топонимистлар жой номларини фақат этимология ва семантик жиҳатдангина эмас, балки сўз ясаши жиҳатидан ҳам таҳлил қилмоқдалар.

Антропоним кишининг исми, фамилияси, лақабини (Маҳмуд Қошғарий, Мунис Хоразмий) тадқиқ этади.

Антротопонимика киши исми, шаҳар, қишлоқ, овул ва шу каби жойларнинг номидан олинган топонимларни (масалан, Тошкентбой, Қўқонбой, Хўжакул) ўрганади. Сабур (Сабуров)- туркий ”сабр”, арабча “собир” (чидамли) сўзларидан олинган . Полвонов - туркий тилларда “полвон”, форсча “Паҳлавон”(ботир, қаҳрамон маъносида)сўзларидан олинган, кейинчалик русча “ов” қўшимчаси қўшилиб Полвонов фамилияси келиб чиққан.

Этнотопоним эса қабила, уруғ-аймоқ, элат, миллат ёки халқнинг номига қўйилган топонимлардир (Қозоқбой, Қирғизбой, Ўзбекхон, Барлосбек каби) .

Далварзин, Қўнғирот, Нукус, Митан ва ҳоказаларни истисно қилганда, барча топонимлар икки ва ундан ортиқ таркибий қисмдан (компонентдан) иборат. Бундай қараганда ҳеч қандай қўшимчасиз фақат бир сўздан иборатдай Бухоро (Вихара - ибодатхона), Чим (қўрғон), Ён (бекат), Ёп (канал) каби номлар мустақил топонимлар шаклида учрайди. Баъзан эса кум,

зах, супа каби географик атамалар ҳам ҳеч қандай қўшимчасиз топонимлар ҳосил қилган. Бироқ ана шундай биргина географик атамадан тузилган номлар кўпинча шу топонимларнинг халқ оғзида қисқартирилган шакли бўлиб чиқади. Масалан, Қумқишлоқ дейиш ўрнига Қум; Захарик дейиш ўрнига Зах; Супатепа деб қўя қолишади. Бироқ ҳеч қандай қўшимчасиз тол, пидана (ялпиз), янтоқ, тулки каби номлар маънавий жиҳатдан аслида бу ўсимлик ва ҳайвонларга ҳеч қандай алоқаси бўлмаслиги, кўпинча тамомила бошқа сўзларнинг фонетик жиҳатдан ўзгариши натижасида шу шаклни олган бўлиши мумкин.

Юқорида айтилганлардан шундай хулосага келиш мумкин: топонимика уч принципга асосланади: 1. топонимларнинг пайдо бўлиш тарихини ўрганиш; 2. топонимларнинг географияга оид маълумотларини аниқлаш; 3. асосий қидирилаётган топонимларнинг барча номдагиларини илмий асосда алоҳида-алоҳида ўрганиб улардан тўғри хулоса чиқаришдир. Бу принциплар кўлланманинг муқаддимасидан то хотимасигача ёритилиб берилган.

Ўзбекистон топонимикаси.

Географик номларни уларнинг келиб чиқиши ва тарихи билан боғлиқ ҳолда ўрганиш, уларни классификация қилиш нисбатан яқин вақтларда бошланган. Бу соҳада атоқли топонимист А.Х.Востоковнинг хизмати каттадир. У Россиядаги дарё номларини уларнинг охириги қўшимачларига қараб гуруҳларга бўлади ва бу қўшимчалар ҳозир бирон маънони англатмаса ҳам қадимги халқлар тилида маълум маънони билдирган бўлса керак, деб тўғри хулосага келади. А.Х.Востоков фикри XIX аср охири - XX аср бошларидаги баъзи бир топонимистларнинг асарларида ўз ривожини топди.

XX аср бошларида топонимик татқиқотлар анча кенг қулоқ ёйди. Иккинчи жаҳон урушидан олдинги даврда олимлардан А.И. Соболевский, Н.Я.Марр, С.В.Веселовский, В.В.Бартольд, В.П.Семёнов-Тяншанский, В.Г.Шостакович топонимика соҳасида айниқса самарали ишлар қилдилар. Ўрта Осиё, жумладан Ўзбекистон топонимикасини ўрганиш соҳасида В.В.Бартольднинг хизматларини алоҳида қайд қилиб ўтиш керак. Урушдан кейинги йилларда топонимика ривожига катта бир ўсиш даври бўлди. Эндиликда топонимика соҳасида кўп олимлар жамоаси иш олиб бормоқдалар. Айниқса кейинги даврларда Т. Нафасов “Қашқадарё топонимикаси”, И.Қодирова “Тошкент микротопонимикаси”, Э.Бегматов эса антротопонимика - киши номларини ўрганиш соҳасида илмий тадқиқот ишларини олиб бормоқдалар.

Ўрта Осиё, жумладан Ўзбекистон топонимларини ўрганиш узоқ тариха эга. Ўзбекистон топонимикасини ўрганишда машҳур рус шарқшунос олимлари ҳамда тарихчилари: В.Л.Вяткин, Н.Ф.Ситяковский, Л.Н.Соболев, В.В.Бартольд, С.П.Толстов, П.П.Иванов, М.Е.Массон, О.А.Сухарева ва бошқалар бу соҳада катта ишларни амалга оширдилар.

Республика жой номларининг келиб чиқиши тарихини ва миллат, қабила, элат, уруғ-аймоқ номларининг келиб чиқиши тарихини ҳамда географияга оид атамаларни ўрганишда Я.Ғ.Ғуломов, Р.Н.Набиев, А.Р.Муҳаммаджонов,

Ф. Абдуллаев, С.Иброҳимов Ўзбекистонда биринчи топонимик картатека тузишда иштирок этган Х.Т.Зарифов: этнонимистлар - Ў.Фозилов, М.Шоабдурахмонов, Х.Дониёров, Р.Қўнғиров: географлардан Ҳ.Ҳасанов, С.Қораев кабиларнинг ишлари диққатга сазовордир.

Топонимик маълумот тўплаш усуллари.

Топонимикани ўрганиш маълумот тўплашдан бошланади. Бу иш одатда Ўлкашунослик бўйича татқиқот олиб борилаётган микрорайон, қишлоқ, овул, кейинчалик маъмурий туман ҳамда вилоят ва ниҳоят жонажон ўлка миқёсида амалга оширилади. Иш бошлаш олдидан тахминий иш режа ва дастур ишлаб чиқилиши зарур. Шу асосда тайёргарлик ишлари олиб борилади, сўнг дала татқиқот ишларига ўқувчи ва талабалар жалб этилади.

В.А.Никоновнинг “Введение в топонимику” (Москва, 1965г.) асарида топонимика бўйича татқиқотни қандай олиб бориш, уни нимадан ва қачон, қаердан бошлаш услуби ва усуллари аниқ кўрсатиб берилган.

Демак, топонимика ўлкашуносликнинг ажралмас бир қисми ҳисобланади. Тарихий ўлкашунослик фани эса тарих фанинг бир бўлими сифатида ривожланиб бормоқда. Бу фан ҳар бир ўлкашунос ва зиёлидан ўз ўлкасининг тарихини ҳар томонлама ва чуқур ўрганишни талаб қилади.

Ўлкашунослик билан шуғулланувчи ўқитувчилар топонимикага доир адабиётлар билан яхши танишиб чиқашлари зарур. Бу борада қуйидагиларни таклиф этиш мумкин: В.А.Никоновнинг “Введение в топонимику” ва “Карткий топонимический словарь” асарлари, Ҳ.Ҳасановнинг “Ўрта Осиё жой номлари тарихидан”, Ходи Зарифнинг “Луғат ва термин тўпловчиларга ёрдам”, Е.М.Мирзаев ва В.Г.Мирзаеваларнинг “Словарь местных географических терминов” ва С.Қораевнинг “Географик номлар маъносини биласизми?”, “Ўзбекистон вилоятлари топонимлари” каби асарларидир.

Топонимлардан ном олган буюмлар, ўсимлик, ҳайвонлар шу қадар кўпки, баъзан ҳатто уларнинг этимологияси тўғрисида ўйлаб ҳам ўтирмаймиз. Қўқон арава, Бухорои қовун, Чуст пичоғи каби сўзларда ўша жой номлари эсга келиши мумкин. Бироқ академия (Афина яқинидаги чангалзор), вулкан (Тиррен денгизидаги Вулкано ороли номидан), кофе (Африкадаги Каффа ўлкаси номидан), Олимпиада (Грециядаги энг баланд Олимп тоғи номидан), Роман (Рим шаҳри номидан олинган) каби сўзларнинг ҳам аслида топонимлар эканини кўпинча ҳаёлимизга келтирмаймиз.

Қитъалар ва денгизлар номларидан ҳосил бўлган топонимлар: Австралия - грекча “Жанубий қуруқлик” дегани. Европа - Оссур тилида *эреб* - кун ботиш, қороғулик, ғарб деган маъноларни билдиради. Осиё - русча Азия, хитойча Ясия, японча Адзия дегани. Бу ном дастлаб Гомер дostonларида тилга олинган. Мил.авв. V асрда Герадот Осиё деб ҳозирги Туркиянинг ғарбий қисмини тушунган. Хуллас Осиё номи Ўрта денгиз соҳилларига хос атоқли отдир. Кейинчалик бу ном Шаркий ерларга ҳам ёйилиб умумлашиб кетади ва аввалги Қуйи Осиё, Буюк Осиё номлари, XVIII-XIX асрларда Кичик Осиё, Ўрта Осиё, Марказий Осиё сингари айрим қисмларни англатувчи номлар пайдо бўлади. Осиё номининг

маъноси турлича изоҳланган. Оссурия тилидаги “Асу” “кун чиқиш томон” маъноларини ҳам англатади. Шунингдек, “Шарк” маъносида қўлланилган.

Болқон - Европадаги ярим орол. Туркий тилларда Балхан-тоғ, тоғли ер деган маънони англатади.

Австралия - немисча Остеррейх: Ост - шарқ, рейх - ўлка, яъни шарқий ўлка дегани. Англия - Ғарбий Европадаги Буюк Британия давлатининг номи; V-VI асрларда континентал Европадан шу ерга сузиб ўтган англ қабилалари номидан олинган.

ЎСИМЛИК ВА ҲАЙВОНЛАР НОМИДАН ОЛИНГАН ОЛИНГАН ТОПОНИМЛАР.

Апелсин - голландча “ Хитой олмаси” дегани. **Хазорасп** - минг от, **Сариосиё** - бош тегирмон дегани.

ОЗИҚ -ОВҚАТ НОМЛАРИ.

Лағмон (хитойча)-“лағ”- узун , “ман”- хамир, яъни, узун хамир деган маъноларни билдиради. Бутерброд (немисча)-гўшт ва ёғ деган маъноларни билдиради.

Боржоми - минерал сув (Грузиядаги курорт шаҳарнинг номи). Тошкент минерал суви (Тошкент шаҳрининг номидан олинган) ва ҳоказо.

ТОШКЕНТ ТОПОНИМЛАРИ.

Республикамизда 17000 дан ортиқ қишлоқ ва аҳоли яшайдиган пунктлар, 500 тага яқин қудуқлар бор . Ҳар бир қишлоқ атрофида юзлаб жарликлар ва тепаликлар, қирлар, булоқлар, қудуқлар бўлиб уларни харитадан топиб бўлмайди.

Биз Тошкент шаҳрининг ўтмиши ва Тошкент воҳасидаги жой номларининг келиб чиқиши тарихи ҳақида қисқача тўхталамиз .

1983 йил Тошкентнинг 2000 йиллиги тантанали нишонланган эди. Мунтазам олиб борилган археологик тадқиқотлар туфайли қадимдий ва навқирон Тошкент шаҳри Чирчиқ дарёсининг соҳилида бундан 22000 йил аввал вужудга келганлиги аниқланди. Бу Тарихий санани, яъни шаҳарнинг юбилейини халқаро миқёсда нишонлаш тадбирларини 2009 йилда амалга ошириш тўғрисида Президентимиз И.А.Каримов Қарор қабул қилганлар.

Тошкент - Республика пойтахти, саноати юксак ривожланган , фан ва маъданияти илғор , жуда кўп халқаро учрашувлар, анжуманлар, фестиваллар ўтказиладиган жой , Ўрта Осиёнинг ўзига хос жанубий дарвозаси ҳисобланади. Шунингдек, у ноёб қурилишлар кўرғазмаси шаҳри ҳамдир. Тошкент денгиз сатҳидан 440-480 метр баландликда жойлашган. Ундан Бўзсув , Солор, Анҳор, Қорасув, Кайковус, Бўржар, Оқтепа, Қорақамиш ва бошқа каналлар оқиб ўтади. Тошкент V-VII асрларда Чоч, Шош, Шошкент, Бинкент, деб аталиб келган ва айни вақтда шу номдаги давлатнинг пойтахти бўлган. Тошкент шаҳрининг ҳозирги номи илк бор Беруний ва Маҳмуд Қошғарийларнинг асарларида қайд этилган (XI аср).

Тошкент қадимдан турли хорижий босқинчилар тазийқига ва

босқинчилигига дучор бўлган . VI асрда у турк хоқонлиги таркибида , V111 аср бошларида эса араблар таъсирига тушган . IX-X асрларда Сомонийлар давлати, X аср охири - XIII аср бошларигача Қорахонийлар ва Қорахитойлар таркибида бўлган . XIII аср бошида Тошкентни Муҳаммад Хоразмшоҳ истило этган . Амир Темур ҳокимият тепасига келгач Тошкент шаҳрида тикланиш ишлари бошланади. 1501 йилда Шайбонийхон мўғулларни тор-мор этиб, Тошкентни идора қилишни ўз амакилари - Суюнчхўжахон ва Кўчқинчихонга топширди.

XVIII аср ўрталарида Тошкент тўрт даҳа (Себзор, Кўкча, Беш ёғоч, Шайхонтахур)га бўлинган бўлиб , уларнинг ҳар бирини мустақил ҳоким бошқарган. Шаҳарнинг девори узунлиги 14 км. бўлиб, 12 та дарвозаси бўлган. Улар: Лабзак, Тахтапул, Қорасарой, Сағбон, Чигатой, Кўкча, Самарқанд, Камолон, Бешёғоч, Кўқон, Қашқар, Қўймасдир.

XIX аср иккинчи ярмида (1865 йил) Тошкентни чоризм қўшинлари босиб олган эди.

1991 йилш юртимизда мустақиллик қарор топгачгина Тошкент шаҳрининг чиройига чирой қўшилиб, ўзига хос кўрк ва нуфузга эга бўла бошлади.

2007 йилда халқаро Ислом Конференцияси ташкилоти (АЙСЕКО)нинг Қарори бўйича Тошкент - ислом маданияти пойтахти деган шарафли ва улуғвор мақомга муяссар бўлди.

ШАҲАР ТОПОНИМЛАРИ.

Ҳадра - Тошкентдаги ҳозирги Ҳадра майдони бўлиб , ҳадра - чегара , чекка деган маъноларни билдиради. Бўржар - илгари бу ерда бўри ёки чиябўри кўп бўлганлиги учун шу ном берилган. Сағбон ит боқар демакдир . Тахтапул - бу сўзнинг этимологияси тахта - ёғоч, пул - форс тилида кўприк, яъни тахта кўприк деган маънони билдиради. Қўйлиқ - Тошкент шаҳрининг чеккасидаги жой. Профессор Ҳ.Ҳасанов Қўйлиқни “қўйилик”, “пастлик” деб изоҳлайди.

ТАРИХИЙ ОБИДАЛАРИ.

Анбарбиби мақбараси - Зангиота қабристонида жойлашган бўлиб, XIV аср охири - XV аср бошларида қурилган ноёб меъморчилик ёдгорлигидир. Ривоятларга қараганда Занги отанинг хотини Анбарбиби (Қанбар она) қабри устига қурилган.

Зангиота мажмуаси - Тошкентдан 16 км. жанубда XIV аср охири - XX аср бошларигача қурилган ноёб мемориал ёдгорликдир. Сўфийлик тарғиботчиси шайх Ойхўжа ибн Тошхўжа шарафига шундай аталган. Бу мақбарани Амир Темур қурдирганлиги ҳақида ривоятлар бор.

Бароқхон мадрасаси - XVI асрда ҳозирги Зарқайнар кўчасида қурилган ёдгорлик. Бароқхон мадрасаси мажмуасини 3 - босқичини XVI аср ўрталарида Бароқхон қурдирган.

Жоме масжиди - Хозирги уйғур кўчаси бўйича жойлашган бу ёдгорлик XV-XIX асрларда бунёд этилган. Масжидни 1451 йилда Хўжа Ахрор Вале курдирган.

Шайх Зайниддин бобо мақбараси - 1214 йили Шайх Зайниддинга атаб солинган ёдгорлик, унинг ёнида жойлашган чиллахона XII-XIII асрларга, мақбара ўрнидаги хонақоҳ XIV асрга оид .

Шайх Хованд Тахур мақбараси - Навоий шоҳ кўчасида жойлашган бўлиб, Шайх Умар Боғистонийнинг ўғли - Шайх Хованд Тахурга атаб солинган. Мавжуд ёдгорлик XV асрга оид кўхна мақбара пойдевори устига XV111-XIX асрларда қурилган.

Қалдирғочбий мақбараси - бу мақбара XV асрнинг 1 ярмида қурилган меъморчилик ёдгорлиги бўлиб, Шайх Хованди Тахур мақбарасидан шимолроқда жойлашган. Мақбарани ким қурганлиги ва унга ким дафн қилинганлиги номаълум. Ривоятга кўра бу ерда Қалдирғочбий исмли нуфузли аён, бошқа бир ривоятда Қалдирғочбиби исмли кичик маликаси дафн этилган. Мақбаранинг 12 қиррали ташқи гумбази 1970 йили таъмир қилинган .

Каффоли Шоший мақбараси - бу меъморий обида Зарқинар кўчасида Ҳазрати Имом (Ҳастимом)номи билан машҳур бўлган имом Абу Бакр Муҳаммад Ибн Али ибн Исмоил Ал-Каффол аш-Шошийга атаб қурилган. Дастлабки мақбара сақланмаган. Каффол Шоший мақбараси меъмор Ғулом Ҳусайн томонидан 1541-1542 йилларда қурилган.

Ҳазрати Имом мажмуаси - ўз даврининг ўқимишли кишиларидан бўлган имом Абу Бакр Муҳаммад ибн Али ибн Исмоил ал-Каффол ал-Шоший(904-976)нинг қабри асос қилиниб қурилган обида. XVI асрнинг 50 йилларида Ҳазрати Имом қабри устида Каффол Шоший мақбараси қурилган. XIX аср ўрталарида Барокхон мадрасаси рўпарасида (Тиллашайх) Мўйи муборак мадрасаси, Жомеъ масжиди (сақланмаган) қурилган.

БУХОРО ВИЛОЯТИ ТОПОНИМЛАРИ.

Бухоро шаҳрининг меъморий ёдгорликлари тарихини қуйидагича баён этиш мумкин .

Бухоро - қадимий, тарихий ёдгорликларга бой шаҳар. Наршахий Бухоронинг Нумижкат, Бумискат, Мадинат ус-Суфрия, яъни мис шаҳар, Мадинат ут-тузжор - “Савдогарлар шаҳри” деган номлари борлигини айтган.

Бухоро - санскритча вихара сўзидан олинган бўлиб , “ибодатхона” маъносини билдиради. Ҳофиз Таниш Бухорийнинг ёзишича , “Бухоро” оташпарастлар тилида “илм макони” демакдир. Бухоро жаҳондаги энг кўхна шаҳарлардан бири. 1997 йил Бухоро шаҳрининг 2500 йиллиги халқаро

миқёсда нишонланди.

Исмоил Сомоний мақбараси - IX-X асрларга оид Ўрта Осиё меъморчилигининг ажойиб намунасидир. У 892-907 йилларда қурилган деб тахмин қилинади. Иншоот деворининг қалинлиги 1,8 метргача кенгликда бўлганлиги, айниқса, аниқ геометрик ўлчам ва пухта меъморий маҳорат ўз ифодасини топганлиги туфайли ҳам бу ёдгорлик минг йилдан буён яхши сақланиб турибди. Ривоятлараг кўра бу мақбара Исмоил Сомоний томонидан отаси ибн Асад учун қурилган.

Чашмаи Айюб мозори- XII асрга оид ёдгорлик шаҳардаги маданият ва истирохат боғи ўрнида жойлашган. Қадимий Ғарбий бино ёнида XVI асрда яна Иккита бино қурилган. Бу бинини ешиги тепасига Амир Темурнинг ўзи қурдирганлиги ҳақидаги маълумот қайт этилган.

Мағоки Аттор масжиди –XII-XVI асрлар давомида қурилиб таъмирланган бу иншоот шаҳар марказида жойланган бўлиб, илгариги атторлар растаси ўрнига қурилганлиги туфайли Мағоки Аттори деб аталган.

Масжиди калон [Катта масжид] - жума номози ўқиладиган бу масжид 1514 йилда қурилган бўлиб, катталигига кўра самарқандаги Бибихоним масжидидан кейин иккинчи ўринда туради. Масжиднинг умумий майдони бир гектарча келади [127х 78]. Ҳовли галереяси 288 кубба билан қопланган, уларни 200 та устун кўтариб туради. Бу ҳам ноёб меъморчилик ёдгорликларидан биридир.

Мир Араб мадрасаси - 1530 йил қурилган бўлиб, шаҳарнинг марказий қисмида жойлашган. Бу ерда яманлик Шайх Абдулла [Мир Араб] ва унинг қариндошлари дафн қилинган. Ёдгорлик шунинг учун ҳам Мир Араб деб номланади

Улуғбек мадрасаси - 1417 йил Мирзо Улуғбек томонидан қурдирилган. Улуғбек мадрасаси пештоқига “Билим олиш ҳар бир муслим ва муслиманинг бурчидир” деган сўзлар ўйиб ёзилган.

Абдулазизхон мадрасаси - 1652 йил қурилган бу мадраса бадий безакларга бой бўлиб, Ўрта Осиё меъморчилигида алоҳида ўрин эгаллайди.

Болоҳовуз масжади - 1712 йил қурилган бўлиб, Бухоро арки қаршисида жойлашган.

Чор минор - уни халифа Ниёзкул мадрасаси деб ҳам аташади. У XIX аср бошларида [1807 йил]ги меъморчиликнинг мураккаб намунаси бўлиб, пешайвон туридаги масжид, бир қаватли мадраса, ҳовуз ва пештоқдан иборат 4 та баланд мезанаси бор. Улар минорага ўхшайди, шунинг учун ҳам Чор Минор мадрасаси деб аталади.

Лабиҳовуз - XVII асрда қурилган бўлиб, узунлиги - 42 метр, эни - 36 метр, чуқурлиги - 5 метр чамаси бўлган ҳовуздан иборат майдонча. У 1620 йил қазилган. Савдо майдонларидан бири бўлган.

Тим ва тоқлар - XVI асрда қурилган бу иншоот Бухорадаги энг йирик савдо марказларидан биридир. Шаҳардаги йирик савдо иншоотларидан 4таси: Тоқи заргарон, Тоқи телпак фурушон, Тоқи саррофон ва Абдуллахон тими сақланиб қолган.

Кўкалдош мадрасаси -1578 йил қурилган бўлиб Лабиховуз майдонидан жойлашган. Ўрта Осиёдаги энг катта мадрасалардан бири бўлиб, 160 хужраси бор. Бу ёдгорлик Абдуллахон ҳукмронлиги даврида қурилган.

Ситораи Моҳи Хоса мажмуаси – XIX аср бошларида қурилган Амир Олимхоннинг саройидир. Шаҳардан 4 км. нарида жойлашган.

Бухоронинг жой номлари.

Ғиждувон - Бухоро вилоятидаги шаҳар ва туман маркази. Тўп қишлоқ деган топонимик маънога эга.

Тароб - Бухоро вилояти ҳудудида жойлашган қишлоқ. 1238 йилда қзғолон раҳбари Маҳмуд Торобий шу қишлоқдан чиққан.

Навоий вилояти топонимлари

Вилоятда аҳоли пунктлари – шаҳар-шаҳарчалар, қишлоқ-овуллар сони қарийб 1500 га етади.

Айрончи – қишлоқ, Кармана тумани. Найман қабиласи таркибида айрончи уруғи қайд қилинган. Кармана туманида **Айронни** қишлоғи ҳам бор. Айрончи, Айронни (Айронли) – “айрон уруғининг вакиллари яшайдиган қишлоқ”. Қўнғирот қабиласи таркибида ҳам **айрон** уруғи қайд қилинган.

Андоқ – қишлоқ, Хатирчи тумани. Дастлаб Ёқут Ҳамавийнинг “Муъжам ул-булдон” асарида қайд қилинган. Қизилтепа туманида ҳам Андоқ қишлоғи бор. Зарафшон воҳасида **андоқ** – “қайир” (пойма) деган маънога эга (А.Р.Муҳаммаджонов).

Аристан – қишлоқ, Томди, Конимех туманлари. Қозоқча **аристан** – арслон, шер демақдир. Ҳозирги Ўзбекистон ҳудудида арслон (туркий) ёки шер (форсча) ёйинки асад (арабча) ҳайвони бўлган эмас.

Варқ – қишлоқ, Кармана тумани. Варқ (варғ) суғдийча «тўғон» демақдир. Самарқанд ва Бухоро атрофларида тўғончиларни варқбон дейишган.

Зармитан – қишлоқ, Қизилтепа тумани. Шу туманда Зармитанча деган қишлоқ ҳам бор. Митан (митон) “манзил”, “истехком”, “қалъа” демакдир.

Кармана – шаҳар, Кармана тумани маркази. Ривоятларда келтирилишича, араблар Бухорога келганларида Карманани кўриб, унинг атрофларидаги ерларнинг унумдорлиги, сувининг сифатига кўра “Арманистонга ўхшар экан, деганлари учун, Ки-Армания”, деб ном олган эмиш. А.Муҳаммаджоновнинг фикрича, Кармана Хармана шаклида талаффуз этилган ва “Катта сарой” маъносини англатган.

Навоий – шаҳар, Навоий вилояти маркази. Буюк ўзбек шоири, мутафаккир, давлат ва жамоат арбоби Алишер Навоий номи билан аталган.

Нурота – шаҳар, Нурота тумани маркази. Шу ердаги тоғ тизмаси ҳам шу ном билан аталган. Рус адабиётида Нурота номи мўғулча **нуру** – “тизма тоғ” ва туркийча **тоғ** сўзларидан олинган деган гаплар учрарди. Аслида Нурота мўғуллар келмасдан анча олдиноқ Нур номи билан маълум бўлган. Тарихчи Наршахий Нур қишлоғи Бухоро шаҳри вужудга келмасдан олдин ҳам бор эди деб ёзган.

Нурота номининг топонимини шу ном билан аталувчи нуроний чолнинг исми билан ҳам аташадилар.

Ўтар – қишлоқ, Томди тумани. Ўтар (баъзан отар дейишади) қўй подаси, сурув (“ўт”, “яйлов” сўзидан) маъноларига эга.

ТАРИХИЙ ЁДГОРЛИКЛАРИ

Абдуллахон банди – вилоят ҳудудидаги қадимги сув омбори ва тўғони. XVI асрнинг 80 йилларида Бухоро ҳукмдори Абдуллахон II (1557–1598 йил) қурдирган. Эски Оқчоб қишлоғи яқинидаги **Бекларсой** дарасида жойлашган. Тўғоннинг узунлиги: асосида – 73 метр, юқорисида - 85 метр, баландлиги эса - 14,5 метр. Тахминан 1,2 млн. кубометр сув тўпланган.

Қосим шайх хонақоҳи – XVI–XX асрларга оид ёдгорлик. Дастлаб дин арбоби Қосим шайх (1571 йилда вафот этган) учун хонақоҳ қурилган. Шайх вафот этгач, ён хонага кўмилган. Даҳма мармарли. Абдуллахон II томонидан XVI асрнинг 80-йилларида хонақоҳ қурдирилган. 1910-йили атрофи девор билан ўралиб, қўшимча бинолар барпо этилган.

Работи Малик – Буюк Ипак йўлидаги энг қадимги ва улкан карвонсарой бўлиб, тахминан 1069–1079 йилларда қурилган. Бухоро – Самарқанд йўлида, Навоий шаҳри яқинида жойлашган.

ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИ ТОПОНИМЛАРИ.

Қашқадарё - дарёнинг номидан олинган. Баъзи олимлар топонимнинг асоси “қашқа” сўзини “қақшамоқ, куриб қолмоқ” деган маънони билдиришини айтади [А.Ишаев].

Қарши - шаҳар номи бўлиб Ўзбекистоннинг энг қадимий шаҳарларидан бири. У Грек-Бактрия давлати давридан мавжуд. Шаҳар XIV асргача Нахшаб деб аталган. Араблар бу маҳаллий номни Насаф деб атаганлар. Чигатой наслидан бўлган Кепакхон [1309- 1326] Қашқадарё водийсига ўрнашган эски Нахшабдан икки фарсах нарида ўзига сарой қурдирган. *Сарой* мўғул тилида *Қарши* деб аталади. Қарши “Шоҳ қалъаси” деган маънони ҳам билдиради.

Китоб -Қашқадарё вилоятидаги шаҳар. Китоб номи тожик тилидан олинган “кифт”- елка, “об” – сув. яъни “елкадаги сув” деган маънони билдирувчи атамадир.

Шахрисабз - Қашқадарё вилоятидаги шаҳар. Бу ном XVI асрда тилга олинади. Унинг қадимги номи Кеш. XV-XVI асрлардаги тарихий манбаларда Хўжа Ахрорнинг вақф хужжатларида ва “Бобурнома” да Кеш ва Шахрисабз ёнма-ён ишлатилади. Шахрисабз - “Кўкаламзор шаҳар” яъни “яшил шаҳар” деган маънони англатади. Амир Темур ва Улуғбек даврларида яна кўпгина бошқа иншоотлар ҳам барпо қилинган.

ҚОРАҚОЛПОҒИСТОН ТОПОНИМЛАРИ

Аёзқала - Беруний тумани ҳудудидаги археологик ёдгорлик. Милоддан аввалги IV-II асрларга оид учта қалъа харобасидан иборат. Бир неча туркий халқлар фольклорининг қаҳрамони **Аёз** номи билан аталган.

Аршан - овул, Кегейли, Чимбой туманлари. Қорақолпоқларнинг манғит қабиласи таркибида аршан уруғи бўлган.

Атававул - овул, Амударё тумани. Атав (атау)-“орол”.

Жеткиншек - овул, Тўрткўл тумани. Жеткиншек қорақолпоқ тилида “ўсмир ёш авлод”, деган маънони билдиради.

Мўйноқ - шаҳар, Мўйноқ тумани маркази. Мўйноқ икки таркибий қисмдан иборат: мўйин-бўйин, оқ - кичрайтириш қўшимчаси. Мўйноқ - “кичик бўйин”, “бўйинча” ёки “ярим орол” деган маъноларга эга.

Нукус - шаҳар, Қорақолпоғистон Республикасининг пойтахти (қорақолпоқчаси - **Нўкис**). **Нукус, нўкис, некуз** деган уруғ бўлган. Ривоятга кўра, Нукус (нўкис) - сургин қилинган тўққизта қизнинг ўғилларидан

тарқалган кишиларнинг авлоди бўлиб, “тўққиз киши” демакдир (тожикча **нўҳ** - тўққиз, **кас** - киши). Бу ривоят, холос. Топонимнинг этимологияси ҳамон номаълум.

Нукус уруғи Нукас (“янги қишлоқ”) деган маънони англатади деювчилар ҳам учрайди.

Орол денгизи - бу гидронимнинг келиб чиқиши ҳақида бир канча фикрлар баён этилган. Хива хони, йирик тарихчи олим Абулғозий Баҳодирхон Амударё денгизига қуйиладиган жойни, дельтани **Орол** деб атаган. Ана шу ерда ороллилар деган элат яшаган. Тадқиқотчи Л.Берг ўзининг “Орол денгизи” асарида (1908 йил) **Орол** ўша ерда яшаган халқ - **ороллилар** номидан келиб чиққан, деб ёзади ва Ричковнинг (1755 йил) “Орол - кўлида орол кўп бўлганидан шундай аталган”, деган фикрини ўртага ташлайди. Чиндан ҳам орол денгизида 300 дан ортиқ ороллар бўлган.

Султон Увайс - Амударёнинг ўнг соҳилидаги тоғлар. Ўрта Осиёда тасаввуф тарғиботига асос солувчилардан бири араб Увайс Қарний номи билан аталган (VII-аср). Султон унвони унга кейинчалик Ўрта Осиё халқлари томонидан берилган. Тизманинг жануби-ғарбий ён бағрида Султон Увайснинг зиёратгоҳ афсонавий қабри бор.

Тарли - Кегейли туманидаги қуруқ ўзан. Қ.Абдумуратов бу топонимни “Тарикли, тарикпоя”, деб изоҳлаган.

Самарқанд вилояти топонимлари

Самарқанд Ўрта Осиёдаги энг қадимий шаҳарлардан биридир. Унинг турли даврларда Афросиёб, Мароканда, Самариана, Сараманка, Саккана, Санманген, Самакиан, Сумрон, Шамаркент, Самаран, Симроят каби номлари бўлган. Шаҳарнинг этимологияси ҳақида бир канча фикрлар баён этилган. Лекин Самарқанд “Семизкент”, яъни Семиз шаҳар, *бой шаҳар* деган маънони билдиради, деган фикр Абу Райҳон Беруний, Маҳмуд Қошғарий, Бобур асарлардагина эмас, балки тарихчи Мирхонднинг “Равзат-ус-сафо”сида, XV асрда Темурийлар саройига келган испан элчиси Р.Гонзалес де Клавихоннинг кундалик дафтарида ҳам қайд қилинган.

Самарқанднинг бунёдга келган вақти ва “Самарқанд” деган сўзнинг келиб чиқиши ҳали батафсил аниқланган эмас. Муаллиф “Самарқанд” сўзининг биринчи қисми яъни “Самара” сўзи шу шаҳарга асос солган, шаҳарни босиб олган кишининг исми билан боғлиқ деган фикрни айтган. Бироқ баъзи олимлар тарихда бундай киши бўлган эмас, деб ҳисоблайдилар. Сўзнинг иккинчи қисми “кент” шаҳар маъносини беради. Бу сўзнинг кант, кан, ган, гой, қант, каби шакллари ҳам мавжуд бўлиб бу сўзлар ҳам шаҳар деган маънони англатади. Баъзи Европа олимлари бу ном қадимдан қолган санскрит тилига яқин, яъни *йигилиш* сўзидан келиб чиққан, деб изоҳлайдилар.

Қадимги (антик) давр муаллифларнинг асарларида шаҳар "Мароканда" деб аталган. Бу ҳақиқатга анча яқин бўлиб, Мароканда Самарқанд сўзининг юнонча айтилишидир. Хулоса қилиб айтганда "Ер юзининг сайқали", "Шарқ Рими" каби эътиборли номлар билан аталиб келинган ва дунё ардоғида бўлган бу шаҳар 2007 йили ўзининг 2750 йиллигини халқаро миқёсда нишонланди.

Жом қишлоғи - Самарқанд вилоятининг Нуробод туманидаги қишлоқнинг номи. Бу сўз форс тилидан олинган бўлиб қадах, металлдан ёки сополдан ясалган идиш демакдир.

Каттакўрғон - Самарқанд вилоятига қарашли шаҳар. Каттакўрғон яқинида қадимги Рабинжон шаҳри қолдиқлари топилди. Рабинжон шаҳрини Х11 асрда Хоразм хони талаб, вайрон қилган. Каттакўрғоннинг эски шаҳар қисми XV11 асрнинг сўнгида вужудга келган. XV111 асрда катта шаҳар ҳисобланган.

Нарпай - вилоятига қарашли туман. 1926 йил ташкил топган. 1939 йил Оқтош посёлкасига кўчирилган. Олдинги маркази Мирбозор эди. Туман ўртасидан Нарпай ариғи оқиб ўтади. Арикнинг эни 25 метр, чуқурлиги 20 метргача боради. У Каттакўрғон сув омборидан бошланиб, Навоий туманигача боради.

Челак - Самарқанд вилояти Пайариқ туманида жойлашган қишлоқ. Унинг номи челакли урғи номидан олинган.

Иштихон - Самарқанд вилояти Иштихон туманининг марказий шаҳри. Ривоятга кўра, Самарқанддан Иштихонгача махсус қувурда оқизилган қимиздан подшо тотиб кўрган эмиш, халқ ўшанда "Қимизни ичди хон, хон ичди", деган эмиш. Шундан буён Иштихон деб аталакан. Иштихон Ўрта Осиёдаги энг қадимий топонимлардан бири. У X асрда каттагина шаҳар бўлган. О.Смирнованинг фикрича Иштихон сўзи сўғдча "саккиз ариқли", "саккиз каналли" маъносини билдиради. Ишт-хашт - саккиз, хон – ариқ, демак, саккиз ариқ деган маънони билдиради.

Афросиёб – Самарқанд шаҳрининг дастлабки номи. Ҳозир археологияга оид кўриқхона ҳисобланади. Сўғдча парсиёв - қорасув тепалиги деган маънони билдиради.

Тарихий ёдгорликлари

Бибихоним масжиди - Ўрта Осиё меъморчилиқ санъатининг мумтоз намунаси, маҳобатли иншоот бўлиб, Амир Темурнинг Ҳиндистонни забт этиши шарафига унинг фармони билан 1399 -1404 йилларда қурилган. Халқ орасида Амир Темурнинг хотини Бибихоним (асли Сароймулкхоним) номи билан машҳур. У Ўрта Осиёдаги энг йирик жомеъ масжид бўлиб, ҳовлиси саҳни 63,8 х 76,0 м. Масжиднинг умумий саҳни эса 167х 109 м. Бурчакларида баланд минора бўлган. Зилзилалар иншоотни емирган. Обидада нафис безак санъати кенг қўлланилган.

Амир Темур макбараси - Гўри Амир номи билан аталувчи бу ноёб мерморчилик ёдгорлиги Самарқандда XIV аср охири XV аср бошларида

Амир Темур фармони билан унинг 1403 йил фожиали ҳалок бўлган набираси Муҳаммад Султон хотирасига қурилган.

Мақбарга Амир Темур қабри, унинг икки набираси (Муҳаммад Султон ва Улуғбек), икки ўғли (Шоҳруҳ ва Мироншоҳ) ва бошқаларнинг қабри қўйилган.

Мақбара дунёдаги энг машҳур меъморчилик дурдоналаридан бири ҳисобланади.

Регистон ансамбли - 1417–1660 йилларда Самарқанднинг Регистон («рег» - форс-тожикча – қум, Регистон - қумли жой, майдон) майдонида қурилган меъморий ёдгорликлар мажмуасидан иборат. Унда Улуғбек, Тиллақори ва Шердор мадрасалари жойлашган.

Улуғбек мадрасаси - Мирзо Улуғбек томонидан 1417 – 1420 йилларда қурдирилган. Бино икки қаватли, тўрт бурчак бўлиб, саҳни - 81 х 56 м. 50 та хужраси бор. Ўрта Осиёдаги энг мукамал ва гўзал мадраса ҳисобланади.

Шердор мадрасаси - Самарқанд ҳокими Ялангтўш Баҳодир томонидан 1619-1636 йилларда қурдирилган. Улуғбек мадрасаси рўпарасида бир ўқ чизиғида жойлашган бўлиб, у ҳам икки қаватли. Пештоқ узунлиги 12,5 м. икки ёнида эса 31м.ли миноралар бор. Мадраса пештоқида Ялангтўш Баҳодирни улуғловчи шер тасвири битилган бўлиб, иншоот шу туфайли Шердор деб номланган.

Тиллақори мадрасаси - Ялангтўш Баҳодир томонидан 1646-1647 йиллари қурдирилган. Мадраса ва Жомеъ масжидга мўлжалланган бу обида Регистон ансамблининг мутаносиб кўринишига эга бўлишини таъминлади. Ҳовлининг ғарбидаги масжид ўз вақтида зарҳал нақшлар билан безатилган (аслида кичик мадраса бўлган бу бино кейинроқ Тиллақори мадрасаси номини олган).

Руҳобод мақбараси - XIV асрнинг 80-йиллари Самарқандда Шайх Бурхониддин Соғаржийга атаб қурилган иншоот. XIX асрда унинг олдида масжид, минора, дарвозахона барпо этилган.

Ёдгорлик Гўри Амир мақбарасининг шимолий қисмида жойлашган.

Ишратхона - Самарқаддаги меъморий ёдгорлик бўлиб, у ҳақда ашарат хона (яъни, арабча ўнта хона) деган фикр ҳам бор. Бу мақбара 1464 йили Султон Абу Саиднинг хотини Ҳабиба Султонбека томонидан бевақт вафот этган қизи Соҳиб Давлатбека шарафига қурилган. Бино Зилзиладан қаттиқ шикастланган. У Шарқ меъморчилигининг янги услуб намуналаридан бири ҳисобланади.

Шоҳизинда ансамбли - XI-XV(XX) асрлар давомида Самарқандда барпо бўлган тарихий ёдгорликлар мажмуасидан иборат. Афросиёб тепалиги жанубида жойлашган қабристондаги мақбаралар, масжид, мадраса, хонақоҳ ва минора каби иншоотларни ўз ичига олган. Уларнинг энг қадимийси Қусам Ибн Аббос (Муҳаммад с.а.в. пайғамбарнинг амакиваччалари Аббоснинг ўғли, Самарқандга 676 йил Ислом дини тарғиботи учин араб истилочилари билан бирга келиб шу ерда ўлдирилган ва дафн этилган) бўлиб халқ орасида Шоҳизинда (форс-тожикча «Тирик шоҳ») номи билан машҳур. XI асрда Тамғоч Буғраҳон мадрасаси қурилган. Кўпчилик қурилиш ишлари XIV-XV асрларда бажарилган бўлиб, бу ерда Туғли Текин мақбараси, Амир Темурнинг синглиси Ширинбека оқа ва опаси Туркан оқа мақбаралари, шунингдек, лашкарбошилардан Амир Бурундук мақбараси бор. Ансамблда жойлашган 20 дан ортиқ иншот халқ санъатининг ноёб дурдонаси сифатида давлат назоратига олинган. 2006 йили бу ерда қайта таъмирлаш ишлари якунланди.

Улуғбек расадхонаси - Мирзо Улуғбек фармони билан 1428-1429 йили Самарқанд шаҳрининг Кўҳак (Чўпонота) тепалигида бунёд этилган. У доира шаклда бўлиб, уч қаватли, баландлиги 30,4 м.дан иборат. 1908 йили археолог В.Вяткин хароба ҳолидаги расадхона қолдиғини тарихий ҳужжатлар асосида излаб топган.

Расадхона ўрта асрларда асбоб-ускунаси жиҳатидан ҳам беқиёс бўлган. Улуғбекнинг машҳур асари “Зижи Кўрагоний” шу ерда ёзилган. Расадхона Улуғбек ўлдирилгандан кейин (1449 йил) вайрон этилган. Ҳозиргачада оз қисми сақланган.

Ҳазрати Хизр масжиди - XIX аср ўрталарида Афросиёбнинг жанубида қурилган бу иншоот афсонавий ўлмас шахс Ҳазрати Хизр номи билан боғлиқ. Бино қадимий масжид пойдевори устида барпо бўлган. Кейинчалик бинога қўшимча айвон (1899 йил), дарвозахона (1919 йил) қурилган. Масжид 1913 йилда (уста Абдуқодир Боқиев раҳбарлигида) ҳамда 2006 йилда давлатимиз раҳнамолигида қайта таъмирланди.

Жиззах вилояти топонимлари

Абуз – қишлоқ, Ғаллаорол тумани. Қўнғирот қабиласи (узлар)нинг бир уруғи **абиз** (авиз) деб аталган.

Айдаркўл – кўл, Фориш тумани. Олдин шўрхок кейинроқ, Чордара сув омборининг суви ва суғоришдан чиққан оқава сувлар тўпланиб, катта кўл ҳосил бўлган. Маҳаллий аҳоли кўпинча тепасида тош уюмли дўнгликни хайдар кокилга ўхшатиб, **айдар** деб келади.

Арнасой – кўл, Арнасой тумани. Хоразмда **арна** катта канал, Жиззах вилоятида – жар маъносига эга.

Аччи – қишлоқ, Зомин тумани. Қишлоқ суви шўр бўлганидан шундай ном олган дейишади (шеваларда **аччиқ** ўрнига **аччи** дейишади).

Бахмал – қишлоқ, Бахмал тумани. Бахмал топоними бошқа ерларда ҳам бор. “Духоба” маъносидаги бахмал сўзига ҳеч алоқаси йўқ. Топонимист Т.Нафасов қовчинларнинг бир уруғи **бахмал** (бақман) деб аталишини ёзади.

Газаикалон – Зомин туманидаги тоғ. **Газа** – “тоғ қирраси”, “тоғ тепаси”, **калон** – “катта” маъноларига эга.

Гумсой – Зомин туманидаги сойлик. Бу ўринда **гум** “чуқур, гир-атрофи баланд” дегани. Ғаллаорол туманидаги **Гумсой** – “чуқур ўзандан оқадиган сой” дегани.

Жиззах – шаҳар, Жиззах вилояти маркази. Ўрта Осиёдаги энг қадимий шаҳарлардан. Биринчи бор араб географлари Ибн Ҳавкал ва Муқаддасий асарларида **Дизак** шаклида тилга олинган: суғдийча **диз** - “қалъа”, “истеҳком”, **-ак** кичрайтириш аффикси (ча).

Сангзор – Бахмал ва Ғаллаорол туманларидаги водий ва дарё. Сангзор “тошлоқ” дегани.

СИРДАРЁ ВИЛОЯТИ ТОПОНИМЛАРИ

Вилоятнинг қисқача топонимик лугати

Боёвут – қишлоқ, Боёвут тумани. Боёвут – қадимги мўғул қабилаларидан бири. Шунингдек, боёвут 92 бовли ўзбек уруғларидан бири сифатида, чунончи, XVI асрдаёқ Мулла Сайфиддин Ахсикандийнинг «Мажму ат-таворих» асарида қайд қилинган. Юз қабиласининг бир уруғи ҳам боёвут деб аталган. Боёвут мўғул тилида «бойлар» демакдир.

Малик – қишлоқ, Сирдарё тумани. Малик номи *чўли малик* – «бепоён чўл», «катта чўл», «султон чўл» каби маъноларни англатган.

Сайхунобод - қишлоқ, Сайхунобод тумани маркази. Сирдарёнинг арабча номи Сайхун сўзидан олинган.

Тўқбой – қишлоқ, Ховос тумани. Тўқбой – Юз қабиласининг бир уруғи номи.

Сурхондарё топонимлари.

Сурхондарё тожик тилидан олинган бўлиб, “**сурх**” - қизил, яъни *қизил дарё* демакдир. Сурхондарё бош оладиган тоғ тизмалари, даралар, тоғ жинсларида қизил ранглар мавжуд. Сув бу жинсларни ўзи билан оқизиб келганлиги сабабли қизил тусли туюлган. Шунинг учун халқ дарёни тожик тилида “Сурхондарё” деб аташган.

Термиз – Грек-Бақтрия давлати даврида Термиз “Таримта” номи билан, Македонскийнинг истилчилик даврида “Александрия” деб аталган. Сомонийлар даврида “Шаҳри сомоний” деб аталган. X асрнинг охирида шаҳар яна Термиз деб аталади.

Бодава – қишлоқ, Денов тумани. Бодхаво – “сершамол ҳаво, “бадхаво – “ҳавоси ёмон“, “ҳавоси ёқимсиз” деганидир.

Бойбўри – қишлоқ, Сурхондарё тумани. “Алпомиш“ достони қаҳрамонларидан бири Бойбўри номи билан боғлиқ.

Денов – шаҳри, Денов тумани маркази. Дастлаб Ш. А. Яздийнинг “Зафарнома“ сида тилга олинган. Бобур замонида Чағониён деб ҳам аталган. Деҳи нав – “янги қишлоқ” дегани.

Обишир – қишлоқ, Шўрчи тумани. Форсча “сутга ўхшаган оқ рангли сув” маъносида. Сутлибулоқ, Сутбулоқ деган жойлар ҳам бор. Обшор эса – шаршара дегани.

Чағониён – Сурхондарё водийсининг ўрта асрлардаги номи. Дастлаб “Худуд ул – олам”да қайд қилинган. Араб географлари асарларида (XI-XII асрлар) Сағониён шаклида учрайди. Сурхондарё водийсининг бош шаҳри ҳам Чағониён (форсча манбаларда) деб аталган. Сағониён шаҳри ҳозирги Денов шаҳри яқинида бўлган.

Тарихий ёдгорликлари.

Саид Оталиқ мадрасаси – Сурхондарё вилоятида жойлашган бу ёдгорлик XVII асрда Саид Оталиқ томонидан қурдирилган. Бош тарзи (қисми) пештоқли, икки қаватли, хужралари бор.

Султон Саодат мажмуаси – X-XVII асрлар давомида қурилган бўлиб, Термизлик саййидлар авлодлари дафн этилган мақбаралар мажмуасидан иборат. Термиз яқинида жойлашган бу ёдгорликка 20 га яқин мақбара кирган.

Жарқўрғон минораси – XII аср бошида қурилган бу меъморий ёдгорлик вилоятнинг Жарқўрғон тумани, Минор қишлоғида жойлашган. 8 қиррали пойдевор устига ярим айлана шаклида 16 қиррала қилиб қурилган. Ҳозирги баландлиги - 21,6 м., диаметри эса - 5,4 м. Уни Сарахслик меъмор Али ибн Муҳаммад 1108-1109 йилларда қурганлиги ёзиб қўйилган.

Қирққиз қалъаси – IX-X асрларга оид Термизда жойлашган бу ёдгорлик илк ўрта асрлардаги бойларнинг шаҳар ташқарисидаги қўрғонсаройи бўлганлиги тахмин қилинади. Хом ғиштдан тикланган бу иншоотнинг тўртбурчагида тўрт минора – буржлари бўлган. Бизга қадар вайрона ҳолида етиб келган.

Зул Кифл мақбараси – Термиз яқинида жойлашган бу ёдгорлик IX-X асрларга оиддир. Унда масжид, гўрхона ва уларга туташ икки хонали бино жойлашган.

Хоразм вилояти топонимлари.

Хоразм ўтмишига доир маълумотлар “Авесто” китобида мил.авв. 1 минг йилликнинг 1 чораги ҳақида қайд этилган. Хоразм Амударё билан Қорақум

ўртасидаги гўзал воҳа ҳисобланиб, қадимий ва кўҳна маданиятга эгаллиги билан эътиборга эга. “Хор” – қуёш, “азм” - ўлка, яъни Хоразм – Қуёшли ўлка деган маънони билдиради.

Амударё – уни юнонлар ҳамда римликлар Оксус ёки Окус, араблар эса Жайхун (телба) деб атаганлар. Дарёнинг ҳозирги номи эса Амуя шаҳри (XV1 аср) номидан олинган, бу шаҳар кейинчалик Амударё деб аталган.

Фарғона водийси топонимлари.

Фарғона водийси Ўзбекистоннинг хушманзара, серҳосил, қадимий ва ҳамиша навқирон ўлкалардан бири. Бу ерда Фарғона, Наманган, Андижон вилоятлари жойлашган.

Андижон вилояти топонимлари.

Андижон - шаҳар, Андижон вилояти маркази. X асрдан бошлаб араб географлари Истахрий, Ибн Ҳавкал, Муқаддасий асарларида ва бошқа манбаларда **Андиян, Андикон, Андукон**, Заҳириддин Бобур асарларида **Андижон** деб ёзилган.

Туркларнинг афсонавий подшоҳи Афросиёб шаҳар қуриб, уни ўзининг кизи номи билан **Одинажон** деб атаган экан. Бошқа бир ривоятга кўра бир хон бу шаҳарда хотини қолиб кетганидан «Анда қолди жоним менинг» деганидан шаҳар шундай аталганмиш. Бошқа бировлар Андижон сўзини **олти жон** – «олти киши» дегани, деб изоҳлайдилар.

А.Муҳаммаджонов фикрича, Андижон топоними “анди” ва “гон, кон ёки жон” сўзлари бирикмасидан юзага келган. Анди – яқин; гон, кон ва жон сўзлари “сув”, “сой” маъноларини англатган. Демак, Андижон топоними “сойга яқин”, “сойбўйи”, “сув ёқаси” маъносига ҳам эга.

Асака - шаҳар, Асака тумани маркази.

Тарихчи А.Муҳаммаджонов Асака аслида Асикал шаклида талаффуз этилиб, ас - туркий уруғ, кал - сув ёки сой демакдир, яъни Аслар сойи деган маънони англатган дейди.

Жигачи - қишлоқ, Андижон тумани. Жига - саллага тақиладиган безак. Жигани аксарият хон ва хонзодалар таққанлар. Жигачи “жига ясовчи усталар яшайдиган қишлоқ” маъносини англатади.

Зулфиқор - қишлоқ. Балиқчи тумани. Зулфиқор халифа Ҳазрати Алининг афсонавий қиличи. Зулфиқор деган исм ҳам бор. Қўқон яқинидаги Зулфиқор қишлоғи Қўқон хони Худоёрхон даврида Зулфиқор исмли кишининг чек ерида пайдо бўлган.

Мусулмонқуларик – Балиқчи туманида Қорадарёдан чиқарилган ариқ. Ариқни 1842-1852 йилларда Қўқон хони Худоёрхоннинг қайнотаси Мусулмонқул қаздирган.

Юзия – қишлоқ, Асака тумани. **Юзия** – “юз” қабиласи вакиллари яшаган қишлоқ ҳисобланади.

Ўлмас – қишлоқ, Балиқчи, Избосган туманлари. Қипчоқларнинг **ўлмас** деган уруғи бўлган.

ТАРИХИЙ ЁДГОРЛИКЛАРИ

Гумбаз мадраса – маҳаллий бойлардан Абдулҳамидхожи буюртмасига биноан 1872 йили Андижонда қурилган. Икки қаватли ҳужралар, масжид ва дарсхоналардан ташкил топган. Ҳозир бош тарзидаги пештоқ гумбазли бино ва икки қаватли ҳужралар сақланган.

Жаҳонобод масжиди - 1912 йили маҳаллий бой Мадалибобо буюртмасига кўра Исабой хожи раҳбарлигида қурилган. Масжид 1989 йилда қайта таъмирланган.

Жомеъ масжиди - Андижонда XIX асрнинг охирларида қурилган. У мадраса, масжид, минорадан иборат бўлиб, миноранинг баландлиги - 32 метр. Бинога бешта дарвоза орқали кирилган.

Наманган топонимлари.

Наманган - Фарғона водийсининг гўзал шаҳарларидан бири. У ҳақидаги илк маълумотлар Бобурнинг “Бобурнома” китобида тилга олинган. Наманган қишлоғи илгари туз конига яқинлигидан “Намак кон” деб аталиши кўпроқ учрайди. Ҳозирда у Республикамизнинг йирик шаҳарларидан бири бўлиб, “Гуллар шаҳри” деган номга ҳам сазовордир.

Ахсикат – Фарғона водийсидаги қадимий шаҳар, Наманган туманидаги Ахси қишлоғи ёнида бўлган.

Ўрта асрларга оид “Худуд ул-олам” асарида “Ахсикат – Фарғона пойтахти, амирлар ва вазирлар қароргоҳи” дейилган. Шаҳар XVI асрдан сўнг харобага айланган. Бу жой эса ҳозир эски Ахси деб аталади. Сўғдшуносларнинг фикрича, Ахсикат (Хшикат) “оқ шаҳар” демакдир.

Бўстон – қишлоқ, Косонсой, Наманган, Уйчи, Учкўрғон, Мингбулоқ туманлари. “Яшнаган боғ”, боғ-роғ маъноларига эга. Дашти Қипчоқ ўзбеклари ва қозоқлар таркибида ҳам бўстон уруғи бўлган.

Косонсой – қишлоқ, Косонсой тумани маркази. Илгарилари Косон деб аталган. Милоднинг бошларида Фарғонадаги Косон шаҳри, яъни Косонсой Фарғонанинг сиёсий маркази эди. VIII аср охири - IX аср бошларида Косон Фарғона подшоларининг пойтахти бўлган. Косон араб географларидан Истахрий, Ибн Ҳавқал, Мукаддасий асарларида қайд қилинган. Косон номи аслида кас (кат) “қишлоқ” сўзидан олинган.

Наманган – Фарғона водийсининг гўзал шаҳарларидан бири. Наманган вилояти маркази. Биринчи марта “Бобурнома”да тилга олинган. Шаҳар номини Намаккон – “туз кони”, номийган – “азиз ва номдор шаҳар”, наманг

– “маржон (кони)” деб изоҳлашган. Аслида “нав+ман+гон” сўзлари бирикмасидан юзага келган. Нав – “янги”, ман- “сарой” ва гон, кон, гон – “сув” ёки “сой” демакдир.

Профессор Ҳ. Ҳасанов гон компонентини “дарё, сув” деб тахмин қилиб, Наманганни “шўрсув”, “минерал сув”, “мойли сув” каби маъноларга ҳам эғалиги ҳақида фикр билдирган.

Ҳозирда Наманган Республикамизнинг йирик шаҳарларидан бири бўлиб, “Туллар шаҳри” деган номга ҳам сазовордир.

Норинкана - қишлоқ, Учқўрғон тумани. Норин дарёси номи билан боғлиқ бўлса керак дейилади.

Норин топонимист Э.М.Мурзаев фикрича, “серқуёш, офтобрўй” деган маънони билдиради. Шу билан бирга норин деган этноним ҳам маълум: ўзбекларнинг лақай, юз қабилалари, шунингдек, Фарғона қипчоқлари таркибида норин уруғи қайд қилинган.

Поп – шаҳар, Поп тумани маркази. Дастлаб қадимги манбаларда боб шаклида тилга олиган. Кейинроқ эса поп деб айтила бошланган. **Боб** – арабча “дарвоза” дегани.

Чортоқ – шаҳар. Чортоқ тумани маркази; тоғ орасида бўлгани учун “чир атрофи (чор атрофи) тоғ” деб ном олган, деган фикр бор. Аслида чортоқ – чор(тўрт) ва тоқ (арк, гумбаз) сўзларидан таркиб топган бўлиб, “тўрт гўшали” деган маънони ҳам англатади.

ТАРИХИЙ ЁДГОРЛИКЛАРИ

Ғойибназар мадрасаси – XIX асрнинг охирларида Наманганда барпо этилган ёдгорлик. Мадрасанинг бош тарзи пештоқли, бурчакларига минора ишланган. Кейинчалик унга қўшимча ишлар бажарилган. Ҳозир эса унда маданият уйи жойлашган.

Сирли масжид - XIX асрга оид Наманганда жойлашган ёдгорлик. Хонақоҳ ва икки томонлама айвондан иборат. Ҳовлисида ҳовуз бор.

Чадок масжиди – XVIII асрга оид вилоятда жойлашган ёдгорлик. Хонақоҳ ва уч томони айвонли. Серҳашам безакланган.

Ота Валихонтўра масжиди – XX аср бошларида меъмор Мулла Қирғиз лойиҳаси ва раҳбарлигида Наманганда қурилган. Дарвозаси пештоқли. Асосий катта хона қобирғали ўлкан гумбаз билан ёпилган.

Мавлонбува мақбараси - 1809 йили Намаганда қурилган. Шоир Мавлонбува қабридан жануброқда жойлашган. Пештоқ, гумбазли зиёратхона бунёд қилинган. Пештоқнинг икки ёнида минора - бурж барпо этилган.

Хожа Амин Мақбараси - XVIII асрга оид Намангандаги меъморий ёдгорлик. Пештоқ ва гумбазли, бир хонали мақбарадан иборат. Унда ўйма сополчаларнинг маҳорт билан ишлатилиши ўзбек меъморчилик мактабида ўзига хос ёрқин саҳифа очган.

Фарғона вилояти топонимлари.

Қўқон - бу сўзнинг этимологияси хақида ҳам турли маълумотлар бор. Академик Кононов Хў сўзи “шамол” маъносида келади ва Қўқон сершамол шаҳар ёки шамол шаҳри, деган маънони беради, деган эди. Ҳозирги Қўқон шаҳри тарихий Хўканд ўрнида XV111 асрда ўзбекларнинг минг уруғи бошлиғи Шохрубий томонидан барпо этилган.

Фарғона – қадимги давр юнон олимлари бу вилоятдан деярли беҳабар қолганлар. Фарғона номининг маъноси шу чоқча аниқланмаган. Бирок тарихчи Гродотнинг ёзишича, қадим замонларда Ўрта Осиёда Парикан номи қабила бўлган. Санскрит тилида Паркана деб кичик вилоятга айтилади. Яна Пари хона, яъни “гўзаллар юрти” деган маъноси ҳам бор. Форсча Паранд[Фаранд] – “шойи”, “ипак” сўзларидан келиб чиққан. Қадимий форс-тожикчада Фарғона Паргона-“тоғ оралиғидаги водий” демакдир. Маҳаллий қабилалар ўз юртларини Фарғона деб атаётганлар.

Акбаробод - қишлоқ, Қува тумани. Қўқон хони Худоёрхоннинг набираси Акбарали номи билан аталган.

Арзиқтапа - қишлоқ, Данғара тумани. Ганчга ўхшаш оқ тупроқ арзиқ дейлади. Арзиқ термини рус адабиётига ҳам кирган. Кўчманчилар таркибида ва манғит қабиласи таркибида арзиқ деган уруғ қайд қилинган.

Бачқир - қишлоқ, Учкўприк тумани. Маҳаллий аҳоли орасида бостириб келган душманни "бос, қир" сўзларидан таркиб топган деган ривоят тарқалган. Асли этноним, ўзбек қипчоқларининг бошқир (бошқирт) деган уруғи бўлган.

Марғилон - шаҳар, дастлаб араб географларидан Муқаддасий асарида, сўнгра, "Бобурнома" да Марғинон шаклида тилга олинган, Марғинот шакли ҳам учрайди. Самарқанд яқинида Марғилонтёпа деган қишлоқ ва ариқ бўлган. Этимологияси аниқ маълум эмас. Ҳар ҳолда Марғ («ўтлоқ», «кўкаламзор») маъносини англатади.

Қува – шаҳар. Дастлаб “Худуд ул-олам”да, сўнгра араб географларидан Истахрий, Ибн Ҳавқал, Муқаддасий асарларида **Қуба** шаклида қайд қилинган. Ўрта асрларда **Қува** алоҳида вилоят пойтахти бўлган ва Фарғонада Аҳсикатдан кейин иккинчи шаҳар ҳисобланган. “Бобурнома”да **Қубо** шаклида тилга олинган. Этимологияси аниқ эмас.

Лекин **қуба** (кува) деган этноним бўлган. Этнограф К.Ш.Шониёзов ўрта асрларда қипчоқлар таркибида мустақил куба (кува) қабиласи бўлган дейди. **Қуба** (кува) - умумтуркий этнонимдир.

Тарихий ёдгорликлари

Худоёрхон саройи – Қўқонда XIX асрнинг иккинчи ярмида қурилган. Дастлаб хон қароргоҳи, кейинроқ сарой аҳли яшайдиган 100 га яқин хона,

заллар ҳамда бир қанча ҳовли бунёд этилган. Ҳозиргача саройнинг шаркидаги дарвозахона, унинг икки ёнидаги хоналар сақланган.

Норбўтабий мадрасаси – XVIII асрда Қўқонда Норбўтабий ҳукмронлиги даврида қурилган. Бир қаватли чортоқ тархли, тўрт бурчагига миноралар ишланган. Пештоқнинг ўнг томонида гумбазли масжид қурилиб, серҳашам безатилган.

Миён Ҳазрат мадрасаси – XVIII асрга оид Қўқон ёдгорлиги бўлиб, кўп ҳовлили. Мадрасага пештоқ гумбазли дарвоза орқали кирилади. Кўп устунли масжид ҳам қурилган.

Камол Қози мадрасаси – XIX асрда Қўқонда қурилган. Пештоқли дарвозага эга. Ҳовли атрофида ҳужралар, масжид ва айвони бор.

Саид Аҳмадхўжа мадрасаси – XIX аср охирида Марғилонда қурилган бўлиб, ҳовлисида ҳужралар, айвонли масжид жойлашган.

Каптарли мажмуаси – XIX асрга оид Марғилон тарихий ёдгорлиги ҳисобланиб унда масжид, минора, мақбара ва унинг ҳовлиси, гумбазли дарвозахона ҳамда тўрт бўлакли каптархона мавжуд. Мажмуада Пир Сиддиқ мақбараси ҳам жойлашган.

Халфа Тилло мажмуаси - XX аср бошларига оид бўлиб, Қўқонда жойлашган. Бу ерда икки ҳовли, ҳовузли боғ, масжид ва Халфа Тилло даҳмаси мавжуд. Даҳма пештоқли, масжид серҳашам безакли қурилган.

Ғиштли масжид - XX аср бошларида Қўқонда пишиқ ғишдан қурилган. Хонақоҳ ва айвондан ташкил топган. Айвони нақшинкор. Ҳозир бу ерда кутубхона жойлашган.

Даҳмаи Шоҳон (Шоҳлар даҳмаси) - XIX асрга оид Қўқон ёдгорлигидир. Бу ерда Норбўтабий ва унинг авлодлари дафн этилган даҳма – сағаналар бор. Масжид айвони нақшли.

Ўлкамизда сайёҳлик (туризм)нинг ривожланиши.

Ўзбекистонда мустақиллик қарор топгач туризм ишлари кенг йўлга қўйила бошланди. Унинг ҳуқуқий ва иқтисодий асослари яратилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1992 йил 27 июлдаги Фармони билан туризм соҳасида Республика ягона сиёсатини амалга оширувчи давлат органи - “Ўзбектуризм” Миллий Компанияси тузилди. Унинг таркибига тармоққа алоқадор давлат ва жамоат ташкилотлари киритилди, ҳудудий бўлимлари ташкил этилди.

Жаҳон Туризм Ташкилоти Бош Ассамблеясининг Бали шаҳрида (Индонезия) 1993 йилда бўлиб ўтган X сессиясида “Ўзбектуризм” Миллий Компанияси унга тўла ҳуқуқли аъзо этиб қабул қилинди.

Ўзбекистонда туристик фаолият билан шуғулланувчи 408 та фирма ва корхона бор. 14 мингдан ортиқ ўринга эга бўлган 168 та меҳмонхона фаолият кўрсатади (2006). Республикага 2005 йилда дунёнинг 117 мамлакатидан 241,9 минг хорижлик турист саёҳатга келди. Ўзбекистон фуқароларидан 380.9 минг киши чет элга туристик саёҳатга чиқди. Шунингдек, мамлакат ички туризмидан 334,1 минг киши фойдаланди.

Мамлакатда “Ўзбектуризм” Миллий Компанияси муассислигида рус ва инглиз тилларида “Туризм Узбекистана” (Tourism of Uzbekistan) журнали нашр этилади ва Компания ўзининг www.Uzbektourism.uz веб сайтига эга.

Ўзбекистон ва халқаро туризм

Бозор муносабатларга ўтиш даврида республикада рўй бераётган чуқур сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар миллий иқтисодиётнинг муҳим ва истиқболли соҳаларидан бири бўлган туризм фаолиятида ҳам ўзифодасини топмоқда.

Ўзбекистон халқаро туризмни ривожлантиришда ўзининг салоҳиятига ва юқори рақобатбардошликни таъминлашда нисбий устунликларга эга бўлган мамлакатлар қаторига киради. Мамлакатимиз Президенти И.А.Каримов: “Ўзбекистон сайру саёҳатни ривожлантириш учун ажойиб имкониятларга эгадир. Самарқанд, Бухоро, Хива каби ўзбек шаҳарлари бутун дунёга машҳур. Республика ҳудудида тўрт мингдан кўпроқ меъморчилик ёдгорликлари бор.... Табиат-иқлим шароитлари қишин-ёзин саёҳатчиларни қабул қилиш имкониятини беради¹”- деб таъкидлаб ўтган эдилар. Туризмнинг асосини ноёб табиий шарт-шароитлар, қадимдан Ўрта Осиёда яшаб ўтган халқларнинг уйғониш давридан бошлаб маданий ва этник меросни ташкил қилувчи кўп сонли тарихий-меморчилик ёдгорликлари, курортлар, дам олиш уйлари, сайр-саёҳат объектлари, миллий парк ва кўриқхоналарнинг замонавий шахобчалари ташкил қилади. Шу билан бир қаторда республикада туризмнинг ҳозирги давридаги ривожланиш даражаси унинг мавжуд салоҳиятидан самарали фойдаланиш имкониятини бермайди.

Халқаро ва “Ўзбектуризм” Миллий Компанияси экспертларининг баҳолашича бугунги кунда мамлакатимиз туристик салоҳиятининг 12-15 фоизидан фойдаланилмоқда, холос.

Юқоридагиларни назарда тутиб, Республикамиз Президенти И.А.Каримов туризм соҳасини ривожлантириш ва унинг имкониятларидан самарали фойдаланиш долзарб вазифалардан бири эканлигини алоҳида таъкидлайдилар: “Туризм содда қилиб айтганда дунёни тушуниб, дунёни англаш, шу билан бирга дунё сахнига чиқиш демакдир.... Тошкент, Самарқанд, Бухоро ва Хива каби шаҳарларимизнинг 2500-3000 йиллик тарихи бор. Бу жуда катта маънавий бойлик. Уни сайёҳликни ривожлантириш йўли билан моддий бойликка айлантириш мумкин”.²

Ривожланган мамлакатларда туризмдан олинадиган валюта тушумлари бутун экспорт ҳажмининг 10-35% ни ташкил қилади. Туризм соҳаси учун жадал ривожланиш хос бўлиб, қатор мамлакатларда йиллик ўсиш суръатлари юқорилиги (24% гача) билан тавсифланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг сўнгги йилларида туризмга оид эълон қилинган фармонлари ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари

¹ Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мавкура.Т.1.-Т.: Ўзбекистон, 1996,252-б.

² Каримов И.А. Бунёдкорлик йўлида. Т.4.-Т.: Ўзбекистон, 1996. 282-283-б.

миллатлараро алоқаларни кенгайтириш ва мустаҳкамлаш, халқаро туристик бозорга интеграциялашиш, Ўзбекистоннинг маданий-тарихий ва маънавий меросини жаҳон ҳамжамиятига тарғиб қилиш ҳамда сайёҳларга хизмат кўрсатиш сифатини жаҳон андозалари даражасига етказишга қаратилган тадбирларни ўз ичига олади. Бу қонуний ҳужжатлар Республикада туризм соҳаси ва унинг инфратузилмасини ривожлантириш бўйича кўпгина тадбирлар билан бирга қатор муаммолар ечимларини ҳам кўзда тутди. Туризм соҳасининг рақобатбардошлигини оширишни таъминлайдиган шарт-шароитларни яратишда давлатнинг ролини ошириш, туризм ривожланишнинг жаҳон амалиётида жамланган илғор тажрибасини, усуллари ва воситаларини миллий иқтисодиётимизга жорий қилиш шулар жумласидандир.

Ҳозирги даврда республикамызда миллий туризмнинг барқарор ривожланиш муаммоларини ҳал қилишнинг назарий, услубий ва амалий ёндашувларини ишлаб чиқиш, туристик маҳсулотлар бозорини шакллантириш, мазкур соҳа фаолиятини тартибга солишнинг иқтисодий усуллари ва уни бошқаришнинг ташкилий тузилмаларини, туризмни ривожлантиришнинг иқтисодий механизмини такомиллаштириш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Халқаро туризм инсонларнинг ўлкалар билан танишиш, завқланиш, дам олиш, бўш вақтини самарали ўтказиш, соғлиғини тиклаш, дунё спорт мусобақаларида қатнашиш, маънавий дунёсини бойитиш каби ишларга эҳтиёжининг ортиб бориши, бошқа халқларнинг урф-одати ва турмуш тарзини билиш учун интилишида алоҳида ўрин эгаллайди.

Шуни таъкидлашимиз жоизки, ўтмишга назар соладиган бўлсак, инсоният ҳар доим маконда ўзининг ҳаракат доирасини ўзгартириб, янги-янги ерларни кашф қилган, турмуш-тарзини бойитган ва ижтимоий муносабатларнинг янада ривожланиши, такомиллашиши учун интилган. Бу эса шахсни шаклланиши ва камол топишига ижобий таъсир кўрсатиб, бунда туризм, айниқса унинг халқаро йўналиши ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлган. Халқаро туризм жуда кўп қиррали бўлиб, унинг таркибий қисмлари бўлган меҳмонхона, овқатланиш, транспорт, савдо, дам олиш ва сайр қилиш жойлари ва бошқа кўплаб соҳалар, жараёнлар бир-бири билан узвий боғланади ва ҳаракатга келади.

Жаҳон иқтисодиётида халқаро туризмнинг роли ва аҳамияти йилдан-йилга ортиб бориб, у жаҳондаги энг кўп даромад келтирадиган асосий соҳалардан бирига айланиб бормоқда.

Сўнгги йилларда глобаллашув ва халқаро инеграция жараёнларининг чуқурлашуви туризм ривожланишига ижобий таъсир кўрсатмоқда. XX асрнинг сўнгги чорагида жаҳон иқтисодиёти ва халқаро иқтисодий муносабатларда юз берган туб ўзгаришлар натижасида мамлакатлар ўртасида савдо-иқтисодий, илмий-техникавий ва маданий алоқалар сезиларли даражада фаоллашди. Жаҳоннинг турли мамлакатларида иқтисодий тараққиётнинг юксалиши кишиларнинг турли мақсадларда бир мамлакатдан иккинчисига қатнаб туриш кўламининг кенгайишини тақозо этади. Бу эса

туризмни миллий иқтисодиётининг энг истиқболли тармоқларидан бирига айлантирмоқда.

Бутунжаҳон туристик ташкилоти (БТТ) маълумотларига кўра бугунги кунда жаҳон ялпи миллий маҳсулотининг 11 фоизи, инвестицияларни 10 фоизи, жаҳон истеъмол харажатларининг 11 фоизи, солиқ тушумларининг 5 фоизи туризм соҳаси ҳиссасига тўғри келади. XX аср 90-йилларининг бошларидан ҳозирги кунга қадар мазкур соҳага киритилган инвестицияларни ўртача йиллик ўсиш суръати 30 фоизни ташкил этди. Ҳозирги вақтда ҳар 16 иш ўрнидан бири туризм тармоғи зиммасига тўғри келади.

Жаҳон экспортида туризм нефть ва нефть маҳсулотлари ҳамда автомобиллар экспортидан сўнг учинчи ўринни эгаллайди.

Туризм тараққиёти учун қилинадиган сарф-харажатлар бошқа соҳаларга қилинадиган сарф-харажатларга қараганда ўзини тезроқ оқлайди. Шу билан бирга туризм иқтисодиётнинг ўзига хос ва муҳим тармоғи ёки даромад манбаигина эмас, балки мамлакатлар ўртасидаги ташқи сиёсий алоқаларни ҳар томонлама ривож топтириш, дўстона муносабатларни яхшилаш, турли мамлакатлар ва халқлар маданияти, санъати, анъанавий урф-одатлари билан яқиндан танишиш имконини беради.

Бутун жаҳонда тез суръатлар билан ривож топаётган туризм яқин келажакда кўрсатиладиган хизмат соҳалари орасида энг олдинги ўринга чиқиб олиши мумкин. Ҳозирнинг ўзида жаҳон миқёсида шундай мамлакатлар борки, улар асосан туризмни ривожлантириш ҳисобига яшайди, раванқ топади, бойийди. Айрим мамлакатларда туризм ривожланишидан тушадиган даромад мамлакат миллий даромадининг деярли ярмини ташкил этади. Масалан, туризмдан тушган даромад эвазига Андорра, Лихтенштейн, Монако, Сан-Марино сингари митти давлатлар ўзини зарур ноз-неъматлар билан таъминлабгина қолмай, балки бойлик орттирмоқда. Бундай мамлакатларда туризм иқтисодиёт негизи ҳисобланиб, миллий даромаднинг 20 фоизидан 50 фоизигача бўлган миқдордаги сармояни бера олади.

Халқаро туризмни ривожлантириш борасида Австрия, Германия, Швецария, Скандинавия мамлакатлари катта тажрибага эга. Кейинги йилларда бу муҳим соҳада Хитой, Малайзия, Исроил, Туркия каби мамлакатлар ҳам улкан ишларни амалга оширмоқда.

Ўзбекистон туризм соҳасини ҳар томонлама ривожлантириш учун қатор имкониятларга эгаки, ўзининг қулай географик ўрни, жаннатнамо табиий шароити туфайли жаҳон маданиятида ўзига хос ўрин эгаллайди ҳамда ноёб меъморчилик ёдгорликлари билан қатор мамлакатлар билан беллаша олади. Шунингдек, шириндан-ширин ҳўл мевалари, қовун-тарвузлари, хилма-хил ўзига хос миллий таомлари ва ниҳоят гўзал анъаналари, урф-одатлар, очик юз ва меҳмондўст халқи билан бутун дунё аҳлининг эътиборини ўзига тортади.

Ўзбекистонда халқаро туризм ривожи ҳақида Осиё бўйича жаҳон туризми ташкилотининг минтақавий вакили Хариш Варманнинг қуйдаги сўзларини эслатиб ўтиш ўринлидир: “Тошкент ва умуман Ўзбекистон, - дейди у, - менда катта таассурот қолдирди. Ўзбекистон ва унинг қадимий шаҳарлари

туризмни ривожлантириш учун улкан имкониятларга эга эканлиги кўзга ташланади. Халқнинг бой маданияти, кўп асрлик тарихи, археологик объектлар, архитектура ёдгорликлари, жозибали табиат ва энг муҳими - илиқ, дўстона меҳмоннавоз муҳити кишини лол қолдиради. Буларнинг бари сайёҳларнинг бу ёққа келиши учун асос бўлиб хизмат қилади”.

ЎЛКАШУНОСЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА АРХИВУНОСЛИКНИНГ ЎРНИ.

Архивларда ташкилотлар, муассалар, корхоналар, жамоа ва давлат хўжаликларининг, айрим шахсларининг кўп йиллик фаолияти ҳақидаги маълумотлар, ҳужжатлар сақланади. Ўлка тарихини ўрганишда бу ҳужжатларнинг аҳамияти каттадир. Архив ҳужжатларини қидириб топиш, улар устида ишлаш ва олинган маълумотларни ҳаётга тадбиқ этиш мураккаб иш.

Ҳозирги кунда Ўзбекистон Республикаси раҳбарияти ана шу ҳужжатларни ҳар томонлама ўрганиб, тарих, инсон ва жамият дарсларида фойдаланиш ва ёшларни шу йўл билан ҳар томонлама гармоник ривожланган қилиб етиштириш вазифасини юкламоқда.

Шунинг учун ҳам Ўзбекистон тарихини ўқитишда ўлка материалларидан ва унинг асосий манбаларидан бири бўлган архив ҳужжатларидан фойдаланиш услубияти билан шуғулланиш муҳим аҳамиятга эга.

Архив материаллари мактаб ва олий ўқув юртларида жонажон Ватанимиз тарихидан ўқиладиган маъруза ва амалий машғулотларда асосий омил бўлиб хизмат қилади ва мактаб ўлкашунослик музейини ташкил қилишда ёрдам беради.

Архив ҳужжатлари ёзма ва оғзаки шаклда бўлиши мумкин. Оғзаки тарихий ҳужжатлар ҳар хил техника воситалари билан ёзиб ёки тасвирлаб олинади. Ҳужжатлар махсус жойларда, яъни архивларда соҳаларга ажартилган хронологик саналарга, қиммати ва аҳамиятига қараб, тартибга солинган ҳолда сақланади.

Архившунослик ишлари ҳам фақат 1917 йилдан кейин ўз раванқини топди. 20-йиллардан бошлаб архив ишларига катта эътибор берилди. Ҳужжатларни сақлаш ва улардан ҳар томонлама фойдаланиш мақсадида Халқ Комиссарлари советининг 1918 йил 1-июнда “Архив ишини қайта қуриш ва марказлаштириш ҳақида” деб номланган декретига асосан Москвада Давлат архив фонди ташкил этилди.

Ҳозирги вақтда ДАФ таркибига тўнтаришгача бўлган давр, тўнтаришдан кейинги барча ташкилотларнинг фаолияти, муассасалар ва айрим шахслар, шунингдек тарихий ёзма ёдгорликлар, ҳуқуқ, санъат, адабиёт ва Ҳамдўстлик давлатлари халқларининг маиший, маънавий маданияти, кинофото ҳужжат фондлари, кинофильм негативлари, фотосуратлар, граммафон, патифон пластинкалари ва ёзиб олинган овоз материаллари, илмий тарихий ва амалий аҳамиятга эга бўлган бошқа нарсалар: иллюстрациялар, қўлёзма негативлар,

шунингдек, тарғибот ва ташвиқот мақсадида нашр қилинган плакатлар, варақалар, эълонлар ва бошқалар, микрофото ҳужжатлари киритилган.

Партия архивида сақланаётган партия ва комсомол ташкилотларининг ҳужжатлари ДАФ таркибига кирмайди.

Марказий ДАФ қатъий илмий асосда ташкил қилинган бўлиб, халқ хўжалиги, илмий татқиқот ва илмий маърифий ишларига доир ҳужжатлардан аниқ ва тез фойдаланиш имконини беради. ДАФни бошқариш Давлат Архиви Бош бошқармаси (ДАББ)га топширилган. ДАББ ва унинг жойлардаги органларига бир қатор йирик Давлат тарихий архивлари қарайди. Булар қуйидаги Ҳамдўстлик мамлакатлари миқёсидаги архивлар: Москвадаги қадимги ҳужжатларни сақлайдиган Марказий Давлат архиви, Санкт-Петербургдаги Марказий Тарих архиви, Москвадаги Марказий Ҳарбий-тарихий архив, Санкт-Петербургдаги Марказий Ҳарбий-денгиз флоти Давлат архиви, Олий давлат органлари ва Бош бошқармасининг архиви, Москвадаги Марказий халқ хўжалиги Давлат архиви, Марказий Армия архиви, Марказий Адабиёт ва санъат архиви, Марказий Давлат Кинофото ҳужжатлари архиви ва 50 та Республика Марказий давлат архивлари, 130та вилоят ва ўлка давлат архивлари ва 2000 га яқин шаҳар ва туман давлат архивлари ҳам Давлат архивлари Бош бошқармасига қарар эди. Бундан ташқари, ҳар бир вилоят марказида ўша вилоятнинг фаолиятига оид тарихий ҳужжатларни сақлайдиган вилоят давлат архивлари бор.

Тошкентдаги Ўзбекистон Республикаси Марказий Давлат архиви (ЎЗРМДА) ўзида сақланаётган қимматбаҳо ҳужжатларнинг сони ва моҳияти жиҳатидан Ўрта Осиё Республикалари марказий давлат архивлари ичида энг йиригидир. Унда X111-X1V асрлардан ва айниқса, X1X асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб, то ҳозирги кунимизгача бўлган жуда кўп сонли ҳужжатлар сақланмоқда. Туркистон Генерал губернаторлигига қарашли, ҳозирги Ўзбекистон, Туркманистон, Тожикистон, Қирғизистон ва қисман Қозғистон Республикалари ҳудудидаги вилоятлар, уездлар, волостлар, муассаса ва корхона ҳамда ташкилотларнинг тарихий фаолиятига доир барча ҳужжатлар мана шу марказий архивда мужассамлаштирилган.

Бу ҳужжатлардаги Туркистонда Чор ҳукуматининг олиб борган мустамлакачилик сиёсати, рус халқи билан Ўрта Осиё, шу жумладан ўзбек халқининг маданий алоқалари, Чор буржуа аппарати ва ташкилотларнинг бекор қилиниши ҳақидаги хилма-хил ва бой материаллар Ўрта Осиё халқлари тарихини ҳар томонлама чуқур ўрганишда бебаҳо дурдона бўлиб хизмат қилади. Туркистон ўлкасидаги Чор ҳукуматининг маъмурий ташкилотлари фаолиятига доир ҳужжатлар тўлалигича сақланган. Бу ҳужжатларнинг кўпчилиги Чоризмнинг Туркистондаги мустамлакачилик сиёсати оид бўлиб, унда маҳаллий аҳолининг аянчли аҳволи, чоризмнинг шавқатсиз зулми, чоризм амалдорларининг ҳатти-ҳаракатлари чоризм ва унинг малайларига қарши халқнинг кўзғалиши, жойларда халқ оммасининг миллий озодлик учун олиб борган курашлари, сувсизлик, қурғоқчилик, қашшоқлик ва ҳуқуқсизликка қарши курашларига оиддир. Архив ҳужжатлари ўша даврда ҳам тартибли тарзда сақланган.

Ўрта Осиё хонликлари, диний бошқармалари фаолиятига доир ҳужжатлар деярли йўқ бўлиб кетган, айрим мавжуд материаллар эса ўлканинг Россиянинг босиб олиши жараёнидаги ҳарбий тўқнашувлар даврида йўқ қилиб юборилган.

Академик В.В.Бартольднинг сўзларига қараганда, босиб олинган жойлардаги хонликларнинг кутубхоналари ва архив ҳужжатларини сақлаб қолиш учун ҳеч қандай чора - тадбир кўрилмаган. Умуман, улар Ўрта Осиё халқларининг маданияти ва тарихий ёдгорликларни сақлаб қолишга етарли аҳамият беришмаган. Умуман 1917 йилгача архив ишлари яхши ишга қўйилмаган. Ундан кейин сақланиб қолган ҳужжатлар эса Ўзбекистон марказий давлат архивининг махсус бўлимларида сақланиб келинмоқда. 1948 йилги нашр қилинган эски архив фондлари учун тузилган ҳужжатлар кўрсаткичи 8 бўлимдан иборат.

Кўрсаткичга илова сифатида 8 бўлимда географик ва шахсий кўрсаткичлар, шарқ тилларидаги айрим сўз ва терминларга изохлар ҳам берилган.

Ўзбекистон Марказий давлат архивида сақланаётган бу бебаҳо ҳужжатлар XIX асрнинг иккинчи ярмидан то XX асрнинг бошларигача бўлган Ўрта Осиё, шу жумладан, ўзбек халқлари тарихини ўрганишда катта манба бўлиб хизмат қилади.

Архив ишлари, уни тартибга солиш ва ривожлантириш фақат 20-йиллардан кейингина тўлиқ амалга оширила бошланди. Дастлабки кунлардан бошлаб архив ишларини тартибга солиш ва қайта қуриш тадбирларини амалга оширилади. 1928 йил 1 июнда собиқ Совет ҳукуматининг “РСФСРда архив ишларининг қайта қуриш ва марказлаштириш тўғрисида” деб чиқарган Декретари асосида Туркистон АССРда, сўнг Ўзбекистон ССРда ҳам архив ишлари қайта кўриб чиқилди ва марказлаштирилди.

1931 йил 20 майда Ўзбекистон Марказий Ижроия Қўмитасининг қарорига асосан Ўзбекистон ССР Марказий давлат архиви ташкил этилди. Ўша пайтгача 20-30 йилларга доир ҳужжатлар Ўзбекистон ССР Марказий архиви ишлари бошқармасининг ҳар хил секцияларида сақланиб келинар эди.

Тарих ва маданият, юридик ва иқтисодий бўлимлардаги 122 та фонддаги 188 710 та [сақл. бирл.] иш ёки ҳужжат 1926 йилга қадар архив ишлари бошқармасининг 3 секциясида сақланиб келди.

1924 йили Ўрта Осиёда миллий давлат чегараланиши ўтказилиши муносабати билан Туркистон АССР, Бухоро ва Хоразм Совет халқ республикалари тугатилиб, уларнинг ўрнида Ўзбекистон ССР ташкил топгач, соҳа архивларидаги барча ҳужжатлар Ўзбекистон Марказий Давлат архивига топширилди ва архив фондлари шу ҳужжат ҳисобига бойиди. Шундан сўнг Республиканинг барча ташкилотларидаги ҳужжатлар мунтазам равишда Марказий архивга кела бошлади.

Министлар советининг 1958 йил 20 ноябрдаги 750 сонли қарорига асосан Марказий давлат архиви қайта тузилиб, унинг фондлари асосида ўлкани индустрлаш бўлими ташкил қилинади. 1959 йилнинг 1 январига келиб бу бўлимдаги фондлар сони 1527 тага ва ундаги ҳужжатлар сони 503604 тага

етди. Бу эса Ўзбекистонда архив ишларининг нихоятда ривожланиб кетаётганлигидан дарак берарди. Ҳозирги кунда жуда кўп сонли ҳужжатлар тартибга солинган, чиройли қилиб тематика асосида батартиб тахлаб қўйилган. Ҳар бир фонддан ҳеч қийналмай фойдаланиш мумкин бўлган кўрсаткичлар ҳар бир мутахассислик бўйича махсус систематик каталоглар тузиб чиқилган. Ҳар бир фондга таърифлар берилган. Хуллас, архивда сақланаётган жуда кўп ва турли туман соҳаларга тармоқларга бўлинган бу ҳужжатлардан кераклигини осонгина топиб фойдаланиш имконияти яратилган. Бу бўлимда Туркистон АССР, Бухоро ва Хоразм Халқ республикалари ва Ўзбекистон ССР нинг ташкил топган даврдан бошлаб то ҳозирги кунгача бўлган давлат, жамоат ва кооператив муассасалари, Республика аҳамиятига молик бўлган ташкилотлар: суд ва прокуратура органлари, илмий-тадқиқот, ўқув-суд органлари, илмий-тадқиқот, ўқув-тарбия, маданий-маиший, маърифат ва маориф, касаба уюшма ва жамоат ташкилотлари ҳамда айрим шахсий фондлар ҳам мавжуд. Бу ҳужжатлар 1917 йил феврал ойидан то ҳозирги кунгача бўлган даврни ўз ичига олади.

Марказий архив фондларидан жой олган бу ҳужжатлар фақат ўзбек халқининг тарихигина эмас, балки туркман, тожик, қирғиз, қozoқ ва бошқа қардош халқлар тарихини ҳам чуқур ва ҳар томонлама ўрганишда катта аҳамиятга эгадир.

Ўзбекистон Марказий давлат архив фондларида ҳам тадқиқотчиларнинг кўли тегмаган Туркистон халқларининг 1918 – 1920 – йилларда олиб бorgan миллий озодлик ва эрк учун курашлари, Туркистон советлар ҳукуматининг Туркистон мухториятининг тан олмаганлиги, уни ағдариб ташлагани, йўқ қилганлиги, миллий мустақиллик учун кураш олиб бorgan Қўқон, Андижон, Марғилон, Наманган каби шаҳарлар аҳолисининг шўролар томонидан шавқатсизлик билан қирилганлиги, миллий сиёсатни амалга оширишда советлар ҳукуматининг йўл қўйган хатолари натижасида биргина Фарғона водийсида 180 дан ортиқ шаҳарларнинг шавқатсизлик билан йўқ қилиб юборилганлиги ҳақида жуда қимматбаҳо ҳужжатлар мавжуд.

Ўзбекистон Марказий архиви Чилонзор кўчасидаги 4 қаватли ҳашаматли бинода жойлашган. Бу бино архив ҳужжатларини сақлашга мослаб қурилган. Унинг архив ҳужжатлари сақланаётган хоналаридан тортиб, то ўқув залигача ҳозирги замон талабига жавоб берадиган қилиб жиҳозланган. У ерда архив ишини яхши биладиган малакали ходимлар ишлашади, қандай материал сўрасангиз айтган вақтингизда муҳайё қилишади. Унинг ўқув зали билимга ташна бўлган одамлар билан ҳар доим тўла.

Архив ҳужжатлари асосида жуда кўп илмий ишлар қилинди. Ҳозирги кунга қадар шу материаллар асосида 200 дан ортиқ диссертациялар ёқланган.

Ўзбекистон Фанлар Академияси Тарих ва археология институти илмий ходимлари 4 жилдлик “Ўзбекистон ССР халқлари тарихи”ни архив ҳужжатлари асосида яратдилар. “Ўзбекистон халқлари тарихи”нинг уч жилдлигини яратишда ҳам архив ҳужжатларидан кенг фойдаландилар. Нашрдан чиққан бошқа кўпгина йирик илмий ишлар ҳам шу архив ҳужжатларидан фойдаланилган ҳолда майдонга келди. Ўтган даврда ўзбек

халқи эришган ютуқ ва камчиликлар ҳақида маълумотлар олишда архив материалларидан жуда кўп фойдаланилди ва йирик илмий тадқиқот ишлар қилинди.

Архив ҳужжатларидан фойдаланиш ва ўрганишга бўлган қизиқиш кундан кунга ортиб бормокда. Ҳозирги кунларда педагогика олий ўқув юртлари институтларининг тарих факултетларига “Ўлкашунослик” курсининг киритилиши талабаларнинг архив ҳужжатларини ўрганишга бўлган қизиқишини янада кучайтиради. Кўпгина талабалар ўзларининг курс ишлари ва диплом ишларини мана шу архив материаллари асосида ёзмоқдалар.

Архив ҳужжатларидан фойдаланишни осонлаштириш мақсадида “кўрсаткич”лар нашр қилинган бўлиб, булар эса архивда сақланаётган фондларнинг маъно-мазмунларини очиб беради, ҳужжатларни ўрганувчиларга қулайлик туғдиради. Кўрсаткич 8 бўлимдан иборат бўлиб, улар тармоқлар ва соҳаларга мослаштирилган. Ҳар бир бўлим ва бобларда воқеалар тартиб билан тавсифланган ва изйил хронологияга асосланган. Кўрсаткичда айрим фондларнинг илмий жиҳатдан муҳимлигини акс эттирувчи индивидуал тавсифлар ҳам берилган. Ҳар бир индивидуал тавсифнома 4 қисмдан, яъни фонднинг номи, фонд ҳақида справка-маълумотлар, фонднинг ташкил қилинган вақти ва материалларнинг саҳифалари, фонд материали ҳақида аннотация қисмлардан иборат. Маълумотномада фонднинг рақами, фонди, сақланаётган ишнинг ҳажми, ҳужжат ёзилган йил, илмий ахборот аппаратларининг ҳаммаси кўрсаткичга киритилган. Аннотациялар фонд материалларининг асл моҳиятини, қисқача мазмунини, фаоллигини очиб беради.

Ўзбекистон Республикаси Марказий Давлат архивининг “Туркистон АССРнинг ташкил топиши” номли бўлимидаги фондларни шу давр учун нашр қилинган кўрсаткичлар бўйича кўриб ва танишиб чиқиш мумкин.

Кўрсаткичнинг биринчи бўлими “Туркистон ҳудудида муваққат ҳукуматнинг тузилиши ва ишчи солдат депутатлари совети” деб номланган. Бундан ҳужжат ва Туркистон ўлка солдат ва ишчи депутатлари совети ҳақидаги ҳужжатлар сақланмоқда.

Ўлкашуносликнинг асосий манбаларидан бири ҳисобланган архившунослик Ватан тарихини, шу жумладан ўз ўлка тарихини ҳар томонлама ва чуқур ўрганишда талабаларга катта ёрдам беради.

Шуни таъкидлаб ўтиш керакки, Республикамизнинг ҳамма туманларида ва вилоятларида туман ва вилоят архивлари мавжуд. Туман архивлари ўз қўл остидаги барча муассаса ва ташкилотлардаги Давлат аҳамиятига эга бўлган ҳужжатларни йиғиб олади ва маълум муддатдан сўнг уларни вилоят давлат архивларига, улар эса ўз соҳа ва тармоқлари бўйича Республика архивлари ёки бошқарма ё вазирликларга улар ҳам ўз навбатида бир қанча муддат сақлаганларидан сўнг марказий давлат архивининг қонун қоидаларига риоя қилган ҳолда ҳужжатларни тайёрлаб, сўнг Марказий давлат архивига топширади. Ўзбекистон Марказий давлат архивидаги ҳужжатлар ўз аҳамиятига қараб бир умр ёки бир неча йил сақланади ёки акт қилиб ёқиб ташланади.

Бундан ташқари, Тошкентда Республика партия ташкилотлари, яъни туман, вилоят, Республика партия ташкилотларининг ҳам махсус архивлари мавжуд. Бу архивларда бошланғич партия ташкилоти ҳужжатлари сақланади. Бу архивлардан ташқари яна бир неча тармоқларни ўз ичига олган архивлар бор.

Архив ҳужжатлари ҳар бир дарснинг ғоявий, сиёсий томонларини далилий материаллар билан асослайди, унинг таълимий ва тарбиявий аҳамиятини оширади, ёш авлодни эса ватанпарварлик руҳида тарбиялашга хизмат қилади ҳамда аجدодларимиз меросини ўрганишга бўлган қизиқишини таъминлайди.

Ўлкашуносликда музей экспонантлари ва ўлкашунослик тўғараклари.

Музейларни тарих кўзгусига қиёслашади. Шу туфайли ўлкашунослик манбалари орасида ҳақиқий илмий ва маданий-маърифий муассасага айланиб қолган музейнинг ўрни ва аҳамияти каттадир. У моддий ва маънавий маданият ёдгорликларнинг асл нушаларини, археология, этнография, топонимикага оид материалларни тўплайди, сақлайди ва илмий асосида ўрганиб таҳлил қилади, натижаларини эса экспозиция сифатида оммалаштиради.

Йиғилган ва музейда сақланаётган барча материаллар музейнинг илмий базасини ташкил этади ва унинг фаолиятида асос бўлиб хизмат қилади. Мана шу манбалар асосида музейлар илмий тадқиқот ва илмий ҳамда маданий-маърифий таълим-тарбия ишларини олиб боради.

Ўзбекистон тарихи Давлат музейи ўтмиши ҳақида бир неча сўз.

Ўзбекистон тарихи Давлат музейи Туркистоннинг машҳур олимлари ва жамоат арбобларининг ҳаракати билан ва бевосита раҳбарлиги ҳамда ёрдамида 1876 йилда ташкил этилган. Ўзбекистон ва умуман бутун Туркистон ёдгорликлари кўпдан буён олимларнинг диққатини ўзига жалб қилиб келарди. XIX аср давомида осори атиқалар устида археологик кузатишлар, қидирув ишлари олиб борилди. Бу соҳада П.И.Лерх, Н.И. Веселовский, В.А. Жуковский, Е.Т.Смирновлар тўплаган материаллар Ўзбекистоннинг қадимий ёдгорликларини исобга олиш, таърифлаш ва текшириш илмий муассасалари: рус археология жамияти Шарқ бўлими, шунингдек, 1903 йил апрелда ташкил қилинган Ўрта ва Шарқий Осиё тарихий, археология, лингвистика ва этнография жамиятларининг қимматбаҳо материаллари ҳамда рус ҳаваскор коллекциячилари: Баршчевский, Вяткин, Добросмыслов, Калстальский, Комаров, Петров-Борзна, Пасловский, Столяров, Терентьев, Трофимов ва бошқалар тўплаган кўпдан кўп ажойиб материаллар бу музейнинг асосий фондларини ташкил этади.

Музейни ташкил қилишда А.П.Федченко фаол иштирок этган. У табиёт антропология ва этнографияга оид бўлган кўпгина материалларни тўплаган. Бу материаллар дастлабки экспонат сифатида музейга қўйилган.

Федченко вафотидан сўнг бу ишга Н.А.Северцов, И.В.Мушкетов, В.Ф.Ошанин каби машҳур рус олимлари катта ҳисса қўшдилар. Бу борада биринчи маҳаллий археологлардан Ақром полвон Асқаровнинг хизматлари ҳам каттадир. Ақром полвон ўзи тўплаган жуда кўп ёдгорликлар - фақат танга-чақалардан иборат 15 мингдан ортиқроқ бўлган миқдордаги коллекцияни мана шу музейга топширган ва унинг фондларини анча бойитган.

Умуман бу музейнинг очилиши ва унинг фаолияти ўлканинг маданий ҳаётида муҳим воқеа бўлди. Музей экспонатлари халқаро кўргазмаларда намойиш қилинди, унда тузилган каталоглар эса ҳозирча ўз аҳамиятини йўқотган эмас.

Асримизнинг бошларида, яъни 20-йиллардан кейин бу музей ҳақиқий илмий ва маданий-маърифий муассаса бўлиб қолди. Музей жамоаси Ўзбекистон халқларининг қадим замонлардан буёнги тарихини ўрганиш юзасидан илмий текшириш ишларини олиб борилмоқда. Музей фондлари этнографик илмий сафарларнинг материаллари билан доимий равишда бойитилмоқда.

Ҳозирги вақтда музейда 40 мингдан ортиқ археологияга оид экспонатлар, 44 минг қадимги пул нусхалари, 10 мингдан ортиқ турли-туман этнографияга оид буюмлар, 2000 дан ортиқ ноёб ёдгорлик буюмлари мавжуд. Музей фондидаги материаллар орасида Туркменистон, Тожикистон ва Қирғизистон тарихига тааллуқли маълумотлар ҳам кўплаб учрайди.

Музейга асосан материалларнинг асл нусхалари, шунингдек, макетлар, бадиий ва график тасвирлар, чизмалар, диаграммалар, расмлар қўйилган.

Музей турлари.

Республикамиз ҳудудида уч турдаги музейлар мавжуд бўлиб, **биринчи** турдаги музейларга илмий-тадқиқот ва маданий-маърифий ишларини олиб борадиган музейлар киради. Улар бир вақтнинг ўзида илмий-тадқиқот ва маданий-маърифий ҳамда таълим-тарбиявий ишларини олиб боради. **Иккинчи** турдаги музейларга фақат бир соҳа бўйича илмий-тадқиқот ишлари олиб борадиган, музей лабораторияларига эга бўлган махсус музейлар (масалан, Ўзбекистон Фанлар Академияси қошидаги бактериология ва минералогия музейи) киради ва нихоят, **учинчи** турдаги музейларга фақат ўқув туридаги музейлар киради. Бу музейларнингнинг асосий мақсади ўқув жараёнини яхшилашдан иборат.

Музей турлари кўп жиҳатдан унда сақланаётган коллекция фондларининг тавсифларига ва улар фаолиятининг йўналишига боғлиқдир.

Шунингдек, турли фан соҳаларига бўлинган музейлар ҳам бор. Бу музейлар орасида кўпроқ маълум бўлганлари ёки фақат ўша соҳа мутахассислигагина равшан бўлган маълум тармоқни акс эттирувчи музейлар ҳам мавжуд. Масалан, Тошкентдаги Ўзбекистон тарихи Давлат музейини, Тасвирий санъат музейини, Алишер Навоий номли Адабиёт музейини, Туркистон Ҳарбий Округи музейини, Табиатшунослик музейларини кўпчилик омма яхши билади, аммо археология, этнография, ҳарбий-тарихий, мемориал,

регионал, санъатшунослик, техник йўналишдаги музейларни кўпроқ ўша соҳа мутахассисларигина биладилар. Булардан ташқари яна Тошкентда мураккаб ва комплекс соҳали музейлар ҳам мавжуд.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, музей материаллари ўлкамиздаги қадимги замонлардан буён яратилган энг ноёб ёдгорликлар ва кейинги даврларда қўлга киритилган турли соҳалардаги ютуқлар, муваффақият натижаларини намоёйиш қилиш билан кенг меҳнаткаш оммани, шу жумладан ўқувчи ва талабаларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш ишига хизмат қилади.

Ривож топган музейлар тарих ва маданият ёдгорликларини тарғиб қиладиган муҳим масканларга, оқил ва фозил кишилар асарларининг, энг нодир қўлёзмаларининг, халқ усталари ясаган буюмларнинг хазиналарига айланади. Ҳозир Республикада 30 дан ортиқ давлат ва 150 дан ортиқ халқ музейлари бор. Уларнинг фондида Ўзбекистон халқ усталарининг нодир асарлари алоҳида ўрин эгаллаб турибди.

Самарқанд, Бухоро, Хивадаги улуғвор меъморчилик ёдгорликлари, Ўзбекистоннинг ҳозирги замон меъморчилиги, музейларимизнинг бой фонди фуқароларимиз учунгина эмас, кўплаб сайёҳлик ёхуд бошқа сабаблар билан ўлкамизга ташриф буюраётган чет эллардаги кишилар учун ҳам катта жозибадор куч бўлиб қолди. Кейинги йилларнинг ўзида Ўзбекистонни 500 мингдан зиёд ажнабий ва 800 мингдан ортиқ туристлар келиб кўрдилар. Шу вақт ичида давлат музейларининг ўзини 19 миллионга яқин киши келиб томоша қилди (1996 йил.).

Ёдгорликлар мафкура ишининг таъсирчан воситасидир. Бу ёдгорликлар ҳамиша сафда, кўз ўнгимизда, уларни истаган вақтда бориб кўриш мумкин. Бинобарин, ҳар бир ёдгорлик тўғрисида ғамхўрлик қилиш, унга эътибор берилиши яхши ҳолатда сақланиши ва ўрганилиши лозим. Бу ишга кўпроқ мактабларда ўлкашунослик иши олиб боровчи раҳбар тарих, география ва инсон ва жамият фанлари ўқитувчилари зарур.

Мактаб музейининг вазифалари.

Ўлкани ва унда мавжуд бўлган тарих ва маданият ёдгорликларини муҳофаза қилиш, ўрганиш ва улардан фойдаланиш ҳар бир фуқаронинг муқаддас бурчидир. Тарихчиларга бу қонун муқаддас дастурул амал бўлиб хизмат қилади. Биз эса ёшларни тарихий ёдгорликларни авайлаб сақлашга, тарихий обидаларга меҳр-муҳаббат билан қарашга ўргатиб, бу ёдгорликлар фақат ўтмишни ўрганиш учунгина эмас, шу билан бирга илм-фанни, халқ маорифи ва маданиятини янада ривожлантириш учун ҳам бебаҳо дурдона эканлигини сингдириш руҳида тарбиялашимиз керак.

Мактаб музейи ёшлар олдига қуйидаги вазифаларни: биринчидан, жамият ҳаёти ва халқ турмушидаги энг муҳим тарихий воқеаларни, давлат ва ҳарбий арбобларнинг, халқ қаҳрамонларининг ҳаёти ва фаолияти билан боғлиқ бўлган бинолар, иншоотлар, эсдалик жойларни ўз ўлкасига боғлаб ўрганишни, иккинчидан, археология ёдгорликлари: кўҳна шаҳарлар, кўрғонлар, қалъалар, қадимий манзилгоҳлар, истехкомлар, корхоналар,

каналлар, йўлларнинг қолдиқлари, қадимий дафн жойлари-мозоратларни, тош ҳайкаллар қоялардаги тасвирларни, қадимий буюмларни ўз жойига боғлаб ўрганишни, учинчидан, меъморчилик обидалари, тарихий марказлар, кварталлар, майдонлар, кўчалар, шаҳар ва бошқа аҳоли яшайдиган манзилларнинг қадимий тузилиши, қурилиши ва қолдиқларини фуқаро, саноат, ҳарбий, диний халқ меъморчилиги иншоотларини, табиат ландшафтларини ўз ҳудудига мослаб ўрганишни: тўртинчидан, саноат ёдгорлик ҳужжатлари - давлат ҳокимият органлари ва давлат бошқарув органларининг актлари, бошқа ёзма ва график ҳужжатлар, кино-фото ҳужжатлар ва товуш ёзувлари, шунингдек, қадимий ва бошқа қўлёзмалар ҳамда архивлар фольклор ва музика ёзувлари ва шу каби нодир материалларни излаб топиш, ўрганиш ва умумлаштириш вазифаларини қўяди.

Мактаб музейи олдига жуда катта ва улкан вазифалар қўйилган бўлсада, халқ ва давлат музейларидан ўзига хос хусусиятлари билан тубдан фарқ қилади. Биринчидан, мактаб музейи ўқувчилар учун мўлжалланган. Иккинчидан, бу музей мактаб ўқитувчилари жамоаси ҳамда ёшлар ташкилотлари томонидан йиғилган материаллар асосида ташкил этилган. Учунчидан, музейдан фақат юксак тарбиявий мақсаддагина эмас, балки таълим жараёнида ҳам унумли фойдаланиш мумкин. Политехника таълимида кичик музейни ташкил этиш бениҳоя катта аҳамиятга эгадир.

ЎЛКАШУНОСЛИК ТЎГАРАГИ.

Мактабда ўлкашунослик тўғрагини ташкил этиш ўқувчиларнинг ўз ўлкаларини чуқур ўрганишларига катта ёрдам бериши. Ўлкашунослик тўғрагини ташкил этишдан олдин ана шу муҳим ва мураккаб ишга раҳбарлик қила оладиган, ишини чин кўнгилдан севадиган ва бу соҳага етарли билим ва малакага эга бўлган мутахассисдан раҳбар танлаш ва уни мактаб ўқитувчилари Кенгашида тасдиқлаб олиш зарур. Бу анча қийин масала. Ўлкашунослик тўғрагининг бўлғуси раҳбари нималарни яхши билиши керак? Энг аввало, у ўлкашунослик нима ва у нималарни ўрганади ва нимадан баҳс этади, ўлкашуносликнинг манбалари ва объектлари қайсилар, 1917 йилгача, ундан кейин ўлкашуносликнинг босқичлари, турлари, тарихий ўлкашуносликнинг илмий-назарий ва услубий асослари ва бошқаларини жуда яхши билган ва тушуниб олган бўлиши керак.

Бинобарин, ана шуларни ўрганиб олмасдан туриб ўлкашунослик соҳасида маълум бир натижага эришиб бўлмайди.

Ўлкашунослик уни қуйидаги асосий маанбаларини ўрганишдан бошланади. Дарсликда баён қилинганидек, даставвал ўлкашунослик ҳақида қисқача маълумот берилади: ўлкашуносликда археология, этнография, топонимиканинг роли ва аҳамияти очиб берилади: ўлкашуносликнинг асосий манбаларидан бири архившунослик, музей экспонатлари ҳақида батафсил тушунча ҳосил қилинади.

Ўқув машғулотида фойдаланиш мумкин бўлган педагогик технология методлари

Таълим жараёнида зоманавий педагогик технологиялардан фойдаланиш ўз самарасини бермоқда. Бу эса айни вақтда ўқитувчи ва талабадан доимо изланишни, интилувчанликни, ўз фикрини мустақил ифода этиш борасида амалий кўникмаларни ривожлантириб боришни тақоза этади. Шунингдек, уларнинг келажакда ўз касбининг чуқур билимдони бўлиб етишишлари учун замин ҳозирлайди.

Қуйида дарс машғулотида жараёнида қўллаш мумкин бўлган педагогик технология услубларидан мисоллар келтирилади:

Чархпалак технологияси. Мақсад: талабаларни дарс жараёнида мантиқий фикрлаш, ўз фикрларини мустақил равишда баён эта олиш, ўзларини баҳолаш ҳамда яққа ва гуруҳларда ишлашга, бошқалар фикрига ҳурмат билан қарашга, кўплаб фикрлардан кераклисини танлаб олишга ўргатиш.

Ўтказиш технологияси:

1. Талабалар (шароитга қараб) гуруҳларга ажратилади.
2. Ўқитувчи уларга машғулоти ўтказиш қоидаларини таништиради.
3. Тарқатма материаллар гуруҳ аъзоларига тарқатилади.
4. Дастлаб гуруҳ аъзолари яққа тартибда берилган вазифани ишлаб чиқишади ва тарқатма материалнинг ўнг томонига ўз белгисини ёки исми, фамилиясини ёзади. Талаба тўғри деб билган жавобини + белгиси билан ручкада белгилаб чиқади. Бунга 10 дақиқа ажратилади.
5. Бажарилган вазифа бошқа гуруҳ аъзолари билан алмаштирилади. Улар ҳам тарқатма материалнинг чап томонига ўзининг белгиси ёки исминини ёзиб, нотўғри деб билган жавобларни х белгиси билан ўз жавобини белгилайдилар. Унга 5 дақиқа вақт ажратилади.
6. Тузатилган, ўзгартирилган материалларни яна бир марта гуруҳлар бўйича алмаштириш мумкин (гуруҳлар сонига қараб).
7. Охириги алмашишдан сўнг ҳар бир гуруҳ аъзоси ўзлари илк бор тўлатган материални танлаб оладилар ва унда белгиланган жавоблар таққосланади ва таҳлил қилидилар.
8. Ўқитувчи тарқатма материалда берилган тўғри жавобни ўқийди ва талабалар уларни ўз жавоблари билан солиштириб борадилар.
9. Ҳар бир талаба тўғри жавоб билан белгиланган жавоблар ўртасидаги фарқни аниқлаб, тўплаган балини ҳисоблаб, ўзини ўзи баҳолайди.
10. Талабаларнинг баҳолари синф журналига қайд қилинади ва машғулот тўғрисида ўқитувчи ўз фикр ва мулоҳазаларини билдиради.

Ибтидоий давр хусусиятларини аниқланг.
(«Чархпалак» технологияси.)

№	Давр хусусиятлари	Палео лит	Мезо лит	Нео лит	Энео лит	Бро нза
1	Ўлкамизда деҳқончилик ва чорвачилик вужудга келган					
2	Ўқ-ёй ихтиро қилинган					
3	Ўлкамизда тўқимачилик пайдо бўлган					
4	Сунъий олов ихтиро қилинган					
5	Сопол ихтиро қилинган					
6	Ибтидоий санъат шаклланди					
7	Ибтидоий дин шакллари вужудга келган					
8	Мустье даври маданияти кечди.					
9	Неандерталь одамлар яшаган					
1 0	Уй -ҳайвонлари хонакилаштирил ган					
1 1	Матриархат (она уруғи) даври гуллаб яшнади					
1 2	Суғорма деҳқончилик вужудга келган					
1 3	Тўқимачилик пайдо бўлган					
1 4	Илк шаҳарлар вужудга келган					
1 5	Мис ихтиро қилинган					
1 6	Микролит куроллар					

	ишланган					
1 7	Матриархат – она уруғи даври шаклланди					
1 8	Ғилдирак механизми кашф этилди					
1 9	Ирқлар шаклланган					
2 0	Патриархат даври бошланган					

9 - 12та тўғри жавоб - "қониқарли"

13 - 16та тўғри жавоб - "яхши"

17 - 20та тўғри жавоб - "аъло"

**Қуйидаги меъморчилик ёдгорликлари қайси шаҳарларда
жойлашганини аниқланг
(«Чархпалак» технологияси).**

№	Ёдгорликнинг номи	Тошк ент	Хива	Сам арқ анд	Бухо ро	Қўқ он
1.	Кўҳна Арк					
2.	Ҳазрати Хизр					
3.	И.Сомоний мақбараси					
4.	Чор минор					
5.	Абулқосим мадрасаси					
6.	Оллоқулихон мадрасаси					
7.	Шердор мадрасаси					
8.	Бароқхон мадрасаси					
9.	Тиллакори мадрасаси					
10.	Лабиховуз					
11.	Руҳобод мақбараси					
12.	Халфа тилло мажмуаси.					

13.	Ситораи Моҳи Хоса					
14.	Бибиҳоним жомеъ масжиди					
15.	Қалдирғочбий мақбараси.					
16.	Камол қози мадрасаси					
17.	Амир Тўра мадрасаси					
18.	Шоҳизинда ансамбли					
19.	Масжиди калон					
20.	Исломхўжа минораси.					

9 – 12та тўғри жавоб - "қониқарли"

13 – 16та тўғри жавоб - "яхши"

17 – 20та тўғри жавоб - "аъло"

“Бумеранг” технология. Мақсади: Ўқув жараёнида талабаларга тарқатилган материалларни улар томонидан якка ва гуруҳ ҳолатида ўзлаштириб олишлари ҳамда суҳбат мунозара ва турли саволлар орқали тарқатма материаллар, ундаги матнларни қай даражада ўзлаштирилганлигини назорат қилиш ва баҳолаш.

Ўтказиш технологияси:

Ушбу технология бир неча босқичда ўтказилади.

1. Талабалар кичик гуруҳларга бўлиб олинади.
2. Машғулотнинг мақсади ва тартиби таништирилади.
3. Талабаларга мустақил ўрганиш учун мавзу бўйича матнлар тарқатилади.
4. Талабалар томонидан берилган матнлар якка тартибда мустақил равишда ўрганилади. 15 дақиқа вақт ажратилади.
5. Ҳар бир гуруҳ аъзоларидан янги гуруҳ ташкил этилади.
6. Янги гуруҳ аъзоларининг ҳар бири гуруҳ ичида навбати билан мустақил ўрганган матнлари билан ахборот алмашади, яъни бир-бирларига сўзлаб берадилар ва матнни ўзлаштириб олишларига эришилари лозим. Бунга 10 дақиқа вақт ажратилади.
7. Берилган маълумотларни ўзлаштирганлик даражасини аниқлаш учун гуруҳ ичида ички назорат ўтказилади, яъни бир-бирлар билан савол-жавоб қиладилар. 5 дақиқа вақт ажратилади.
8. Янги гуруҳ аъзолари аввалги ҳолатдаги гуруҳларга қайтади.
9. Талабаларнинг балларини ҳисоблаб бориш учун ҳар бир гуруҳда “гуруҳ ҳисобчиси” тайинланади.

10. Гуруҳлар ўртасида матнларни қай даражада ўзлаштирганликларини аниқлаш учун оғзаки савол–жавоблар ўтказилади.
11. Саволларга берилга жавоблар асосида гуруҳларнинг тўплаган умумий бали аниқланади.
12. Ҳар бир гуруҳ аъзолари томонидан гуруҳдаги матннинг мазмунини ҳаётга боғлаган ҳолда битта савол тузилади.
13. Гуруҳлар томонидан тайёрланган саволларни бир-бирига беришлари лозим ва унга ҳам белгиланган балл берилади.
14. Гуруҳ аъзолари томонидан тўпланган умумий баллар йиғиндиси аниқланиб, гуруҳ аъзолари ўртасида тенг бўлинади.
15. Талабаларнинг тўплаган баллари гуруҳ журнаliga қайд қилиниб, ўқитувчи машғулот юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдиради.

ХУЛОСА

Инсон учун ўз Ватани ва халқига бўлган муҳаббати уларни яқиндан синчклаб ўрганиш орқали, шунингдек, танишиб бориш билан вўлга киритилади. Мазкур методик қўлланмада шуларга алоҳида аҳамият берилди.

Томчида қуёш акс этгани каби асрлар қаъридан бизгача сақланиб келаётган тарихий манба - илмий ёки бадиий асар, буюм ёхуд жиҳозлар, шунингдек, меъморий ёдгорликлар ва осори атиқалар ўлка ва халқимизнинг узок-яқин ўтмиши ҳақида қимматли маълумотларни бера олади. Халқ иқтидори, юксак маҳорати ва истеъдоди ҳамда маънавияти маҳсули бўлган бундай ёдгорлик намуналари билан танишиб бориш, йилнинг барча фасллари кечадиган бетакрор, гўзал табиатимиз бўйлаб сайру-саёҳатлар кишини Ватанга, халққа янада яқинлаштириб, уларга бўлган муҳаббатни оширади ва соғлом, хуш кайфиятда яшашга омил бўла олади. Шу туфайли ҳам бундай бебаҳо бойликларни авайлаб асрашимиз ва ўрганмоғимиз лозим.

Бу борада Президентимиз И.А.Каримов «Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар» китобининг сўз бошисида қайд этганларидек, «Ўзлигимизни англаш, бизнинг кимлигимизни, қандай буюк аجدодларимизнинг меросига, неча минг йиллик тарих, бетакрор маънавият ва қадриятларга эга эканимизни ҳис этиб яшаш» ҳозирги вақтда мустақил республикамиз ҳар бир фуқаросининг мақсад ва вазифасига айланди.

Мазкур методик қўлланмани тайёрлашда муаллиф қўйилган масалаларни ёритишда юқоридаги фикрлардан келиб чиққан ҳолда ёндашди.. Унда тарихий ўлкашуносликнинг 5 та асосий манбаси бўлган археология, этнография, топонимика, архившунослик ва музей экспонатлари орқали ўлка ва халқимиз ўтмишини то ҳозирга қадар ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва маданий жиҳатдан ривожланиб боришининг нисбатан муҳимроқ ва эътиборли томонларини фан нуқтаи назаридан туриб ёритишга аҳамият берилди.

Келтирилган асосий манбаларнинг ҳар бири алоҳида фан тармоқлари ҳисобланиб, уларнинг бири-бирисиз ўлка ва халқ ўтмишини, ҳаётини батафсил ўрганиб бўлмайди. Шу боисдан улар қўлланмада бобма-боб тарзда баён қилинган.

Ўзбекистонда туризмнинг шаклланиши ва ривожланиши, истиқболлари ҳақидаги масалалар, халқаро туризм орқали мамлакат иқтисодиёти, ижтимоий-сиёсий ҳаёти учун жуда фойдали бўлган натижалар кутилаётганлиги асосли маълумотлар орқали қайд этилди.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда яна қуйидагича қисқа хулосаларга келиш мумкин:

Биринчидан, тарихий ўлкашунослик ва туризм фани бўйича мазкур методик қўлланма билан танишгач ўқувчида ўлка ва халқимиз ҳақидаги, унинг ўтмиши, ҳозирги ҳаёти тўғрисидаги тасаввур, билимлари янада бойитилади.

Иккинчидан, ўқувчи тарихнинг тегишли фан соҳалари бўлган археология, этнография, топонимика, архившунослик ва музей экспонатлари

билан янада яқинроқ танишадилар. Бу эса фанлараро алоқадорликни мустаҳкамлашдан ташқари ўқувчи маълум мақсадларга эришмоқ учун турли фан соҳаларини яхши ўзлаштириш тақозо этилишини чуқур эътироф қилади.

Учинчидан, ўқувчи ўлкамизда туризмнинг аҳволи ва истикболи ҳақида, унинг нафақат мамлакат иқтисодиёти ва сиёсатида балки, маданий-маиший ҳаётида тутган ўрни, соғломлаштирувчи хусусияти бўйича билим, тасаввурга эга бўладилар.

Тўртинчидан, ўқувчи ёшларнинг фан орқали ўзлаштирган билимларини амалий фаолият орқали (музейларни бориб кўриш, архивлар билан танишув, тарихий ёдгорликларни кузатиш, гўзал табиат кучоғида саёр-саёҳат кабилар) мустаҳкамлашга ундовчи қизиқишлари ортади.

Бешинчидан, ўқувчилар Ватан ва халқ тарихи, ҳаётига доир қизиқарли кечалар ва бошқа тадбирларни ўтказиш учун зарур маълумотларга эга бўладилар.

Олтинчидан, ахборот-техника соҳалари кун сайин кучайиб бораётган ҳозирги асрда ўқувчилар қўйилаётган масалага доир баъзи маълумотларни компьютер каби техника воситаларидан, интернет сайтларидан ҳам олиш имкониятига эгадирлар.

Еттинчидан, ушбу методик қўлланма материалларидан фойдаланиш орқали дарс самарадорлигини ошириш учун таълимнинг турли шакл ва усулларида: маъруза, амалий машғулот, (табиат қўйнидаги дарс), музейдаги дарс, конференция дарси, ўз-ўзини бошқарув дарси, мунозара дарси кабилардан фойдаланса бўлади.

Саккизинчидан, ўқувчиларнинг ўз устида мустақил ишлаш кўникмасининг ошувида, ўзаро ҳамкорлик, аҳилликнинг ортиши, ҳаётий дунёқарашнинг шаклланишида тарихий ўлкашунослик материаллари билан танишувнинг аҳамияти жуда катта.

Тўққизинчидан, методик қўлланма материаллари фақат ўқувчи ёшларнинггина билим-тасаввурларини ошириб қолмасдан, балки ўлка ва халқ тарихи, ҳаёти билан қизиқувчи барча кишилар учун муҳим бўлиб, айниқса, ўқитувчиларнинг ўз устларида ишлашларини яхшилашга, касб маҳоратини ошувига ёрдам беради.

Ўнинчидан, тарихий ўлкашунослик материаллари билан танишув асосида ўқувчида тарихий-маданий меросга бўлган эътибор ижобий тарзда шаклланади. Миллий урф-одатларимизни ўрганишга ва қадриятларимизни тикланишига имкон яратилаётган, кенг қамровли ислохатлар орқали жамиятимизда йирик бунёдкорлик ишларини амалга оширилишига йўл очган мустақиллигимизни қадрлашга ҳамда мустаҳкамлашга бўлган иштиёқ ортади.

Ўнбиринчидан, тарихий ўлкашунослик бўйича мазкур ўқув қўлланмада келтирилган маълумотлар талабаларда соҳа бўйича касбий педагогик билим-тажрибаларнинг ошиб боришига хизмат қилади.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Каримов И.А. Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли, Т., “Ўзбекистон”, 1992.
2. Каримов И.А. Ўзбекистон : миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура Т., “Ўзбекистон”, 1993
3. Каримов И.А. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир Т., “Ўзбекистон”, 1995
4. Каримов И.А. Тарихий хотирасиз елажак йўқ, Т., 1998
5. Каримов И.А. Ўзбекистон буюк келажак сари, “Ўзбекистон”, 1998
6. Ўзбекистоннинг янги тарихи 1-2-3 қисмлар, Т., «Шарқ», 2000
7. Ўзбекистон халқлари тарихи, акад. ААсқаров таҳририда, 1-II қисмлар, Т., “Фан”, 1993,1994
8. Аҳмедов Б. Тарихдан сабоқлар Т., “Ўқитувчи”, 1994
9. Бобобеков Ҳ.Н. ва бошқалар. Ўзбекистон тарихи Т., “Ўқитувчи”, 1994
10. Дўсимов Э., Эгамов Х. Жой номларининг қисқача изоҳли луғати,
11. Жавлиев Т. Анъаналар - ҳаёт сабоғи Т., “Ўзбекистон”, 1992
12. Набиев А.С., Тарихий ўлкашунослик, Т., “Ўқитувчи”, 1996
13. Набиев А.С. ва бошқа., Ўзбекистон тарихини ўқитишда этнографик материаллардан фойдаланиш, Т., “Ўқитувчи”, 1996
14. Наршахий, Бухоро тарихи, “Фан”, 1966
15. Нафасов Т. Ўзбекистон топонимларининг изоҳли луғати, Т., “Ўқитувчи”, 1988
16. Муҳаммаджонов А. Ўзбекистон тарихи Т., “Ўқитувчи”, 1994
17. Маҳмуд Саттор, Ўзбек удумлари, Т., “Фан”, 1992
18. Маллаев Н.М. Ўзбек адабиёти тарихи Т., “Ўқитувчи”, 1976
19. Пугаченкова Г.А., Ремпель Л.И. Очерки искусства Средней Азии, Москва. “Искусства”, 1982
20. Пугаченкова Г.А. Темурнинг меъморий мероси, Т., Қомус бош таҳририяти. 1996
21. Жабборов И. Ўзбек халқи этнографияси, Т., “Ўқитувчи”, 1994
22. Кабиров.Ж., Сагдуллаев.А., Ўрта Осиё археологияси, “Ўқитувчи”, 1990
23. Раҳимов Ж. Ўзбекистон тарихини ўрганишда архив манбалардан фойдаланиш Т., “Ўқитувчи”, 1995.
24. Файзиев Т. Темурийлар шажараси Т., “Ўқитувчи”, 1995.
25. Шониёзов К. Қанг давлати ва қанғликлар, Т., “Фан”, 1990.
26. Қайюмов П., Қадимги Кеш-Шаҳрисабз тарихидан лавҳалар, Т, “Шарқ”, 1999.
27. Бухорий С.С., Табаррук зиёратгоҳлар, Т, “Ўқитувчи”, 1993.
28. Машрабов З., Шокаримов С., Асрларни бўйлаган Бобур, “Ўқитувчи”, 1997.
29. Ҳаққулов А. Таъмир санъати, Т., “Меҳнат”, 1991.
30. Содиқов Н. Маданий ёдгорликлар хазинаси, Т., “Фан”, 1981.
31. Абдумаликов Р. , Холдоров Т. Туризм: Олий ўқув юрти талабалари

- учун қўлланма. 2-нашр.
32. Саидов А.Ф. Ўзбекистонда туризм: истиҳбол ва муаммолари, Т., "Меҳнат", 1992. 168 б.
33. Ҳошимов М.А., Кучерявых В.И. Табиатнинг нодир сайргоҳлари, Т. "Меҳнат", 1991.
34. Ўлжаева Ш. Музейшунослик. Т., "Университет", 2002

6 – МАШҒУЛОТ
МАВЗУ : ЎЛКАШУНОСЛИКНИНГ АСОСИЙ
МАНБАЛАРИДАН ТОПОНИМИКА.

РЕЖА:

1. Топонимика асосида ўлка тарихини ўрганиш.
2. Сайру – саёҳат жойлардаги топонимик атамаларни ўрганиш усули.
3. Топонимик маълумотларни тўплаш.
4. Тошкент воҳаси топонимикаси.
5. Ўзбекистон вилоятларининг тарихий ва маданий ёдгорликлари.
6. Ўзбекистонда туризм.

Адабиётлар

1. Каримов И. Ўзбекистон буюк келажак сари. Т.: 1996.
2. Набиев А. Тарихий ўлкашунослик. Т.: 1996.
3. Бегматов Ў. Жой номлари – маънавият кўзгуси. Т.: 1996.
4. Дўсимов Ў. Жой номларининг қисқача изоҳли луғати. Т.: 1996.
5. Нафасов Т. Ўзбекистон топонимларининг изоҳли луғати. Т.: 1998.
6. Қораев С. Ўзбекистон вилоятлари топонимлари. Т.: 2005.
7. Зоҳидов П. Меъмор олами, Т.: 1996.